каси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусида қилган маърузасида таъкидланишича: "Юртимизда ўтган йиллар давомида бозор иқтисодиёти соҳасидаги ўзгаришларнинг ишончли қонунчилик базасини шакллантириш борасида амалга оширилган улкан ишлар ҳеч кимга сир эмас, албатта. Буларнинг барчасини эътироф этган ҳолда, мавжуд қонунларимизнинг кўпчилигини уларни қўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги даврдаги янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарур".

Дарҳақиқат, мамлакатимизда демократик янгиланишлар рўй бераётган, қонун ҳужжатларини либераллаштириш жараёни изчил давом этаётган ҳозирги даврда иқтисодиётни янада эркинлаштириш, бозор иқтисодиёти муносабатларини такомиллаштириш, айниқса, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш, амалдагиларини эса айнан шу нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг жорий йилда бўлиб ўтган бешинчи ялпи мажлисида суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш, тадбиркорларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаш механизмининг такомиллаштиришга қаратилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилинганлигини юқорида қайд этилган вазифани ижро этиш борасида қўйилган қадамлардан бири, дейиш мумкин. Чунки, Президентимизнинг юқорида таъкидлаб ўтилган Фармони билан тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилган бўлса-да, аммо суд жараёнларида бевосита ушбу тартибни қўллаш билан боғлиқ, унинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи, Фармонда кўзда тутилган мақсад ва вазифаларга жавоб берадиган процессуал ҳуқуқ нормалари етарли эмасди. Яъни амалдаги процессуал ҳуқуқ нормаларини шакллантиришга эҳтиёж мавжуд эди.

2011 йил 21 апрелдаги мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Унда ташкилотлар ва фуқароларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисида мурожаат қилиш ҳуқуқи, бундай аризанинг шакли ва мазмуни, аризага илова қилинадиган ҳужжатлар, ушбу тоифадаги аризаларни хўжалик

судларида кўриб чиқиш тартиби, ўзига хос хусусиятлари акс этган.

Кодексга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, авваламбор, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, уларга ўз фаолиятини амалга оширишлари учун қулай иқтисодий шарт-шароитлар яратиш, кичик бизнеснинг ривожланишига ғов бўлаётган тўсиқларни бартараф этиш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтиришга қаратилгандир.

Ушбу Қонун билан тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартиби тадбиркорлар манфаати инобатга олинган ҳолда сезиларли даражада соддалаштирилди. Масалан, ишни биринчи ва апелляция инстанцияларида кўриш муддати 1 ойдан 15 кунгача, ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириш муддати 1 ойдан 10 кунгача, суднинг ҳал қилув қарорини тузиш ва тарафларга юбориш муддати 5 кундан 3 кунгача қисқартирилди. Шу тоифадаги ишларни кўриб чиқиш муддати жами 70 кундан 30 кунгача камайди.

Ундан ташқари, Қонунда ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги ариза кўрилаётганида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқбузарлик содир этилишидаги айбини унинг фаолиятини назорат қилиш ваколати юклатилган орган исботлаши кераклиги тўғрисидаги қонданинг белгиланганлиги, авваламбор, назорат органи мансабдор шахсларининг бу борадаги масъулиятини оширади, тадбиркорлик субъектларининг айбсизлик презумпцияси тамойилининг амалга оширилишини таъминлаб, унга асоссиз айб қўйилишидан ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, одил судловни қатъий равишда амалга ошириш, иқтисодиёт соҳасида қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига эркин фаолият юритишлари учун кенг имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш, уларнинг иқтисодий мустақиллиги ва ҳуқуқий онгини юксалтириш борасидаги ишларни янада жонлантириш лозим бўлади. Президентимиз таъбири билан айтганда, "Мамлакатимиз келажagini белгилаб берадиган бу тоифа вакилларига шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш керакки, улар ўзи, ўз оиласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қила олсинлар".



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена судебной защите прав предпринимателей в нашей стране. В статье автор осуществляет общий обзор развития предпринимательства и реформирование данной сферы в нашей стране, проводится подробный анализ судебной защиты и правоприменительной практики по исполнению нормативных актов по защите прав предпринимателей. В заключительной части автор приходит к выводу, что судебные органы занимают важное место в развитии малого бизнеса и частного предпринимательства.

Толибжон УМАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари бошлиғи, ю.ф.д.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯЛАРНИНГ РОЛИ

"Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида, шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради".

Ислом КАРИМОВ

Ҳозирда дунё аҳолисининг 2 миллиард 170 минг нафарини болалар ташкил қилса¹, юртимиз умумий аҳолисининг қарийб 40 фоизини 18 ёшга етмаган шахслар ташкил қилади.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доимо давлатимизнинг бирламчи вазифаларидан бири бўлиб, Ўзбекистонда мазкур соҳага доир қонунчилик базаси мунтазам равишда такомиллаштириб борилмоқда. Мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунчиликнинг ривожланишига назар ташласак, у икки босқичга, яъни бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид миллий қонунчиликнинг шаклланиш босқичи (1991-2000 й.й.) ҳамда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид миллий қонунчиликнинг ривожланиши ва уни такомиллаштириш босқичига (2000 йидан ҳозирга қадар) ажратиш мумкин².

1992 йил 9 декабрда "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги БМТ конвенциясининг ратификация қилиниши мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро стандартларга риоя этилишини ҳуқуқий мустаҳкамлаб қўйди. Ўзбекистон Республикаси 2008 йилда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг "Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисида"ги ва "Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида"ги конвенция³ларини ратификация қилди.

Шу билан бирга, 2008 йил 7 январда қабул қилинган "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг миллий қонунчилик майдонида энг муҳим ҳуқуқий ҳужжатлардан бири сифатида юзага келди. Ушбу қонун мажмуавий тавсифга эга бўлиб, у бола ҳуқуқларининг барча асосий

ва қўшимча кафолатларини мустаҳкамлаб қўйди.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишда яна бир муҳим воқеа бўлиб, 2010 йилнинг 17 майида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга "Вояга етмаган шахсининг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш" деб номланувчи 188²-модда киритилиши ҳисобланади. 2010 йилнинг 29 сентябрида "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши эса ушбу соҳада қилинган самарали ва муҳим қадам бўлди.

Албатта, ҳар қандай қонуннинг кучи унинг ижроси ҳамда ишлаш механизмнинг самарадорлигига боғлиқдир. Юртимизда бунга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва давлат бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштириш учун 2000 йил 21 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги Қарорни қабул қилинди.

Халқаро амалиётга назар ташласак, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг иккита катта гуруҳи мавжуд. Булар:

1. Алоҳида ташкил этилган институт сифатида. Бундай турдаги комиссиялар асосан МДХ (Россия, Ўзбекистон, Украина ва бошқа давлатлар)да мавжуд бўлиб, улар суд ҳокимиятидан алоҳида бўлган мустақил орган ҳисобланади. Бундай комиссиялар болалар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий

жихатдан хавфли аҳволда бўлган болаларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш, ҳуқуқбузарлик содир этган болаларга нисбатан медиа-институтини татбиқ этади;

2. Вояга етмаганлар ишлари бўйича тузилмаларнинг судлар таркибида фаолият кўрсатиши. Бундай амалиёт алоҳида ювенал судлари мавжуд бўлган Франция, АҚШ, Канада каби мамлакатларда мавжуд. Унга кўра, суд ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганларга нисбатан қарор чиқаргандан сўнг унинг хулқ-атворини ижтимоий-педагогик жиҳатдан коррекциялаш, уни бошқа ҳуқуқбузарликка қўл урмаслигининг олдини олиш, психологик, моддий ва ижтимоий ҳимоя бўйича кўмак бериш; ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болаларнинг ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш, уларни ҳар тамонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофазалаш фаолиятини амалга оширади. Ушбу комиссия таркиби вояга етмаганлар ишлари бўйича судьянинг ёрдамчиси, психолог, ижтимоий ишга йўналтирилган хизматчилар, соғлиқни сақлаш ва вояга етмаган ишлари бўйича полиция офицери-дан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикасида эса Ҳукумат ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия давлат ва жамият ривожланиш стратегиясини изчил ҳаётга татбиқ қилувчи муҳим институт бўлиб, ҳудудларда бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳадаги ишлар аҳволини чуқур таҳлил қилади ҳамда ижобий ишларни мустаҳкамлаш ва муаммоларни бартараф этиш учун давлат ҳамда жамоат ташкилотларига тегишли амалий ёрдам берилишини ташкиллаштиради.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида қуйидаги йўналишларда амалга оширади:

— вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайри-ижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш;

— вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

— ижтимоий жиҳатдан танг аҳволда бўлган вояга етмаганларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш йўналишларини амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январдаги 13-сонли қарорига мувофиқ, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолияти ва функцияларини янада такомиллаштириш чоралари қўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Комиссияга қуйидаги асосий вазифалар юкланган:

— вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши-

ни таъминлаш, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсиз қолиши, ҳуқуқбузарлиги ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларига олиб келувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

— давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

— вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларда вояга етмаганларни сақлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш шароитларини назорат қилиш;

— вояга етмаганларнинг онгини ва тафаккурини шакллантириш ва даражасини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, шунингдек, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида маънавий-маърифий ишларни фаоллаштириш;

— жазони ижро этиш жойларидан озод бўлиб келган ёки махсус ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган вояга етмаганларни турар жой ва иш билан таъминлашда ёрдам бериш, шунингдек, вояга етмаганларни ижтимоий реабилитация қилиш бўйича қонунда назарда тутилган бошқа функцияларни амалга ошириш.

Таъкидлаш жоизки, комиссияларнинг ҳуқуқий ҳолати унинг бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигида намоён бўлади. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар таълим, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, ички ишлар органлари билан биргаликда ва жамоатчиликнинг фаол иштирокида етим ва ота-она қаровисиз қолган болаларни; вояга етмаганларни ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилаларни; таълим муассасаларида машғулотларга узрли сабабсиз мунтазам бормайдиган вояга етмаганларни, шунингдек, давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлган бошқа вояга етмаганларни аниқлайдилар ва ҳисобга кўядилар ҳамда уларни жойлаштириш чора-тадбирларини кўрадилар.

Прокуратура органлари билан комиссия фаолиятидаги ҳамкорлик ҳам ўзига хос муҳим аҳамият касб этади. Прокуратура органлари зиммасига вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан назоратни кучайтириш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиши сабабларини бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш юклатилган. Бундан кўриниб турибдики, вояга етмаганларни ҳуқуқларини таъминлашда прокуратура ва комиссия фаолияти бир мақсадга йўналтирилган.

Жойлардаги комиссиялар билан прокуратура органлари ўртасида ҳамкорликда амалга оширил-

ган ижобий фаолиятни таҳлил қилсак, ушбу ҳамкорликнинг самарлилигини кўришимиз мумкин. Масалан, Тошкент вилоятининг Зангиота тумани ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва туман прокуратураси ташаббуси билан ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва уларни касб-хунарга ўргатиш мақсадида янги "Ўқувчилар ижодиёт маркази" ташкил этилган.

Бугунги кунда марказдаги "Авиамодель", "Ганч ўймакорлиги", "Тасвирий санъат", "Лак миниатюра", "Ёғоч ўймакорлиги", "Юмшоқ ўйинчоқлар", "Рақс ва мусиқа", "Тиқиш-бичиш", "Компьютер сабоқлари", "Сартарошлик", "Пазандачилик", "Бадий либос", "Ҳайкалтарошлик" ва "Гилям-Гобелен" тўқиш каби тўғарақларга 1120 нафар ўқувчилар дарсдан бўш вақтларида жалб қилиниб, уларга 30 нафар малакали педагог мутахассислар тарбия бермоқда.

Яна бир ижобий ҳолатни Наманган вилоятида кузатишимиз мумкин. Наманган вилоят прокуратураси ташаббуси асосида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия билан ҳамкорликда 9-синфни битираётган 50 мингдан зиёд битирувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш ва уларнинг ўз қизиқишлари бўйича академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқишларини давом эттиришларини таъминлаш мақсадида "kollejlir.uz" интернет сайти ташкил этилган.

Ушбу сайт умумтаълим мактаблари билан ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармасининг электрон манзили орқали узвий равишда боғлаб, умумтаълим мактаби битирувчиларига академик лицей, касб-хунар коллежларининг манзили, тайёрлов йўналиш ва имкониятлари, ўқишга қабул қилиш тартиблари ҳақида батафсил маълумотлар олиш имконини бермоқда.

Шунингдек, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юр்தларини битириб чиқаётган ёшлар эгаллаган замонавий билим ва кўникмаларини амалда жорий этиши учун кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида яратилаётган янги иш ўринлари ҳақида бериб борилаётган маълумотлар асосида bandlik.uz сайти орқали вилоятнинг 120 нафардан ортиқ битирувчилари мутахассисликлари бўйича доимий иш билан таъминланишига эришилган. Шу билан бирга, таълим муассасалари, ички ишлар идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа мутассади идоралардан олинган маълумотларнинг таҳлили асосида ўтказилган текширишларда 148 нафар ота-онаси ёки улардан бири вафот этган, 261 нафар ота-онаси ўзаро ажрашган, 163 нафар ота-онаси узок муддатга бошқа давлатларга ишлаш учун кетганлиги сабабли қаровсиз қолган жами 619 нафар болалар аниқланиб, уларнинг 247 нафарига васий ва ҳомий, 41 нафарига бо-

қувчисини йўқотганлик нафақаси тайинланиши, 44 нафарига туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома берилиши, 71 нафарининг ота-онаси қарамоғига қайтарилиши таъминланган.

Яна шуниси аҳамиятлики, вилоят ва туман миқёсидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раислари этиб, тегишли ҳокимларнинг тайинланиши вояга етмаганлар муаммоларини ҳал қилиш учун оператив равишда зарур ресурсларни жалб қилиш ва барча тоифадаги давлат бошқарув органларини жалб қилиш имкониятини яратади⁴.

Шу ўринда, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва прокуратура органлари томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини кафолатлашга доир амалга оширилган фаолиятини таҳлил қилсак:

◆ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси томонидан кейинги йилларда ўтказилган 34 та мажлисларида болаларнинг ҳуқуқий ҳимояси билан боғлиқ 50 та долзарб масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинган;

◆ комиссиялар фаолиятига раҳбарлик қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга 94 мартаба амалий ёрдам кўрсатилган, ижобий иш фаолияти 25 мартаба оммалаштирилган, жойларда 57 та ахборот-ресурс марказлари ташкил этилган;

◆ Республика бўйича 212 нафар масъул котибнинг 120 нафари (43,4%) олий юридик маълумотга эга бўлиб, уларнинг малакаси ва касб-маҳоратини ошириш мақсадида Бош прокуратуранинг Олий ўқув курсларида 14 мартаба ўқув машғулоти ўтказилган, алоҳида ўрнатилган 40 нафар масъул котиблар прокуратура органларига ишга қабул қилинган;

◆ ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш мақсадида 124 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия аъзоларининг бевосита иштирокида қабул қилинган;

◆ ҳудудий комиссиялар томонидан ўтказилган 20935 та текширишлар натижаси бўйича давлат ва жамоат ёрдамига муҳтож бўлган 1.979 минг нафар болаларга ёрдам кўрсатилган, назоратсиз ва қаровсиз қолган 59 минг нафар болалар жойлаштирилган, 51 минг нафар ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий ишлар кўриб чиқилган;

◆ комиссияларнинг ташаббуси ва бевосита ёрдами билан 21503 та таълим муассасаларининг бинолари таъмирланган ва қайта реконструкция қилинган, Андижон ва Гулистон шаҳарларида замонавий болалар шаҳарчалари фаолият кўрсатмоқда;

◆ болалар ўртасида 56 мингдан зиёд танловлар, семинарлар ва викториналар, 41 мингта

спорт мусобақалари ўтказилган, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида ҳар бир туман-шаҳарларда болалар ижодиёт марказларининг фаолияти йўлга қўйилган, кам таъминланган оилаларнинг 680 минг нафар фарзандлари ёзги дам олиш оромгоҳларида дам олишган, 304 минг нафари билан республиканинг тарихий обидаларига саёҳатлар уюштирилган;

◆ ёшларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан ўтказилган 7236 та бўш иш ўринлари ярмаркасида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 348 541 нафар битирувчилари иш билан таъминланган, 25 891 нафар ногирон болаларга реабилитация техник воситалари берилган, 2 707 минг нафар кам таъминланган болаларга моддий ёрдам кўрсатилган;

◆ оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кўрилган чоралар натижасида чақалоқлар ўлими 1983 тага (20,9%), туғма ногиронлар сони 36 127 тага (25,1%) камайган;

◆ амалга оширилган кенг кўламли профилактик чора-тадбирлар натижасида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 656 тага (21,9%), уларнинг жиноятдаги иштироки 373 тага (11,9%) камайган.

Лекин эришилган ютуқлар билан бир қаторда ҳуқуқни қўллаш амалиётида айрим муаммолар ҳам мавжуд:

— комиссиялар фаолиятининг муҳим йўналиши сифатида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни янада такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ушбу соҳада қилиниши лозим бўлган ишлар қаторида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, хайрия, диний ва бошқа ташкилотлар билан болалар ҳуқуқларини муҳофазалаш, уларга моддий кўмак бериш ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этган вояга етмаганлар ҳулқини ижтимоий-педагогик жиҳатдан коррекциялаш мақсадида кенг жалб қилиш муҳимдир. Шундай масъулиятли вазифаларни бажариш мақсадида комиссия тарки-

бига кирмайдиган фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро шерикчилик ва ҳамкорлик муносабатларини шакллантириш;

— комиссия зиммасига ўрта-махсус таълим муассасаларнинг ўқувчиларининг ўқишга вақтида келиши ва тегишли ҳулқ-атворда бўлишига оид чора-тадбирларни кўриш юклатилган. Аммо касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар юқори курс ўқувчиларининг аксарияти вояга етган шахслар ҳисобланиб, уларнинг ҳулқ-атворига таъсир кўрсатиш дастакларини такомиллаштириш зарур. Бунинг учун комиссияларга балоғат ёшига етган ўрта-махсус касб ҳунар таълим муассасаларининг ўқувчиларининг давомати, дарсларни ўзлаштириш ва тегишли ҳулқ-атворда бўлиш юзасидан ваколатларини қонуний мустаҳкамлаш зарур;

— Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасида болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаганлик учун вояга етмаган шахснинг ота-оналари ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларга маъмурий жавобгарлик белгиланган. Миллий урф-одатларимизни инобатга олган ҳолда, ушбу норма субъектларига опа-акаларни, турмуш қурган бўлса қайнота-қайноналарни ҳам қўшиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, амалиётда улар болаларнинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи шахс сифатида намоён бўлмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, вояга етмаганлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, бу муҳитда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш билан шуғулланувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, мазкур йўналишда хорижий давлатлар тажрибасидан унумли фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг самарали фаолиятига боғлиқ бўлиб, ушбу комиссия ювенал адлиянинг миллий ҳамда замонавий институти сифатида намоён бўлмоқда.



АННОТАЦИЯ

Автор в статье освещает направления государственной политики в области защиты прав детей и правовые отношения в сфере создания эффективной системы защиты прав несовершеннолетних. Исследуется деятельность прав комиссии по делам несовершеннолетних и вопросы повышения эффективности взаимодействия деятельности государственных органов управления и институтов гражданского общества в этой сфере.

¹ Соғлом турмуш тарзи — баркамол авлод тарбиясининг асоси халқаро форумнинг материаллари. Т. 2010. 34-б.

² Аълоев У. Вояга етмаганлар жиноятларига қарши курашга қаратилган миллий қонунчилик тизими // Жиноятчилик, наркобизнес ҳамда терроризмга қарши кураш шароитларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалалари илмий-амалий анжуман материаллари. Т.: "Нуқуқ". 2011 й. 19-бет.

³ Болалар ғайри ижтимоий ҳаракатларнинг олдини олиш борасидаги долзарб вазифалари ва устувор йўналишлари. Т.: "YURIST-MEDIA". 2010. 248-362-б.

⁴ Шарафуддинов А.О. Прокурорский надзор — важный фактор обеспечения прав ребенка // Соғлом турмуш тарзи - баркамол авлод тарбиясининг асоси номли халқаро форумнинг материаллари. Т.: 2010. Ст.18.

ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигини нишонладик. Бу даврда асрларга татигулик ишлар амалга оширилганлигини бутун дунё тан олди. Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, аввало, элдошларимизнинг тинч, осойишта ва фаровон турмуш кечирishiни таъминламоқда. Юртимиз кундан-кунга обод бўлмоқда. Албатта, бу каби юксалишлар замирида қонун устуворлиги, ижтимоий ҳаётнинг барча бўғинларини тартибга соладиган қонунлар яратилганлиги турибди. Фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари мустаҳкамланиб, ҳуқуқий маданият тушунчаси шаклланди. Эндиликда ҳар қандай муаммонинг фақат қонуний асосларда ҳал қилиниши таъминланмоқда.

Аввало, ушбу муваффақиятлар гарови мамлакатимизнинг мустақиллиги эканлигини қайд қилиш лозим. Истиқлол йиллари улкан юксалишлар даври бўлди. Муҳтарам Юртбошимиз бошчилигида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли ҳарча соҳаларда юксак муваффақиятларга эришилмоқда. Бунинг суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу жараёнда қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижроси устидан назорат олиб борувчи прокуратура органларининг хизмати катта.

Хоразм вилоят прокуратура органлари томонидан ҳам ислохотлар самарадорлигини таъминлаш доимий назоратга олинган. Йилнинг ўтган даври мобайнида қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида режада белгиланган вазифалар асосида бир қатор ишлар амалга оширилди. Бу вилоятда ижтимоий-иқтисодий ҳамда криминоген вазиятга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Вилоят иқтисодиёт тармоқларида ўсиш суръатлари кузатилди. Пул-кредит муносабатлари сезиларли даражада барқарорлашди. Пенсия ва бошқа ижтимоий тўловларнинг ўз вақтида тўлик берилиши таъминланмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини белгиловчи асосий тармоқлардан бири қишлоқ хўжалиги соҳаси саналади. Бу соҳа йилдан-йилга ривожланиб келмоқда. Хусусан, Хоразм вилоятида ҳам қишлоқ хўжалигининг такомиллашуви куза-

тилади. Муҳтарам Президентимиз "Хоразм деҳқонининг ҳар бир куни қаҳрамонлик", дея шарофлаган деҳқонларимиз эндиликда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Фермерларимизнинг саъй-ҳаракатлари, фидойи меҳнатлари маҳсулни аҳолининг турмуш фаровонлиги ошаётганлиги мисолида кўриб турибмиз.

Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалиги вилоят иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан саналади. Экин майдонлари фермерлар ихтиёрига тўла топширилгани ерга бўлган муносабатларни тубдан ўзгартирди. Фермерларимиз шартнома режаларини ошириб бажариб, барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан улкан хирмонлар уймоқда. Бу юрт ободлигига, турмуш фаровонлигига хизмат қилмоқда. Эндиликда фермерларимиз фақат маҳсулот ишлаб чиқариб қолмасдан, уни қайта ишлаш, қишлоққа саноатни олиб киришга ҳаракат қилмоқдалар. Фермерларимиз хизмати эвазига қишлоқлар инфратузилмалари ўзгармоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан Республика Президентининг "2011 йилда пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва ғўзани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан назорат тадбирлари амалга оширилмоқда.

Вилоятда 2011 йил ҳосили учун 93800 гектарга чигит экилди. Ушбу майдонларда ғўзалар турли босқичларда ривожланмоқда. Аммо, бу ҳолат ҳамма майдонларда ҳам қониқарли деб бўлмайди. Айрим фермерларнинг эътиборсизлиги баъзи нохуш ҳолатларга сабаб бўлмоқда. Вилоятда 242 та фермер хўжалиklarининг 12 061 гектар майдонида ғўза ривожланишдан орқада қолганлиги аниқланди. Бунинг сабаби ўрганилганда, баъзи майдонларда яганалаш сифатсиз ўтказилганлиги, баъзи майдонларда эса умуман ўтказилмаганлиги, бегона ўтлардан тозаланмаганлиги, суспензия сепилмаганлиги маълум бўлди.

Мазкур ҳолат юзасидан қишлоқ хўжалиги ишлари боришини тўғри ташкил қилмаган ва ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаган Ҳазорасп, Шовот, Янгиариқ, Янгибозор туманла-

ри, Питнак шаҳар ҳокимларига нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Шу билан бирга, "Урганчнефтбазаси" унитар корхонаси, вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" ХАЖ, МТПлар бирлашмаси, Марказий банк вилоят бошқармаси раҳбарлари ғўза майдонларида ўз вақтида ва сифатли агротехник тадбирлари ўтказилишини ташкил қилишда қонунбузилишига йўл қўймаслик тўғрисида, ғўза майдонлари ривожланишдан орқада қолган 242 та фермер хўжалик раҳбарлари эса қўшимча агротехник тадбирларни ўтказишда қонунбузилишига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилди.

Ҳозирда ушбу фермер хўжаликларида агротехник тадбирлар ўтказилиши юзасидан ҳудудий прокурорлар томонидан алоҳида назорат тадбирлари ташкил этилиб, қолоқ майдонларга ишлов бериш юзасидан кундалик мониторинглар ўтказиб борилмоқда.

Ўза парвариши бўйича ўтказилган назорат тадбирларида, қонунбузилиши ҳолатларини бартараф қилиш ҳақида тегишли ҳокимлик ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари номига 44 та тақдимнома киритилди, қонунга зид қарорларни бекор қилиш тўғрисида 6 та протест келтирилди. Масъул ва мансабдор шахсларнинг 65 нафари интизомий, 59 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган, қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳусусида 626 нафар мансабдор шахслар огоҳлантирилди.

Албатта, қўтилган пахта ҳосилини йиғиштириб олишда ғўза майдонларини озиклантиришнинг аҳамияти катта. Аммо айрим фермерларимиз минерал ўғитларини ўз вақтида ғўза майдонларига чиқармаганлиги ҳолатлари ҳам аниқланмоқда. Бундай ҳолатга Урганч тумани "Ғалаба" қишлоғида жойлашган "Азим Ҳазиначи" фермер хўжалигида йўл қўйилган. Фермер 16 тонна турли минерал ўғитларни ғўза майдонларига чиқармасдан хўжалик дала шийпонида сақлаб келганлиги маълум бўлди. Мазкур ҳолат юзасидан фермер ва алоқадор мансабдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилди.

Сув танқислиги муаммоси ҳеч кимга сир эмас. Прокуратура идоралари томонидан бу муаммони бартараф қилишга қўмаклашиш, сувдан оқилона фойдаланишни назорат қилиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Баъзи бир ўзидан ўзгани ўйламайдиган, эл-юрт ташвишларини ўз ташвиши деб билмайдиган кимсалар мўмай даромадни деб сув танқислигига қарамасдан шоли экишдан тап тортмаганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, вилоятда 244 та фермер хўжаликлари томонидан 617,9 гектар майдонга ўзбошимчалик билан шоли экилган. Ушбу майдонларга сув беришни тўхтатиш билан бирга, фермерларга ҳамда бу ҳолатга совуққонлик билан қараган мутасаддиларга жазо чоралари кўрилди.

Ер — бойлигимиз. Уни асраб-авайлаш ҳамда ундан самарали фойдаланиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади. Афсуски, айрим фермерлар ердан фойдаланишда ўз манфатларини кўзлаб қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйишмоқда. Хонқа тумани "Сарапоён" қишлоғида яшовчи Р.Худайбергенов ўзи раҳбарлик қилиб келаётган "Севинчой Барчиной" фермер хўжалигининг 0,07 га экин майдонига ўзбошимчалик билан қурилиш ишларини бошлаганлиги учун муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, қурилиш ишларини давом эттирган. Ушбу ҳолат юзасидан Р.Худайбергеновга нисбатан ЖКнинг 229¹-моддаси билан жиноят иши қўзғатилган. Тергов ҳаракатлари натижасига кўра иш айблов хулосаси билан судга юборилган. Судда Р.Худайбергеновга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланган.

Шу каби ердан хўжасизларча фойдаланиш ва ўзбошимчалик билан ер майдонларини эгаллаш ҳолатлари Шовот ва Янгибозор туманларида ҳам аниқланиб, айбдор шахсларнинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинган.

Шунингдек, ерлардан мақсадли фойдаланиш, суғориладиган экин майдонларини муомаладан чиқарилишига йўл қўймаслик, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича қабул қилинган шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан доимий прокурорлик назорати ўрнатилган.

Умуман, қишлоқ хўжалигида ерни сифатли шудгорлашдан тортиб, экинни агротехника тадбирлари асосида парваришlash, минерал ўғит, ёқилги маҳсулотлари ва техника билан таъминlash ҳамда ҳосилни нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишгача бўлган жараён доимий прокурор назоратига олинган.

Ёшлар — келажакимиз. Истиклолнинг илк давриданок ёш авлод тарбияси масаласига жиддий эътибор қаратила бошланди. Ҳозир ҳам ёшларнинг таълим-тарбияси, ижтимоий ҳимояси, умуман, комил инсонлар бўлиб вояга етишларига бўлган эътибор сусаймаган, аксинча, бу мақсаддаги ҳаракатлар янада фаоллашган.

Буни муҳтарам Президентимизнинг, Ҳукумати-мизнинг юрт эртасига ғамхўрлиги сифатида баҳолаш мумкин.

Аҳолининг қирқ фоиздан зиёдрогини вояга етмаганлар ташкил этадиган Хоразм вилоятида прокуратура идоралари томонидан ёшларнинг комил инсонлар бўлиб етишишлари учун алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Вояга етмаганлар ҳуқуқи ва ижтимоий ҳимоясини таъминlashга оид амалдаги қонунлар, Президент Фармонлари, Ҳукумат қарорлари ҳамда Республика Бош прокурорининг соҳавий буйруғи ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан асосий эътибор вояга етмаганларга оид қонунлар ижросини таъминлашда ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг таълим-тарбияси, соғлиғи ҳамда меҳнат муҳофазасига оид қонунлар ижроси, меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчиларининг ижтимоий муҳофазаси, қўйи комиссиялар ишини тўғри ташкил қилиш, уларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатишга қаратилмоқда.

Вояга етмаганларнинг 25,3 минг нафари 250 та мактабгача тарбия муассасаларида, 265 925 нафари 532 та умумтаълим мактабларида, 86 898 нафари 85 та касб-ҳунар коллежларида, 5448 нафари 6 та академик лицейларда таълим-тарбия олмақдалар. Уларнинг муносиб билим олишлари, касб-ҳунар эгаллашлари учун истиқлол йилларида улкан имкониятлар яратилганига барчамиз гувоҳимиз. Вилоят прокуратураси томонидан ушбу шарт-шароитлардан қандай фойдаланилаётганлиги доимий назорат қилиб келинмоқда.

Йилнинг ўтган даврида давлат ва жамоат ёрдамига муҳтож бўлган 4725 та кам таъминланган оилалар аниқланиб, уларга, жумладан, фарзандларига 1059,1 млн. сўмдан ортиқ моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Вояга етмаганлар саломатлигини муҳофаза қилишга доир қонунлар ижросини таъминлаш борасида муайян чоралар кўриб келинмоқда.

Ўн тўрт ёшгача бўлган йигит-қизларни тиббий кўрикдан ўтказиш аънаанага айланган. Ушбу кўрикларда аниқланган турли хасталикларни ўз вақтида бартараф қилиш чоралари кўрилмоқда. Вояга етмаганларнинг 7603 нафарига ногиронлик белгиланган бўлиб, уларни ижтимоий реабилитация қилиш ва таълим-тарбия беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ногирон болаларга нафақа тайинлаш ҳам қонунда белгиланган тартибда амалга оширилмоқда.

Вилоят прокуратураси томонидан ёшларни иш билан таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 45 та бўш иш ўринлар меҳнат яр-

маркалари ўтказилиб, мазкур ярмаркаларга 7614 нафар ёшлар жалб этилди. Уларнинг 3452 нафари доимий ишга жойлашиш учун йўлланмани қўлга киритдилар. 4162 нафар иштирокчига эса ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Бола бошидан, дейди халқимиз. Прокуратура идоралари томонидан шу ақидага амал қилган ҳолда ёш авлод маънавиятини шакллантириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. "Аждодлар қаҳрамонлиги — ёшларга ибрат", "Ватаним тақдири — менинг тақдирим", "Муқаддас аёл", "Жаннат оналар оёғи остидадир" каби маънавий-маърифий тадбирлар, кўплаб спорт мусобақалари шулар жумласидандир.

Истиқлол йилларида кўплаб таълим-тарбия масканлари янгидан барпо этилиб, уларда ўқувчи ёшларнинг намунали билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Бундан элдошларимиз мамнун. Аммо прокуратура идоралари томонидан ўтказилган назорат тадбирларида янги қурилаётган таълим муассасалари учун ажратилган бюджет маблағларининг ишлатилиши ва таълим тизимига йўналтирилган иш ҳақларининг ҳисобланишида қатор қонунбузарликлар ҳам аниқланди.

Жумладан, Урганч автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи қурилишида 18,9 млн. сўмлик бюджет маблағлари талон-торож қилинганлиги аниқланиб, жиноят иши қўзғатилди ва тергов давомида давлатга етказилган зарар бартараф қилиниб, тегишли шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун жиноят иши судга юборилди.

Шунингдек, айрим касб-ҳунар коллежларида битирувчиларнинг ишга жойлашиш масаласига бепарволик билан қараш ҳоллари, ишга жойлашмаган битирувчиларнинг ишга кирганлиги ҳақидаги маълумотларни қўшиб ёзганликлари аниқланиб, бу ҳолатларни бартараф қилиш чоралари кўрилди.

Мақсадимиз, вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг ҳаётда ўз ўринларига эга бўлишларига кўмаклашиш экан, келгусида ҳам бу борадаги назорат кучайтирилиб борилади.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена роли органов прокуратуры в поддержании правопорядка и эффективном развитии страны. В статье указаны основные направления деятельности прокуратуры, их нормативные основы, представлена проделанная плодотворная работа по отдельным направлениям прокурорской деятельности. Также, в статье указаны точные статистические данные и конкретные примеры правоприменительной практики на местах.

СОГЛАШЕНИЯ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ ФРГ: РАЗВИТИЕ ИНСТИТУТА ДО ВКЛЮЧЕНИЯ В ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО

Как говорят в Германии, нельзя составить мнение об институте соглашений в рамках уголовного производства без предварительного осознания основной задачи уголовного производства в цивилизованном обществе. Наш федеральный Конституционный суд конкретно сформулировал эту задачу следующим образом: государство защищает правовые блага своих граждан и общества. Вытекающее из этой задачи право государства на уголовное преследование должно осуществляться в рамках формального процесса, проводимого органами юстиции. При этом должно быть гарантировано соблюдение основного права обвиняемого, согласно которому уголовное наказание применяется, только если предварительно установлена вина. Поэтому уголовный процесс направлен, в первую очередь, на расследование фактических обстоятельств дела. Наш Уголовно-процессуальный кодекс содержит положения о производстве расследования органами юстиции.

Прекращение производства по обоюдному согласию сторон возможно только при соблюдении ограничительных предпосылок.

Соглашения на стадии предварительного расследования. Уже на стадии предварительного расследования проводятся переговоры и заключаются соглашения между прокуратурой и подозреваемым/обвиняемым. Предметом этих соглашений обычно является завершение производства, например, посредством прекращения на основании положений УПК, в которых выражается принцип целесообразности, или завершение производства как суммарного вместо предъявления обвинения, если выполнены предусмотренные УПК предпосылки.

Такие соглашения, которые, если речь идет о завершении производства как суммарного, могут заключаться в связи с деликтами вплоть до средней тяжести, считаются обычным, даже необходимым явлением. Контроль со стороны суда выражается в том, что суд должен выразить согласие с прекращением производства в силу не-

значительности деяния. Однако согласие судьи не требуется в отношении уголовных проступков, для которых не повышена нижняя граница наказания и последствия которых незначительны. В рамках суммарного производства прокуратура только подготавливает решение, которое подписывает судья.

Соглашения на стадии судебного разбирательства. Кроме соглашений в рамках предварительного расследования, с 80-х годов без специального законодательного регулирования существовала судебная практика завершения производства на основе согласия обеих сторон на стадии судебного разбирательства, особенно по т. н. "объемным" экономическим делам, делам, связанным с наркопреступностью и организованной преступностью, а также с преступлениями на сексуальной почве.

При помощи таких соглашений органы юстиции поощряют обвиняемых, которые посредством признания вины способствуют ускорению производства, а также в процессах о преступлениях на сексуальной почве избавляют потерпевших от необходимости (повторно) давать показания.

Положения УПК, согласно которым обвиняемый может в любой момент времени заявлять ходатайства об истребовании доказательств, в значительной степени способствуют тому, что суды поддерживают заключение соглашений. Поскольку не каждое ходатайство об истребовании доказательств может быть отклонено, длительность судебных разбирательств существенно увеличивается. Заключение соглашения во время судебного разбирательства отражает реальные потребности судов.

Преимущества. Преимущества соглашения связаны с тем, что дела, простые с точки зрения юридической квалификации и доказывания, судебные разбирательства по которым непродолжительны и приговор по которым написать несложно, на практике являются исключением. Напротив, типичной является следующая ситуация: обвиняемый молчит или утверждает, что он не-

виновен; деликт сложно квалифицировать; прокуратуре удалось собрать только фрагменты доказательств, которые должны быть собраны в единое целое в процессе длительного судебного разбирательства; защита оспаривает допустимость отдельных доказательств прокуратуры и хочет со своей стороны внести большое количество доказательств, которые существенно изменят картину преступления; в рамках судебного разбирательства будет оспариваться как релевантность отдельных доказательств, так и их оценка. Прения между прокурором и защитником могут быть длительными и жесткими. Не существует четкой границы между оправданной защитой и намеренным затягиванием процесса. После вынесения приговора судья должен продолжить работу над делом и написать мотивировочную часть приговора, при этом приговор должен выдержать возможное обжалование в кассационной инстанции.

Таким образом, очевидно, насколько признание вины обвиняемым облегчает работу. Необходимость заключить соглашение растет с увеличением количества незавершенных дел, которые накапливаются у судьи; судьи уголовных судов находятся под огромным давлением завершить производство в кратчайшие сроки.

Поэтому неудивительно, что с 80-х годов прошлого века суды не только предоставляли защитникам необязательные для исполнения прогнозы о мере и размере наказания в случае признания вины, но и были готовы гарантировать определенную меру и размер наказания. Со своей стороны, защитники требовали таких гарантий и в случае отказа иногда угрожали затяжными процессами с большим количеством ходатайств. Размеры наказаний, установленные в соглашениях, частично были существенно ниже, чем наказания, которые были бы установлены в рамках спорного производства. Требования к содержанию признания вины постоянно постоянно снижались; в конечном итоге, суды иногда удовлетворялись рудиментарной информацией, часто предоставляемой через защитника.

Ограничения на основании судебной практики. Для федерального Верховного суда долгое время оставалось незамеченным, что при таких условиях полное расследование обстоятельств дела и установление адекватной меры наказания было проблематичным, поскольку в соглашениях часто также входило условие о том, что стороны обязываются не обжаловать решение, вследствие чего решение не могло проверяться вышестоящими судами.

В 1997 и 2005 годах федеральный Верховный суд принял решения, в которых он установил условия, которые суд должен соблюдать при заключении соглашений.

Для судов были установлены следующие ограничения:

— Суд обязан полностью исследовать фактические обстоятельства дела.

— Полное оправдание обвиняемого не может быть предметом соглашения.

— Признание вины в связи с соглашением может служить основанием для смягчения наказания.

— Гарантирование конкретного размера наказания запрещено; допустимо только гарантирование верхней границы размера наказания.

— Установленное наказание должно соответствовать вине.

— Запрещено угрожать завышенным наказанием или гарантировать не предусмотренные законом привилегии (т. н. "ножницы санкций").

— Соглашение должно заключаться всеми участниками процесса в рамках публичного судебного разбирательства и должно быть запротоколировано.

— Запрещено включать в соглашение отказ от обжалования.

— Соглашение является для суда обязательным, если не будут установлены новые существенные факты.

Обязанность суда расследовать обстоятельства дела (установление истины) также не ограничена.

Пример на эту тему: Обвиняемому инкриминируется изнасилование с применением ножа для преодоления сопротивления потерпевшей. Потерпевшая описала нож в своих показаниях в полиции. Нож, соответствующий описанию, был позже найден у обвиняемого. Обвиняемому вменяется особо тяжкое изнасилование — минимальный размер наказания 5 лет лишения свободы. Если в такой ситуации защитник предлагает признание вины обвиняемым, но обвиняемый утверждает, что он не использовал ножа, суд не может согласиться с таким признанием и приговорить обвиняемого только за "обычное" изнасилование — минимальный размер наказания только 2 года лишения свободы. Такое соглашение не может быть заключено. Вместо этого, суд должен исследовать доказательства, чтобы определить, осуществлена ли квалификация, и установить наказание в соответствии с применимым положением.

Критика. Несмотря на то, что федеральный Верховный суд установил ограничения, проблема заключалась в том, что по-прежнему отсутствовало регулирование этого вопроса в УПК. Выражались сомнения, что эта процедура соответствует закону, и опасения, что при заключении соглашения "признание за привилегию" истина не будет установлена. Я хочу процитировать отрывок из статьи, опубликованной в круп-

ной еженедельной газете "Вельт ам Зоннтаг" 4 июня 2006 года под заголовком "Торговля правосудием":

"Такие сцены можно наблюдать в немецких судах не каждый день. По окончании процесса в августе прошлого года председатель десятого состава земельного уголовного суда города Аугсбурга подошел к подсудимому Людвигу-Хольгеру Пфальсу и пожал ему руку. И это несмотря на то, что перед этим судья приговорил бывшего статс-секретаря Министерства обороны за получение выгоды и уклонение от уплаты налогов к двум годам и трем месяцам тюрьмы. В процессе речь шла о поставках оружия в Саудовскую Аравию и о взятках лоббиста оборонной промышленности Карлхайнца Шрайбера.

Пфальс был первым обвиняемым, соболаговлившим признаться в содеянном. Однако нельзя сказать, что при этом он руководствовался исключительно благородными мотивами: за признание суд предложил подсудимому сравнительно мягкое наказание, которое впоследствии и было вынесено. Это была двусторонняя сделка, для которой рукопожатие по окончании процесса было символическим."

Высокопоставленные юристы также критически отнеслись к таким соглашениям.

Федеральный Генеральный прокурор Хармс, которая до ее назначения в 2006 году была председателем пятого уголовного состава федерального Верховного суда, нашла неожиданно жесткую формулировку: "Мы спускаем уголовный про-

цесс с откоса". Судьи "коррумпируются" такими процедурами. "Корень зла", по ее мнению, заключается в том, что общий интерес судей, защитников и прокуроров направлен на скорейшее завершение процесса. "Обвинение больше не реализуется". Она призвала юстицию и адвокатов вернуться к правилам УПК, иначе, по ее словам, не удастся предотвратить "неконтролируемое распространение пожара".

Еще одна критическая статья в газете "Вельт ам Зоннтаг":

"Эксперты по уголовному праву опасаются, что законодательное регулирование соглашений может усилить давление на обвиняемых. "При заключении соглашений применяется давление. Те, кто признается быстро и в общей форме, получают "скидку". Это очень сомнительно,"-говорит председатель экспертной группы по уголовному праву в Германском объединении адвокатов Вернер Ляйтнер. "Обвиняемый соглашается с собственным осуждением. Но, на самом деле, он поддается давлению. Законодательное регулирование только увеличит потенциал оказания давления."

Несмотря на эту дискуссию в юридическом сообществе, законодатель не принимал соответствующих изменений, пока Большой Сенат федерального Верховного суда в своем решении от 3 марта 2005 не указал на то, что возможности интерпретации законодательства судом исчерпаны и необходимо решить проблему законодательно.



АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллиф ГФРнинг ЖПКда келишув институтининг айрим масалалари, уни дастлабки терговда тадбиқ этишининг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, суд муҳокамаси босқичида бу институтни қўллашнинг айрим муаммолари ҳақида сўз юритган.

Йоганнес ШЛИХТЕ,
Судья суда первой инстанции
города Гамбург, доктор права

КОНФРОНТАТИВНАЯ СТРАТЕГИЯ ЗАЩИТЫ И ПРАВО ЗАЩИТНИКА ЗАЯВЛЯТЬ ХОДАТАЙСТВО О СБОРЕ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ И ПРИОБЩЕНИИ ИХ К ДЕЛУ: МОТИВЫ ДЛЯ ЗАКЛЮЧЕНИЯ СДЕЛОК В УГОЛОВНОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ

Институт процессуальных сделок в Германии развился за последние больше чем двадцать лет, не имея в своей основе законодательного регулирования. До вступления в силу Закона о регулировании процессуальной сделки в уголовном судопроизводстве от 4 августа 2009 г. этот институт опирался исключительно на практику судов, в особенности, на основополагающие решения Верховного федерального суда ФРГ. Чтобы лучше понять это развитие, необходимо обратиться к нуждам практики, лежащим в ее основе. Ведь только наличие срочных и неотвратимых нужд приводит к возникновению правовой практики без ее закрепления в положительном праве, как и в данном случае.

У истоков процессуальной сделки в уголовном судопроизводстве, часто на немецком пренебрежительно называемой "deal", стояла стратегия адвоката-защитника по уголовным делам, которая с конца 70-х гг. находила все большее распространение в Германии. В положительном смысле ее главное действующее лицо описывалось как "категория очень активного и принципиально серьезного, зачастую очень компетентного адвоката-защитника, который, используя иначе, чем поколение до него, широкие и крайние возможности нашего процессуального Кодекса не только в виде исключения, но и в интересах своего манданта (даже если он считает его виновным), проникает во все свободные пространства закона, развивая при этом такие стратегии защиты, которые нацелены именно на типичные слабые места нашей юстиции" (Ханк). В юридических кругах (и не только в них) более негативно звучит употребляемое для описания таких стратегий защиты понятие "конфронтативная защита". Это понятие подразумевает методические действия защитника по уго-

ловным делам, имеющие своей стратегической целью довести, исчерпывая все возможности УПК ФРГ, уголовное судопроизводство до пределов его функционирования и, тем самым, лишит суд возможности быстро и легко разрешить производство. В своих последующих изложениях я хотел бы дать краткий очерк стратегии адвоката-защитника и, в частности, указать на то, как адвокаты-защитники используют выгодно для себя особенности уголовно-процессуального права ФРГ, а именно: право заявлять ходатайство о сборе доказательств и приобщении их к делу. Таким образом, я хотел бы разъяснить, почему поведение адвоката-защитника, описываемое как "конфронтативное поведение защитника", с самого начала являлось пусть не единственным, но определяющим мотивом для развития института процессуальной сделки, остававшегося долгое время без нормативного регулирования.

Стратегии конфронтативного поведения защитника. Придерживаясь конфронтативной стратегии поведения защитник использует целый арсенал процессуальных форм поведения. При этом лишь попутно следует указать на форму поведения, включающую однозначное нарушение порядка в судебном заседании, такую, как постоянное беспокойство и перебивание председательствующего судебного заседания словесными выпадами и выкриками со стороны защитника. К счастью, такие формы поведения относятся к числу патологических исключений.

Огромный потенциал, направленный на нарушение порядка производства, защитник может, однако, развить и посредством формы поведения, соответствующей установленному процессуальному порядку. В производствах, имеющих место в отделениях по уголовным делам при суде

второй инстанции (ландгерихт), знающие свое дело адвокаты-защитники, придерживающиеся конфронтативной стратегии защиты, с самого начала высказывают претензии в отношении состава суда с тем, чтобы, в конечном итоге, начать спор о непредусмотренной УПК ФРГ, но, однако, используемой многими адвокатами-защитниками встречной речи "Opening Statement", а именно: встречного заявления на выдвинутого прокуратурой обвинения. Палки в колеса судопроизводства определенные защитники вставляют и посредством того, что требуют на судебном заседании — вопреки уже самому по себе четкому законодательному регулированию — огласить самим возражения обвиняемого против предъявленных ему обвинений по делу и подтвердить их в заключении обвиняемым. Отклонение таких требований судом служит адвокату-защитнику поводом для едва удерживаемой тирады против председательствующего судебного заседания и его стиля ведения разбирательства, но прежде всего она направлена на то, чтобы воздействовать на шеффинов. В дальнейшем ходе процесса адвокат-защитник с конфронтативной стратегией защиты может вызвать существенное затягивание производства путем высказывания претензий в отношении вопросов судьи, обращенных к обвиняемому или свидетелям, либо путем многократного заявления ходатайства о том, чтобы показания свидетелей заносились в протокол в полной или частичной форме при каждом допросе. По всем этим ходатайствам, хоть и коротко, но должны быть приняты решения. Отказ в привлечении экспертов и переводчиков и, уж тем более, заявление ходатайств об отводе судей по опасениям в пристрастности, возникающие на основе всевозможных распоряжений, определяющих ход процесса, предварительных заключений или отдельных формулировок, равным образом входят в стандартный репертуар адвоката-защитника. Все эти стратегии означают для суда большую дополнительную нагрузку. Многие из всего этого является словесной перепалкой, самой по себе скорее незначительной, но в совокупности вполне весомой. Однако ни одна из представленных здесь стратегий не позволяет адвокату-защитнику так эффективно затянуть процесс и так целенаправленно создать уязвимые места для подачи кассационной жалобы, как систематическое использование его права заявлять ходатайство о сборе доказательств и приобщении их к делу.

Право защитника заявлять ходатайство о сборе доказательств и приобщении их к делу. Право заявлять ходатайство о сборе доказательств и приобщении их к делу вытекает из права на справедливое производство (§ 103 абз. 1 Основного Закона). Каждый участник производства вправе

заявить ходатайство на сбор доказательств, к примеру: прокуратура, обвиняемый, а также и его защитник, причем вне зависимости от волеизъявления обвиняемого. Таким способом защитник может оказывать влияние на процесс исследования доказательств.

В качестве ходатайства о сборе доказательств и приобщении их к делу достаточным является любое серьезное требование одного участника производства о приведении доказательства в отношении утверждения, касающегося виновности или правовых последствий. Эти доказательства должны быть приведены в соответствии с допустимыми УПК ФРГ средствами доказывания, как то: свидетели, эксперты, осмотр вещественных доказательств, письменные свидетельства и другие официальные документы. Ходатайства о сборе доказательств и приобщении их к делу могут заявляться в ходе судебного заседания в любое время в устной форме, вплоть до момента оглашения приговора, даже в день его оглашения вплоть до того момента, когда суд начнет оглашать приговор. Даже если рассмотрение доказательств завершено, это отнюдь не лишает участников производства возможности заявить ходатайство о сборе новых доказательств. В соответствии с этим защитник может еще в своей заключительной речи, и даже после последнего слова подсудимого заявить ходатайство о сборе новых доказательств и их приобщении к делу.

Суд должен принять на рассмотрение заявленные ходатайства и вынести по ним решение в соответствии с установленным процессуальным порядком. Это касается и тех случаев, когда злоупотребление правом заявлять ходатайство является очевидным. Даже в подобных случаях рассмотрение ходатайства не может быть отклонено, и ходатайство не может быть признано как недопустимое, неподвергнувшись содержательной проверке. Предвосхищаемая судом оценка доказательств в принципе запрещена, т.е. суду нельзя предвосхищать ценность предлагаемых средств доказывания.

Отказ в принятии к рассмотрению ходатайства о сборе доказательств и приобщении их к делу возможен только при ограниченных условиях. С формальной точки зрения, для этого суду необходимо вынести решение об отказе, в котором должны указываться мотивы, по которым суд отклонил рассмотрение ходатайства. Вынесенное судом решение должно содержать в явной форме правовые и фактические предпосылки для отклонения, подлежащие проверке. При этом мотивы отказа в рассмотрении ходатайства о сборе доказательств и приобщении их к делу должны быть уважительными с любой мыслимой точки зрения.

Материальные предпосылки для отказа в при-

нению к рассмотрению ходатайств о сборе доказательств и приобщении их к делу приведены в § 244 абз. 3 и 4 УПК ФРГ. Наряду с общими основаниями для отклонения ходатайства о сборе доказательств и приобщении их к делу ходатайство, подразумевающее опрос эксперта, осмотр вещественных доказательств и допрос свидетеля, которого потребовалось бы вызвать в суд за границей, может быть отклонено при упрощенных условиях. Этим особым случаям здесь необязательно подробно касаться. В дальнейшем я бы вкратце хотел изложить только общие причины отклонения ходатайств о сборе доказательств и приобщении их к делу. При этом начну скорее с несложных мотивов для отклонения.

Рассмотрение ходатайства о сборе доказательств и приобщении их к делу должно быть отклонено в обязательном порядке, если сбор доказательств является недопустимым, поскольку средство доказывания или предмет доказывания являются недопустимыми как таковые. Например, допрос обвиняемого в качестве свидетеля или допрос свидетелей судьей о восприятии текущего судебного разбирательства. Суд может отклонить рассмотрение ходатайства о сборе доказательств и приобщении их к делу, если средство доказывания является совершенно непригодным, например, если заявляется ходатайство о допросе свидетеля, который в силу своего постоянного физического и психического недостатка не может дать показания о своих наблюдениях, основанных на личном восприятии тех или иных событий или действий. То же самое применимо и тогда, когда сбор доказательств является излишним в силу очевидности доказуемого факта, являющегося общеизвестным фактом и фактом, известным суду. Общеизвестным является исторически доказанный факт уничтожения миллионов евреев в газовых камерах во время Второй мировой войны. Однако три приведенных основания для отклонения рассмотрения ходатайства о сборе доказательств и приобщении их к делу играют для знающих свое дело адвокатов-защитников скорее второстепенную роль, поскольку такие адвокаты-защитники вряд ли скомпрометируют себя заявлением ходатайств подобного рода, в рассмотрении которых легко может быть отказано.

Суд может отклонить рассмотрение ходатайства о сборе доказательств и приобщении их к делу и в том случае, когда факт, подлежащий доказыванию, уже выявлен. Однако такое основание для отклонения срабатывает в исключительных случаях. Оно не срабатывает в том случае, если суд убежден в противоположности утверждаемого факта, а лишь в случае, если утверждаемый факт сам по себе уже доказан. Обосновывает суд отказ в рассмотрении ходатай-

ства на основании этого, тогда он должен придерживаться этого обоснования и в дальнейшем, т.е. суд в своем определении приговора должен исходить из того, что данный факт является уже доказанным.

На практике намного чаще встречается отклонение рассмотрения ходатайства о сборе доказательств и приобщении их к делу по причине недостижимости средства доказывания. В этом случае следует проявлять большую осмотрительность. Недостижимым средством доказывания является лишь тогда, когда суд безуспешно принял всевозможные, соответствующие значению и ценности средства доказывания попытки доставить средство доказывания, и когда отсутствует перспектива того, что средство доказывания может быть доставлено в обозримом времени. Таким образом, обоснование "свидетель был в неизвестном направлении" является недостаточным. Суду следует в таких случаях послать запрос в органы, ведающие пропиской, или учреждения по делам иностранцев, распорядиться о розыске ответственным полицейским участком последнего известного постоянного места пребывания свидетеля, при необходимости опросить родственников и знакомых свидетеля. Факты, обосновывающие недостижимость средства доказывания, должны быть отражены в решении об отклонении рассмотрения ходатайства, а также должны быть зафиксированы предпринятые судом попытки доставить средства доказывания.

Коварным может оказаться и отклонение рассмотрения ходатайства о сборе доказательств и приобщении их к делу по причине малозначительности доказательственного факта. Это предполагает отсутствие взаимосвязи между доказательственным фактом и деянием, по которому должен быть вынесен приговор. Малозначительность может основываться на правовых или фактических основаниях. Исходя из правовых оснований факт является малозначительным, если представляется невозможным вынести приговор на основании данного факта, поскольку существуют иные, уже доказанные причины. Исходя из фактических оснований малозначительными являются факты, основанные на косвенных уликах, если между ними и предметом, по которому подлежит вынесение судебного решения, не существует взаимосвязи. То же самое касается случаев, когда такая взаимосвязь хоть и существует, но сам факт (по мере того, насколько он является доказанным) допускает только возможные, но не обязательные выводы, и суд не желает делать эти возможные выводы. Это принимается в расчет прежде всего тогда, когда заявляется ходатайство о сборе доказательств и приобщении их к делу в отношении того, что свидетель обвиняется в ходе предыдущего производства по уголов-

ному делу, начатое против него самого, дал в отношении определенного пункта ложные показания. Цель такого ходатайства заключается, конечно, в том, чтобы представить показания свидетеля обвинения в текущем производстве недостоверными, ссылаясь на то, что он уже один раз не совсем придерживался истины перед судом. Суд может отклонить рассмотрение ходатайства с обоснованием, что в случае, если утверждаемый факт — противоречащий истине показания свидетеля обвинения в ходе своего собственного производства — будет доказан, то суд, исходя из всего этого, не придет к выводу, что показания этого свидетеля в ходе текущего производства также являются недостоверными. В ходе своего собственного судопроизводства свидетель своими ложными показаниями отяготил только свою вину, в то время, как здесь речь идет о том, отяготил ли он ошибочно вину другого. Решение об отклонении факта доказывания, основанное на малозначительности последнего, должно содержать в себе информацию о том, является ли факт малозначительным по правовым причинам или — и тогда об этом следует сообщить — по причинам фактическим. Очевидно, что такое основание для отклонения не застраховано от ошибок.

Возможно, в большей степени чревато ошибками отклонение рассмотрения ходатайства о сборе доказательств и приобщении их к делу в порядке презумпции правдоподобности. Это означает следующее: весомое утверждение, которое должно быть доказано в пользу снятия вины с обвиняемого, может рассматриваться — без проведения сбора доказательств — как если бы оно было правдоподобным. Отклонение ходатайства о сборе доказательств и приобщении их к делу по этой причине является во многих отношениях опасным. Для начала факт должен быть действительно весомым, т.е. между фактом и деянием, по которому должен выноситься приговор, должна существовать взаимосвязь. Причина для отклонения должна, кроме того, касаться только утверждаемых фактов, которые обращены в пользу обвиняемого, а не таких, исходя из которых могут быть сделаны выводы во вред обвиняемому. В соответствии с этим, факты, которые уже один раз были восприняты как правдоподобные, не должны приводить к негативным выводам и при вынесении обоснования для приговора. Если же суд отклоняет ходатайство о сборе доказательств и приобщении их к делу на основании презумпции правдоподобности утверждаемого факта, то тогда суд должен придерживаться лежащей в основе отклонения оценки и не может отклониться от нее даже при вынесении приговора.

Напоследок я оставил тот мотив для отклоне-

ния, который прямо-таки подогнан под защитника, придерживающегося конфронтативной стратегии защиты, а именно: отклонение в рассмотрении ходатайств о сборе доказательств и приобщении их к делу, заявляемых только с целью затянуть производство. Сюда относятся все фиктивные ходатайства о сборе доказательств, т. е. такие, с помощью которых лицо, заявляющее ходатайство, отнюдь не преследует цель сбора доказательств, а злоупотребляет своим правом на заявление ходатайств с целью скомпрометировать свидетелей или провести пропаганду. Мотивом для отказа в рассмотрении могут послужить ходатайства о сборе доказательств, которые заявляются с одной лишь целью — затянуть производство. Производство затягивается, например, тогда, когда необходимо прервать судебное заседание, для того, чтобы суд мог провести сбор доказательств, по которым было заявлено ходатайство. Кроме этого, суд должен прийти к убеждению — насколько это является возможным при предвосхищении оценки доказательств, — что сбор доказательств не выявит ничего, что было бы обращено в пользу лица, заявляющего ходатайство; что и лицо, заявляющее ходатайство, знает об этом и заявило ходатайство исключительно с целью затянуть производство. В решении об отклонении в рассмотрении должны быть детально оценены все обстоятельства, на основании которых суд пришел к заключению о том, что существует определенное намерение затянуть процесс. Намерение затянуть процесс должно быть доказуемым вне сомнений на основании внешних обстоятельств. Такой барьер довольно высок. Поэтому на практике основание для отклонения ходатайства по причине намерения затянуть процесс имеет место довольно редко.

Ошибки суда, совершаемые им при рассмотрении ходатайств о сборе доказательств и приобщении их к делу, заявленных защитником, могут повлечь за собой драматические последствия. Если суд воздерживается от принятия решения по ходатайству или отклонение ходатайства о сборе доказательств произведено на недостаточном основании, то обвиняемый или прокуратура могут подать кассационную жалобу на приговор суда. Ошибочным и, тем самым, подлежащим обжалованию приговор является и тогда, когда суд в своем обосновании приговора противоречит вынесенному им решению об отклонении в рассмотрении ходатайства. Это имеет место, например, тогда, когда суд не придерживается презумпции правдоподобности, хотя и делал это раньше. Таким образом, возведенное в приговоре строение из доказательств может пошатнуться. Если кассационный суд подтверждает наличие такой ошибки, и приговор основывается на ней, то это ведет к отмене приговора.

Конфронтативная стратегия защиты, право заявлять ходатайство о сборе доказательств и приобщения их к делу и процессуальные сделки. Исходя из вышесказанного становится ясным, как знающий свое дело адвокат-защитник существенным образом может усложнить судопроизводство по уголовному делу, ловко используя свое право заявлять ходатайство о сборе доказательств и приобщения их к делу, и почему эта стратегия, с точки зрения адвоката-защитника, может иметь смысл. Частые заявления ходатайств о сборе доказательств и приобщении их к делу неизбежно влекут за собой затягивание производства. Суд вынужден провести затребованный сбор доказательств, например, допросить свидетеля, которого еще предстоит вызвать в суд, или запросить экспертное заключение. Или же суд должен принять решение об отклонении в рассмотрении ходатайства, которое должно соответствовать представленным выше формальным и материальным предпосылками, и каждый раз содержать в себе исчерпывающее и непротиворечивое обоснование этому. Если учесть тот факт, что суды перенагружены, то это является весьма существенным фактором. Затянувшийся процесс, вызванный каскадами заявленных ходатайств о сборе доказательств и приобщении их к делу, может на недели или даже на месяцы парализовать целую судебную коллегия земельного суда (ландгерихт) или отделение участкового суда, ведя к тому, что иные находящиеся на рассмотрении дела, тем самым не получают должного внимания.

К тому же затянувшийся процесс увеличивает риск того, что процесс может "сорваться". Чем дольше длится производство, тем больше растет вероятность того, что внешние препятствия, к примеру, болезнь профессиональных судей или шофферов, могут привести к тому, что судебное заседание не может быть продолжено, поскольку оно вышло за рамки допустимой УПК ФРГ максимальной продолжительности перерыва судебного заседания. В таком случае оно должно быть начато заново, а это влечет за собой повторный сбор всех доказательств, хотя они уже и были собраны.

Ко всему этому нужно добавить и еще один

аспект. Как уже было изложено, при рассмотрении ходатайств о сборе доказательств и приобщении их к делу вполне могут совершаться ошибки. Чем больше количество заявленных ходатайств в производстве, по которым суду необходимо принять решение, тем больше растет вероятность того, что суд будет допускать ошибки, отклоняя неправомерно или без достаточного обоснования рассмотрение ходатайства о сборе доказательств или — на практике это довольно частое явление — противореча в своем обосновании приговора предшествовавшему решению об отказе в рассмотрении ходатайства о сборе доказательств. С точки зрения защиты, это может означать следующее: чем больше ходатайств о допущении доказательств защитник заявляет, тем больше растут его шансы на обжалование ожидаемого приговора вследствие допущенной судом ошибки при рассмотрении такого ходатайства. С точки зрения суда, это означает, что чем больше заявляется ходатайств о сборе доказательств и приобщении их к делу, тем больше растет риск того, что приговор суда, который ему предстоит вынести в заключении производства, не устоит перед кассационным судом.

Выводы. Исходя из вышесказанного вполне понятными являются мотивы судов надежно и быстро, путем консенсуса, завершить те судопроизводства, в которых установленный регламент производства может потенциально быть нарушен и в которых участвуют "проблемные" защитники, до того, как защитники полностью разовьют свой потенциал, направленный на нарушение порядка судопроизводства. Если защитник убедительно угрожает ведением процесса, чреватых конфликтами, и заявлением многочисленных ходатайств, которые у него уже имеются наготове, то для суда вполне привлекательной является перспектива надежного и быстрого разрешения производства в порядке заключения процессуальной сделки. Исходя из этого, отчетливым является тот факт, почему конфронтативная стратегия защиты существенно повлияла на возникновение нового правового института процессуальной сделки вообще и стало в течение многих десятилетий одной из распространенных практик, встречающихся в германских судах.



АННОТАЦИЯ

Муаллиф ўз мақоласида ГФРда ҳимоя институтининг ривожланиш истиқболлари, "Қарама-қарши ҳимоя"нинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, "Қарама-қарши ҳимоя"ни амалга ошириш тартиби ҳамда ҳимоячи(адвокат)нинг далилларни тўплаш ва уларни тақдим этиш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқининг айрим муаммолари ҳақида фикр юритган.

Аббосхон САНГИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи

ДАВЛАТ НАЗОРАТИ: УНИНГ ХУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДАГИ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасига мувофиқ, “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга”.

Мазкур конституциявий норманинг аҳамияти шундаки, “Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шarti, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади”¹.

Фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти бекиёсдир. Шу туфайли республикамизда ахборот коммуникация технологиялари соҳасида миллий ахборотлаштириш тизимини шакллантириш, жамият ҳаёти ва бошқаруving барча жабҳаларига замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий қилиш ва улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ва жаҳон ахборот ресурсларига улашиш имкониятларини кенгайтириш асосий вазифалар сифатида белгиланган.

Ҳозирги вақтда замонавий ахборот тизимлари ташкилот иш фаолияти самарасига бевосита таъсир этувчи асосий факторлардан бири ҳисобланади. Бу тизимлардан ташкилотнинг нафақат кундалик фаолиятида, балки узоқ муддатли, глобал стратегиясини яратишда ҳам фойдаланилмоқда. Юқори унумли компьютерлар, дастурий таъминот ва коммуникация тармоқлари, шу жумладан, Интернет ташкилотлар фаолияти тезкорлигини оширишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг ахборотлашти-

риш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилгандир².

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

✦ **ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга оид конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ахборот ресурсларидан фойдаланишини таъминлаш;**

✦ **давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконини яратиш;**

✦ **ҳалқаро ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш учун шароит яратиш;**

✦ **давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослиги ва ўзаро алоқада ишлашини таъминлаш;**

✦ **ахборот технологияларининг замонавий воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;**

✦ **ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга кўмаклашиш;**

✦ **дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш-ни ривожлантириш ва уни рағбатлантириш;**

✦ **тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестициялар жалб этиш учун қулай шароит яратиш;**

✦ **кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш.**

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, **Ахборотлаштириш деганда** юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишга қаратилган ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараён тушунилиб, **Ахборот технологияси** — ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш ва унга ишлов бериш ҳамда уни тарқатишда фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнларни ўзи ичига камраб олади.

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат органлари фаолиятида ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш имкониятларини кўзда тутувчи норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилиб келинмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майда эълон қилинган “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони³да ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш, жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш каби масалалар мақсад қилиб олинган. Мазкур Фармонда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда уларнинг замонавий тизимларини жорий этишнинг биринчи галдаги энг муҳим вазифалари белгилаб берилган.

Ушбу Фармонни бажариш юзасидан ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида стратегик устуворликларни амалга оширишга доир амалий чора-тадбирларни таъминлаш мақсадида 2002 йил 6 июнда Вазирлар Маҳкамасининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 200-сонли қарори⁴ эълон қилинди. Унда хусусан, 2002-2010 йиллардаги компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури тасдиқланган бўлиб, мазкур дастур замонавий техник инфратузилмани ривож-

лантиришни жадаллаштириш, компьютерлаштириш, мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар индустрияси ва экспортини ривожлантиришни рағбатлантириш, юқори малакали кадрлар потенциални тайёрлаш, қонунчиликни такомиллаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш, мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини ошириш дастурнинг мақсадли вазифаси ҳисобланади.

Сўнгги йилларда замонавий ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бир қатор қонунлар қабул қилинди. Жумладан 2003 йилда Олий Мажлиснинг иккинчи чақирғи 13-сессиясида қабул қилинган “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги ва “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда 2004 йил Олий Мажлиснинг иккинчи чақирғи 14-сессиясида қабул қилинган “Электрон тижорат тўғрисида”ги ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Қонунлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 сентябрда эълон қилинган “Электрон рақамли имзодан фойдаланишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори⁵ юқоридаги қонунларнинг бажарилишини таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий механизмларни белгилаб берди.

2005 йил 22 ноябрда имзоланган Вазирлар Маҳкамасининг “Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори⁶ билан “Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва Давлат органларининг ахборот тизимларини ташкил этиш тартиблари тўғрисида”ги Низомлар тасдиқланган.

Бугунги кунда давлат органларининг асосий фаолият йўналишлари бўйича уларга юклатилган вазифаларнинг кенг кўламда бўлишини ҳисобга олиб, фаолиятни ахборот билан таъминлаш жараёнини тўғри ташкил этиш жуда муҳим ҳисобланади. Зеро, бу ҳол давлат органларини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги ҳолатни тавсифловчи тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлашга имкон яратади.

Бизнинг фикримизча, замонавий ахборот коммуникацион технологиялардан давлат органларининг назорат-таҳлил фаолиятида қуйидаги ишларни амалга оширишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

— назоратда бўлган барча ҳужжатларнинг ҳисоб-китобини оптимал равишда юритиш;

— назоратда бўлган ҳужжатлар орасидан тезкорлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларни танлаб олиш;

— юзага келган вазиятдан келиб чиққан ҳолда давлат органларидаги назорат-таҳлил фаолиятини оқилона режалаштириш, биринчи навбатда амалга ошириладиган тадбирларни белгилаш, уларни амалга ошириш учун кучлар ва воситаларни оқилона тақсимлаш тўғрисида асосланган қарорлар қабул қилиш;

— келажакда амалга ошириладиган вазифаларни ва уларни оқилона ҳал этишнинг асосий йўналишларини аниқ белгилаб олиш.

— амалга оширилган фаолият бўйича ходимлар-

нинг ишини янада чуқурроқ таҳлил қилиш, йўл қўйилган хатоларнинг сабабларини аниқлаш, эришилган илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва янада оммалаштириш;

Давлат органларидаги назорат-таҳлил фаолияти амалиёти шуни кўрсатадики, айнан ахборотларнинг сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида олинishi ва қайта ишланиши қўйилган вазифаларнинг самарали бажарилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шу боис давлат органларини ахборот билан таъминлаш жараёни тақдим қилинаётган ахборотларнинг тўлиқ ва асосланган бўлишини ҳамда бу борада қонуний қарорлар чиқариш учун ушбу ахборотни тўлиқ ва объектив таҳлил қилишни тақозо этади.



АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена роли государственного надзора в процессе демократических правовых реформ государственного строительства и формирования гражданского общества. В статье проводится подробный научно-правовой анализ законодательной базы и основ государственной политики в сфере информатизации, приводятся легитимные определения терминов, а также, освещаются основные направления эффективного применения информационных технологий в надзорно-аналитической деятельности государственных органов. В заключительной части автором предлагаются конкретные меры по улучшения эффективности использования информационно-коммуникационных технологий в надзорно-аналитической деятельности государственных органов.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маъруза. қаранг www.gov.uz расмий сайти.

² Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. 2003 йил 11 декабрь, № 563-11.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентинг “Компьютерлаштириш янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони. 2002 йил 30 май.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июнь 200-сонли “Компьютерлаштириш янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 сентябрдаги “Электрон рақамли имзодан фойдаланишнинг ҳуқуқий-норматив базасини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22 ноябрь 2005 йил 256-сонли “Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори.

**Музаффар МИРСОЛИХОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи**

ЎЗБЕКИСТОН ПЕНИТЕНЦИАР ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ислоҳотлар ўтказила бошланди. Бу жараёнда давлат, жамият, фуқаро, инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоясига давлат ёндашувининг такомиллаштирилишига алоҳида эътибор берилди. Давлат ва жамият қурилишининг миллий давлатчилик ва қадриятлар билан йўғрилган жаҳон андозаларига мос янги ҳуқуқий тизимини шакллантиришга киришилди.

Хусусан, бу саъй-ҳаракатлар ва ислоҳотлар Ички ишлар вазирлиги тизимидаги тергов ҳибсхоналари ҳамда жиноий жазоларни ижро этиш жойларида қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш чораларини кўрилишига ҳам жиддий таъсир ўтказди.

Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқ нормалари, жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари, қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция ва бошқа ҳужжатлар талаблари имплементация қилинган янги Жиноят-ижроия кодекси 1997 йил 25 апрелда қабул қилиниб, 1 октябрдан амалга киритилди.

Ушбу Жиноят-ижроия кодекси 1994 йилда қабул қилиниб, амалиётга киритилган Жиноят кодексида кўрсатилган барча жазо турлари ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини, хусусан, жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш, шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назорат, шунингдек, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ва вояга етмаган шахсларга нисбатан қўлланилган мажбурлов чораларини ижро этиш тартиби ва шартларини қамраб олди.

Жиноят содир этганларга жазо ва бошқа чораларни қўллаш ва уларнинг ижросини таъминлаш масалалари фақатгина тегишли қонунларга мувофиқ ҳал этиладиган бўлди.

Таъкидлаш жоизки, республика прокуратурасининг текширишлари натижаси асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилган ахборотлари, таҳлилий маълумотларига кўра 1995 йилдан амалиётга киритилган Жиноят кодексида эски кодексдаги шартли равишда озодликдан маҳрум қилиб (бундай жазодан озод этиб) маҳкумни меҳнатга мажбуран жалб этиш жазоси туридан воз кечилди. Чунки, қайд этилганидек, 1977 йилдан бошлаб жиноий жазо сифатида бериладиган бу чора советлар мамлакатадаги зарбдор аср қурилишларини (БAM, Магнитка, Братск, Красноярск ГЭС-лари ва бошқалар) шунингдек, инсон соғлиғи учун зарарли бўлган, малакасиз ва кам иш ҳақи тўланадиган кимё саноати корхоналари ҳамда заводларни арзон ишчи кучи билан таъминлаш мақсадида қонунчиликка киритилган эди.

Оқибатда назорат ва жазо ўтатириш ички ишлар идораларига юклатилганлиги боис, унинг тизимида фаолият кўрсатган 29 та махсус комендатураларда ҳисобга олиниб, жазо ўтаган маҳкумларнинг нуфузи 1991 йилга келиб қарийб 80 мингга ташкил этган бўлиб, маҳкумлар ишлаган корхона ва ташкилотларнинг маҳкумлар яшайдиган махсус комендатура биноларини эксплуатацияси ва назорат олиб борувчи ички ишлар ходимларига маош тўлаш учун маблағ ажратишдан бўйин товлашлари, уларнинг меҳнатидан воз кечишлари одатий тусга кирди, қолаверса, назоратсизлик ва ишсизлик туфайли маҳкумлар орасида жазо ўташ жойини ўзбошимчалик билан тарк этиш, қайтадан жиноят содир қилиш авж олди, бундай мажбурлов чораси ўзига юкланган вазифани бажара олмай қолди.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини қарор топтириш, фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, шу жумладан, жиноий жазони ва жазо ўташ шароитини либераллаштириш асносида озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган маҳкумларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини кенгайтириш, жазони ижро этиш шарт-шароитларини умумжаҳон миқёсидаги меъёрларга мувофиқлаштиришга қаратилган ҳуқуқий ислохотлар ва уларни амалиётга татбиқ этиш собитқадамлик билан давом эттирилиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил август ойидаги сессиясида қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунга мувофиқ, муқаддам унча оғир бўлмаган жиноятлар сирасига киритилган айбли қилмишларнинг 110 тури ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига, 12 турдаги оғир жиноятлар унча оғир бўлмаган ва 7 турдаги ўта оғир деб таснифланган жиноятлар оғир жиноятлар тоифасига ўтказилди.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати тегишли моддада назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди.

Иқтисодийёт соҳасида жиноятлар содир этиб, етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмайдиган бўлди, ярашув институти киритилди, айна чоғда жиноят содир этган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида гаров, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўллаш амалиёти кенг татбиқ этила бошланди. Жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўрилиш жараёни соддалаштирилиб, муддатлари қисқартирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил август ойида ўтказилган сессиясида қабул қилинган қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига 30 та моддага қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Уларга мувофиқ, жазо ўташ колониясининг тури ва тартибига, маҳкумнинг соғлиғи аҳолига қараб бир ой давомида озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш учун сарфлашга рухсат этилган пулнинг умумий суммаси

уч ярим, тўрт марта оширилди.

Маҳкумларга қариндошлари ёки бошқа шахслар билан бериладиган учрашувлар, телефон орқали сўзлашувлар, улар оладиган посылка, йўқлов ва бандеролларнинг сони кўпайтирилди. Айна чоғда врач хулосасига кўра даволаниш ва кучли таомга муҳтож деб топилган бемор маҳкумларнинг қўшимча посылка, йўқлов ва бандероллар олишига рухсат этилди.

Манзил-колонияларда жазо ўтовчи маҳкумлар ишдан бўш вақтда чекланмаган миқдорда учрашув олиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Ёпиқ турдаги колонияларда жазо ўтовчи маҳкумларнинг енгиллаштирилган сақлаш шароитларига, шунингдек манзил-колонияларга ўтказилиш муддатлари қисқартирилди. Колонияларнинг, турма ва тергов хибсхоналарининг интизомий бўлинмаларида сақланаётган маҳкумларнинг кундалик сайр қилишлари давомийлиги кўпайди.

Бу жараённинг давоми, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 сентябрдаги "Биринчи марта озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш шароитларини либераллаштириш тўғрисида"ги Фармонида акс этган талаблар Олий Мажлис томонидан 2003 йил 12 декабрда қабул қилинган қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал, шунингдек, Жиноят-ижроия кодексларига киритилган қўшимча ва ўзгартишларда ўз ифодасини топди.

Жазо ўтаётган маҳкумлар аҳолини енгиллаштирувчи, уларнинг сақланиш шарт-шароитларини жиддий яхшиловчи бу янгилıklarдан қарийб ўн бир минг маҳкум баҳраманд бўлди.

Ушбу қонун талабларига мувофиқ, содир қилган оғир ва ўта оғир жинояти учун биринчи марта судланган шахслар энди жазони умумий тартибдаги колонияда ўтайдиган бўлдилар. Яъни, улар муқаддам бундай тарздаги жазога ҳукм этилганлардан алоҳида, кўпроқ ҳуқуқ ва имтиёзлар берадиган шароитда сақланишлари қайд этилди. Вояга етмаган шахслар учун умумий ва кучайтирилган тартибли колония турлари бекор қилиниб, маҳкумлар энди ягона тарбия колониясида ёшини, муқаддам озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо ўтаган ёки ўтамаганлигини эътиборга олган ҳолда алоҳида-алоҳида сақланадиган бўлдилар.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти, эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир қилганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганлар жазони эндиликда манзил-колонияда

ўташлари белгилаб қўйилди. Аниқроғи, Жиноят кодексида кўзда тутилган 73 фоиз айбли ижтимоий хавфли қилмишларни содир этгани учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилаётган шахслар учун энг оғир жазо ўташ жойи сифатида манзил-колония тайинланадиган бўлди.

Айни чоғда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, вояга етмаганларга, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга тайинланмаслиги белгиланди.

Қонунларга Бош прокурорнинг қонунчилик ташаббуси асносида киритилган ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар натижасида манзил-колония ҳудудини ўзбошимчалик билан ташлаб кетган маҳкумларнинг қилмишини жиноят сифатида малакаланишига чек қўйилди. Бу ҳаракат озодликдан маҳрум қилиш жойларидан қочиш тарзидаги жинойи қилмиш эмас, балки сақлаш режимини ашаддий бузиш деб эътироф этилгани боис Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 222-моддаси диспозициясидан чиқарилди. Ҳозирда бундай тарздаги тартиббузарликни содир этган маҳкумлар суд ажримига мувофиқ ёпиқ турдаги тегишли жазо ўташ колониясига қайтарилдилар ёки юборилдилар.

Манзил-колонияда жазо ўтовчи маҳкумлар муддати ўн беш кундан иборат ҳақ тўланадиган ҳар йилги меҳнат таътилига чиқиш, уни манзил-колония доирасидан четда ўтказиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатда сўнги йилларда қабул қилинган қонунларга мувофиқ амалга оширилаётган жинойи жазо тизимини ушбу либераллаштириш жараёни содир этилган жиноятлар юзасидан шахсларга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш ва жазо тайинлаш борасидаги тергов ва суд амалиётини юмшатиш, жинойи қилмиш учун жазо муқаррарлигини таъминлаш томонга тубдан ўзгартирди.

Жумладан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркуми 86 тадан 196 тагача ўсган бўлса, унча оғир бўлмаган жиноятлар туркуми 232 тадан 139 тагача, оғир жиноятлар 81 тадан 69 тагача, ўта оғир жиноятлар эса 61 тадан 54 тагача камайди. Жиноят кодексида кўзда тутилган барча жиноятларнинг 73,1 фоизда беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси бериладиган жазонинг энг оғир тури сифатида қайд этилди.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан боғлиқ ўзгартишларни амалиётда қўллаш натижасида колонияларда амалда жазо ўтаётган 5,5 мингдан ортиқ маҳкумга нисбатан белгиланган жазо енгиллаштирилди, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган 2 мингдан ортиқ маҳкум енгил тартибли колонияларга ўтказилдилар. Танланган камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси мақсадга мувофиқ эмаслиги боис қарийб 2 минг маҳбус тергов ҳибсхоналаридан озод этилдилар. Ўлим жазоси тайинлаш тўғрисидаги ҳукмлар 2001 йилга қараганда 2004 йилда 77,5 фоизга кам чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2005 йил 1 августда имзолаган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармон, шу асосда 2008 йил 1 январдан амалиётга жорий этилган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ жинойи жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий қилинди. Бу мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асослари ислоҳини давом эттирган оламшумул аҳамиятга эга бўлган қадам, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида битилган инсонпарварлик ва одиллик тамойилларининг амалда эканлигини исботловчи омил бўлди.

Шу билан бир қаторда, давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятининг муносиб аъзоси сифатида қатор халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш муносабати билан зиммасига олган, айни чоғда мамлакатимизда демократия умуминсоний принципларга асосланиши, унга кўра инсон, унинг ҳаёти олий қадрият ҳисобланиши тўғрисида ўз Конституциясида муҳрланган мажбуриятининг ижросини таъминлади.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўлим жазосини бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунлари қабул қилиниши муносабати билан Бош прокурорнинг фармойишига мувофиқ тузилган ишчи гуруҳ таркибида мазкур қонунларни амалиётда қўллаш тартибини ўргатиш, амалиётда вужудга келиши мумкин бўлган ҳолатлар ечимини топиш, уларнинг мазмун-мо-

хиятини тушунтириш борасида вилоятларда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ходимлари, жамоатчилик вакиллари билан ўтказилган минтақавий йиғилишларда иштирок этилди.

Айни чоғда ушбу қонунларни амалиётда қўллашнинг муҳим масалалари юзасидан Олий суд Пленуми қарорларининг матнини, шунингдек, Ички ишлар вазирлигининг мазкур қонунлар ижроси билан боғлиқ "Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг ихтисослаштирилган махсус режимли участкада сақлаш тартиби тўғрисида"ги Низомни тайёрлашда қатнашилди. Уларга тегишли таклифлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Халқаро қизил Хоч Комитети ўртасида 2001 йил 17 январда ушланганлар ва қамоққа олинганлар билан инсонпарварлик фаолиятини амалга ошириш тўғрисида Битим имзоланган бўлиб, шу асосда ўтган йиллар мобайнида мазкур Комитетнинг Марказий Осиё бўйича ҳудудий ваколатхонаси вакиллари тергов ҳибсхоналари ва колонияларга юздан ортиқ марта ташриф буюришган.

Тергов ҳибсхоналари ва колонияларда маҳбус ва маҳкумларни сақлашда қонун талабларига риоя қилиниши аҳволи ҳамда Халқаро қизил Хоч Комитети Марказий Осиё минтақавий ваколатхонаси билан ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги масала 2004 йил июль ойида ўтказилган идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгашда муҳокама қилинди.

Кенгашда экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида конституциявий тузумга қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун судланиб, жазо ўтаётган маҳкумларнинг сақланиш шарт-шароити, улар билан муомала қилишда қонун талаблари бузилаётгани тўғрисида инсон ҳуқуқлари ҳимояси йўналишида фаолият кўрсатувчи халқаро нодавлат ташкилотларнинг, жумладан, юқорида зикр қилинган ХҚХКнинг мурожаатларида акс этган ҳолатлар эътиборда тутилганлиги ва ушбу текширувларда бу тоифадаги маҳкумларнинг кўпчилиги билан мулоқот қилинганлиги қайд этилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Халқаро қизил Хоч Комитетининг Марказий Осиё бўйича ҳудудий ваколатхонаси вакиллари, хусусан, унинг янги тайинланган етакчиси И.Д. жованнони жорий йилнинг март ойида мамлакат Бош прокурори томонидан қабул қилинди. Уларга давлат ва жамиятнинг турли жабҳаларида, аynикса, суд-ҳуқуқ соҳасида изчил ислохотлар ўтказилаётганлиги, жиноий жазоларни либераллаштириш йўналишида муҳим қонунлар қабул қили-

ниб, амалиётга жорий этилганлиги, ижобий натижаларга эришилаётганлиги, бу жараёнда прокуратура органларининг салмоқли ўрни борлиги тўғрисидаги маълумотлар берилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, 2005 йилдан бошлаб Олий Мажлис Сенати томонидан 21 ҳолатда қабул қилинган амнистия тўғрисидаги Фармон ва қарорлар матнларини тайёрлашда фаол иштирок этилди. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Девонига ва Олий судга юборилган ахборот ва хат натижасида Олий суд Пленуми 2006 йил 22 декабрда қабул қилган "Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги Қарорининг амалдаги жиноят қонунчилиги, шунингдек, амнистия актларини қўллаш тартибига оид Низомлар талабларига зид бўлган бандларининг чиқарилиши, бошқаларига ўзгартишлар киритилиши таъминланди.

Мазкур амнистия актларига мувофиқ жазони ижро этиш колонияларидан бир юз қирқ мингдан ортиқ маҳкум озод бўлди, бир неча юз мингдан ортиқ маҳкумнинг ўталмай қолган жазо муддати тегишли тарзда қисқартирилди, ўн мингдан ортиқ маҳкум манзил-колонияга ўтказилдилар. Айни чоғда шулар қаторида экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида давлатимизнинг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, қилмишларидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган, ахлоқан тузалиш йўлига қатъий ўтган уч мингдан ортиқ маҳкум жазо ўташдан озод бўлди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан қабул қилинаётган амнистия актларини татбиқ этишда шахннинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоялаш, уни жиноий жавобгарлик ёки жазога тортилган шахсга монеликсиз ва объектив қўлланилишини таъминлаш мақсадида қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси матнини тайёрлашда ва муҳокамасида бевосита иштирок этилди, таклифлар берилди.

Амалга оширилган ишлар натижасига кўра Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларининг ўн саккизта моддасига қўшимча ва ўзгартишлар киритилиши, битта янги модда ва "Ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш", — деб номланган битта янги боб қўшилиши, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг иккита моддаси қўшимчалар билан тўлдирилиши, бундан буён терговга қадар ўтказиладиган текширув материаллари бўйича ёки жиноят иши

юзасидан, ёинки жиноий жазо ўтаётган маҳкумларга нисбатан амнистия тўғрисидаги қарорни қўллаш ёки уни татбиқ қилишни рад этиш суриштирув, тергов идоралари, шунингдек, жазони ижро этиш жойлари ва уни ижро қилувчи органларнинг тақдимномаларига кўра, прокурорлар берган илтимосномага мувофиқ фақат суд томонидан ҳал этилиши тартиби белгиланган қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2008 йил 19 ноябрда қабул қилиниб, кейинги йилдан амалга киритилди.

Бош прокурорнинг фармойишига мувофиқ қабул қилинган мазкур қонун ҳужжатлари талабларини амалиётга татбиқ этиш борасида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон, Бухоро, Наманган, Фарғона, Хоразм, Сирдарё, Жиззах вилоятларида суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳокимиятларнинг раҳбарлари ва вакиллари иштирокида семинарийиғилишлар ўтказилиб, тегишли тушунтириш ва кўрсатмалар берилди. Бу борада амалга оширилган ишлар натижасида сўнги йилларда тергов ҳибсхоналарида эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиниб сақланаётганларнинг нуфузи қарийб тўрт баробарга қисқарди.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўллаш мумкин бўлган жиноятлар сонининг камайганлиги, қолаверса бундай чорани танлаш устидан назоратнинг кучайтирилганлиги, шунингдек, судлар томонидан жазо тайинлашда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган чоралар белгиланиши туфайли озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётганларнинг нуфузи аср бошидагига қараганда ҳозирда қарийб икки ярим баробарга қисқарди.

Натижада тергов ҳибсхоналари ва колониялар фаолиятида собиқ тузум пайтидан мерос сифатида давом этиб келаётган жиддий муаммога, яъни бу жойларда сақланаётганлар нуфузининг улардаги яшаш жой меъёридан бир ярим, икки баробар ортиқ бўлиши ҳолатларига бутунлай чек қўйди.

Айни чоғда бундай ижобий ўзгаришлар жой танқислиги туфайли маҳбус ва маҳкумларнинг қонунда белгиланган меъёрда ётоқ жойи, озиқ-овқат, уст-бош, тиббий-санитария хизмати, иш билан таъминланишлари, улар меҳнатига ҳақ тўланишида ва бошқа соҳаларда содир этилаётган ҳуқуқларининг бузилишига барҳам берилишига йўл очди.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена реформированию пенитенциарной системы в Узбекистане. В статье освещаются нормативно-правовые основы международного и национального законодательства в сфере защиты прав человека, направленные на защиту прав осужденных, деятельность органов прокуратуры в данной сфере, а также, указаны статистические данные и конкретные примеры правоприменительной практики. В заключительной части автор приходит к выводу, что осуществляемая реформа пенитенциарной системы является эффективной и приносит положительные результаты.

Маҳарамқул ЭРМАТОВ,
Жиззах вилоят прокурорининг ўринбосари

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ СУДДА КЎРИБ ЧИҚИШДА ДАВЛАТ АЙБЛОВЧИСИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 409-моддасида прокурорнинг биринчи инстанция судларида жиноятларга доир ишларни кўришда иштирок этишига доир ваколатлари батафсил кўрсатилган бўлса-да, бироқ унинг айнан қандай тоифадаги ишлар бўйича судда давлат айбловини қувватлаши лозимлиги тўғрисида бирон-бир ҳуқуқий норма йўқ. Аммо қонун талабига кўра, суд прокурорнинг иштирокини зарур деб топган барча ҳолларда прокурор, албатта, бу жиноят ишларини судда кўриб чиқишда прокурор ваколатини таъминлаши шарт.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 11 май кунги “Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида”ги 21-сонли буйруғида ЖПКда назарда тутилган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш, ярашув тўғрисидаги ишлар, ҳукми ижро этиш билан боғлиқ масалаларнинг муҳокамасида, суд прокурорнинг иштирокини зарур деб топган ҳолларда, апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида кўрилатган ишларда, шунингдек, оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар, амнистия актини қўллаш билан боғлиқ жиноят ишлари судда кўрилишида прокурор иштирокининг мажбурийлиги алоҳида кўрсатилган¹.

Судда давлат айбловни қувватловчи прокурор, суд процессининг бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланиб судьялар мустақиллигини ҳамда процессуал қонун ҳужжатлари нормаларига қатъий риоя этиш принципига амал қилиши шарт ва суд муҳокамасида қонунларни бажарилишига масъулдир.

Юқоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда ҳозирги пайтда жиноят ишларини биринчи инстанция судларида кўриб чиқишда аксарият ҳолларда шахсан прокурорларнинг ўзлари давлат

айбловини қувватламоқдалар ёки бу масъулиятли вазифани уларнинг топшириғига кўра тажрибали прокурорлар амалга оширмоқдалар.

Хусусан, прокурорлар томонидан жиноят ишлари бўйича республика судлари томонидан биринчи инстанцияда кўрилган ва суд ҳукмлари чиқариш билан тугалланган ишларнинг 99,8 % давлат айблови қувватланган. Судларда кўрилган оғир ва ўта оғир жиноятлар тоифасига кирувчи жиноят ишларининг барчасида прокурорлар томонидан давлат айблови қувватланган². Бундан кўриниб турибдики, Бош прокурорнинг юқоридаги буйруғи талаблари жойлардаги прокурорлар томонидан бенуқсон бажарилмоқда.

Тарафлар тортишуви ва тенглиги принципларини татбиқ қилиш, ҳар бир далилнинг ишга алоқадорлиги мақбуллиги ишончлилиги нуқтаи назардан баҳолашга, аксарият жиноят ишларини давлат айбловчиси иштирокида кўриш шаклланиётган ҳозирги шароитда давлат айбловчиси бошланғич тергов органи томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар билан чекланиб қола олмайди. Ундан юқори касбий билим, қатъиятлилиқ талаб қилинади, у жиноят иши кўрилишида фақатгина қатнашибгина қолмай, балки, судда қонуний тўғри йўналишни шаклланишига, далилларни текширишда, иш ҳолатларини тўлиқ аниқлашда фаол қатнашиши зарур.

Бироқ судда давлат айбловини қувватлашнинг самарадорлиги ҳамма вақт ҳам прокурорнинг касбий малака-маҳоратига, унинг шахсий фазилатларига боғлиқ бўлавермайди. Прокурор жиноят ишини қанчалик чуқур ва қунт билан ўрганмасин, танлаган йўналиши қанчалик тўғри бўлмасин, суд тергови жараёнида шундай вазиятлар пайдо бўлиши мумкинки, улар давлат айбловини қувватлашнинг натижасига таъсир қилади³.

Бундай таъсирнинг олдини олиш учун давлат айбловчиси ҳали жиноят иши судда кўрилмасдан туриб, жиноят иши материаллари билан чуқур

танишиб чиқиб, ундаги ҳолатларни мантиқан таҳлил этгани ҳолда иш бўйича йиғилган далиллар судланувчининг айбини қанчалик фош этганлигига баҳо бера оладиган даражада бўлиши лозим. Профессор Б.Пўлатов тўғри таъкидлаганидек, суд муҳокамасида юзага келган муаммоларни фақат пухта тайёргарлик кўрган ва тўлиқ ахборотга эга бўлган прокуроргина ҳал қилиши мумкин. Жиноят иши ҳужжатларидан беҳабар давлат айбловчиси суд мажлисида сўст иштирок этади. Бу эса ўз навбатида, суд муҳокамасининг бориши ва унинг натижасига салбий таъсир этади⁴.

Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўзининг юқоридаги буйруғида: «Суд муҳокамасига прокурорлар пухта тайёргарлик кўриб, суриштирув ва дастлабки терговнинг ҳар тамонлама тўлиқ ва ҳолисона олиб борилганлигини ўргансинлар. Суд мажлиси жараёнида алоҳида эътибор судланувчининг ҳимоя ҳуқуқи ҳамда қонунда белгиланган бошқа ҳуқуқларнинг таъминланишига қаратилиб, суд муҳокамаси қоидалари ва мунозара маданиятига амал қилиб, далил-исботларини текшириш ва уларга баҳо беришда фаол қатнашсинлар, иш бўйича қонун ва иш ҳужжатларига асосланган фикр бериб, қонуний ва адолатли қарор қабул қилинишини таъминласинлар⁵», деб қайд қилинган.

Шу билан бирга, мазкур буйруқда давлат айбловчиси сифатида қоида тариқасида тажрибали, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик соҳасида етарли билимга эга, нотиклик маҳоратини эгаллаган ходимлар тайинланиши, оғир ва ўта оғир жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги жиҳатидан уларни судда кўриш жараёнида муайян мураккабликларни келтириб чиқариши мумкинлиги эътиборга олинган ҳолда бундай тоифадаги ишлар айблов хулосаси билан прокурорга келган вақтдан бошлаб давлат айбловчиси тайинланиши ва бундай тоифадаги жиноят ишларининг судда кўрилишида прокуратура иш ўрганувчиларининг давлат айбловини қувватлашига йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

Судда иштирок этаётган ва давлат айбловини қувватлаётган прокурор иш бўйича адолатли ҳукм чиқарилишини таъминлаши учун нотиклик маҳоратига эга бўлиши лозим. У судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши, ўзаро тортишув тамойилига, суд муҳокамаси ва маданияти қоидаларига қатъий риоя қилгани ҳолда иш бўйича тўпланган далилларни текширишда фаол иштирок этиб, ишни кўришда юзага келган масалалар бўйича асосли хулосалар бериши, тарафлар музокарасида қатнашиб, судда аниқланган ҳолат, ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо бергани ҳолда жиноят содир қилганларга муросасиз бўлиб, тергов ёки суддаги маълумотлар судланувчининг айбсизлигидан далолат беради деган ишончга келса, ЖПКнинг 409-моддаси 4-қисми

талабидан келиб чиққан ҳолда айбловдан воз кечиб, одил судловни амалга оширишда судга кўмаклашиши шарт.

Прокурор суд муҳокамасида қатнашишга тайёргарлик кўриш босқичида иш учун аҳамиятли ахборотларни олиши, уларнинг маъносини тушуниб етиши, таҳлил қилиши ҳамда шу ҳаракатлар асосида суддаги иштирокининг йўналиши ва услубиятини ишлаб чиқиши ва бу фаолиятни амалга оширишда илмий-услубий тавсиялардан самарали фойдаланиши лозим.

Судда жиноят иши кўрилишида прокурор иштирокидан кўзланган асосий мақсад қонун билан белгиланган ваколатларидан фойдаланиб судларга адолатли қарор қабул қилишга кўмаклашишдан иборат эканлигини ҳар бир давлат айбловчиси яхши англаб етган бўлиши керак. Бунинг учун суд муҳокамасида қатнашувчи прокурор суд процессини фақат кузатиб ўтирадиган томошабин эмас, балки судга далилларни тўлиқ тақдим қила оладиган, далилларга ҳолисона баҳо бера оладиган юқори малакага эга мутахассис бўлиши лозим.

Жиноят ишларини суд муҳокамасида кўрилишида давлат айбловчисининг маъсулияти катта, шунинг учун у моддий ва процессуал қонунчилик соҳасида етарли билимга эга бўлган, тергов хусусиятларини фақат назарий жиҳатдан эмас, балки ўзининг шахсий иш тажрибаси асосида ҳам билиши зарур.

Касбига фидойилик, ташаббускорлик, жиноятларни фош этишнинг энг яхши усулларини танлай олиш ҳамда бир қарашда арзимас бўлиб кўринган ҳолатлардан оғир жиноятларни узилкесил исботловчи манбаларни кўра билиш қобилиятига эга бўлиш давлат айбловчисининг энг муҳим фазилатларидан биридир. Ишни судда кўриш жараёнида тарафлар билан бўладиган муносабатда унга ҳолислик ва адолатлилик хусусиятлари хос бўлмоғи шарт⁶.

Тарафлар музокараси суд муҳокамасида иштирок этаётган давлат айбловчиси фаолиятининг якуни бўлиб, бу босқичда у жиноят иши бўйича позицияси ёки муносабатини аниқ, тушунарли, қонун талаблари асосида ва унга риоя қилган ҳолда ўз нутқини ҳар қандай ҳолда ҳам ёзма равишда судга тақдим этиши лозим.

Давлат айбловчиси суд тергови якунларини инобатга олиб, ўз нутқида судланувчининг айблилиги ёки айбли эмаслиги тўғрисидаги хулосасини асослантириши керак. Бунинг учун у тарафлар музокарасига режа асосида пухта тайёргарлик кўриши шарт. Судда давлат айбловини қўллаб-қувватлаш учун прокурор алоҳида укувга, малакага эга бўлиши зарур⁷.

Прокурор қонун билан ўзига берилган ваколатларидан фойдаланган ҳолда жиноят ишларини судда кўриш жараёнида тарафларнинг

бузилган ҳуқуқларни ўз вақтида бартараф қилиш учун қонун талаблари бузилганлиги аниқ кўришиб турган ёки адолатсиз бўлган суд қарорларига протест киритиш чорасини кўриши шарт. Протест киритиш асослари ва тартиби эса жиноят-процессуал қонунчиликда аниқ кўрсатилган.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг судда прокурор иштироки билан боғлиқ нормалари, “Судлар тўғрисида”ги қонунга мувофиқлаштирилиши, яъни судларда жиноят ишлари прокурор иштирокида кўрилишини белгиловчи норма билан тўлдирилиши, одил судловни амалга ошириш жараёнида жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари янада кучлироқ мустаҳкамланган ва ҳимоя остида бўлишини таъминлайди.

Мамлакат Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”га бағишланган маърузасида “Биринчи инстанция судида иш бўйича айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклатишни назарда тутадиган норма ўрнатиш таклифи⁸”, юқоридаги мақсадларга йўналтирилган.

Зеро, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари олий кадрият даражасига кўтарилган бир пайтда давлат айбловчиси фаолиятининг процессуал жиҳатлари такомиллаштирилиши ва улар етарли даражада ишлаб чиқилиши жиноят ишларини судда кўриб чиқишда прокурорларнинг самарали иштирокига ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида, жамиятимизда одил судловни амалга ошириш сифатини мустаҳкамлайди.



АННОТАЦИЯ

Вышеуказанная статья посвящена правовым основам деятельности государственного обвинителя в рассмотрении уголовных дел. В статье автор освещает нормативно-правовую базу в данной сфере, требования, предъявляемые к государственному обвинителю. Кроме того, автор указывает важность судебно-правовых реформ в сфере государственного обвинения и важнейшие направления развития данной сферы в Республике Узбекистан.

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 11 май кунги “Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида”ги 21-сонли буйруғи. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг буйруқлари тўплами. Тошкент-2006. б. 290

² Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2010 йилги ҳисоботларидан олинган.

³ Кисленко С. Поддержание государственного обвинения в проблемных ситуациях. Москва. Журнал Законность. 2003 г. № 3. стр. 40.

⁴ Б.Х.Пўлатов. Прокурорнинг судда давлат айбловини қувватлаш фаолияти. Ўқув қўлланма. Тошкент. «Qonun himoysida» журнали 2005. б. 7

⁵ Ўша буйруқнинг 5-банди.

⁶ Б.Х.Пўлатов. Прокурорнинг судда давлат айбловини қувватлаш фаолияти. Ўқув қўлланма. Тошкент. «Qonun himoysida» журнали 2005. б. 8

⁷ Рустамбоев М. Ҳуқуқий давлатда прокуратура. Qonun himoysida. 2003.1(85) сон. б. 10-13

⁸ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010, 24-25 бетлар.

Бахтиёр ПҮЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари кафедра бошлиғи, ю.ф.д., проф.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИ

Дунё амалиётида тадбиркорликни рағбатлантириш жамият ва давлат манфаати учун зарурий меъёр бўлиб ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришини таъминлайдиган замонвий тузилмаларни шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда муҳим роль ўйнайди¹. Тадбиркорлик давлат ҳокимияти органларининг доимий қўллаб-қувватлаши ва эътиборига муҳтож. Давлатнинг вазифаси кичик ва ўрта бизнес корхоналарига молиявий, техник ва бошқа ресурсларни бериш ва уларни қандай бўлмасин қўллаб-қувватлаш билан чекланиб қолмасдан, балки бозор шароитида уларнинг ўзларини ўнглаб олишлари ва ривожланишлари учун ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратишдан ҳам иборат.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ иқтисодий ислохотларни олиб бориш жараёнида тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор бериб келмоқда, чунки тадбиркорлик фаолиятини ривожлантирмай туриб, хўжалик юритиш тизимида ва унинг тармоқларида иқтисодий ва молиявий жиҳатдан ўсишга эришиб бўлмайди.

Ўзбекистонда тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мақсади, тадбиркорлик муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш, яъни кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, улар фаолиятини юритишларида эркинлик бериш, аниқ ҳуқуқий кафолат билан таъминлаш орқали Республика Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «...мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг пойдевори бўлмиш кичик ва ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборат»².

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар кутилганлигидан ҳам яхши натижалар бераётганлигини кундалик ҳаётимиздаги ўзгаришлар мисолида кўриш мумкин. Республикаимизда тадбиркорлик давлат кўмагини бозор ислохотлари бошланган даврдаёқ, яъни 1991 йил 15 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуни орқали олди. Сўнгра, Республика Президентининг 1995

йил 5 январдаги «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ва 1995 йил 21 декабрдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ҳам бу ишда тадбиркорларга катта кўмак бўлди.

Бозор иқтисодиёти ислохотларининг чуқурлашиб бориши шароитида кичик ва хусусий тадбиркорликка оид қонунчиликка ҳам такомиллаштирилган қондалар киритилиши зарурлигидан келиб чиқиб, 2003 йил 11 декабрда «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Бу қонунларнинг қабул қилиниши, тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналиши эканлигини билдиради ҳамда рақобатни ривожлантиришга туртки бериши, иқтисодиётнинг унумсиз жиҳатларини бартараф этиш, мамлакат ҳудудларида истеъмол бозорларини товар ва хизматлар билан тўлдириш, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, иш билан банд бўлишлик муаммоларини ечишни белгилайди³.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда, жумладан, Англияда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг учта давлат дастури, Францияда иккита давлат дастури мавжуд бўлиб, Жанубий Кореяда савдо ва саноат вазирлиги томонидан кичик ва ўрта корхоналар учун информацион тармоқ ва маълумотлар таянч нуқтасини яратишнинг беш йиллик дастури назорат қилиб борилади.

Ўзбекистонда ҳам тадбиркорликни ривожлантириш жараёнларини тезлаштириш мақсадида ҳамда давлат, хўжалик ва жамоат тузилмаларининг фаолиятида қулай тадбиркорлик муҳитини яратишда аниқ мувофиқлаштириш ишларини таъминлаш учун 1995 йил августда кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат дастури қабул қилинди.

Бу дастур тадбиркорликни ривожлантиришнинг қонуний ва меъёрий негизини такомиллаштириш ва ривожлантириш каби вазифаларни ҳал қилишда давлат кўмагини кўрсатишни, яъни қонуний-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш; ташкилий жиҳатдан таъминлаш; тадбиркорлик ривожланиши учун моддий-техник шарт-ша-

роитлар яратилиши; молия-кредит таъминоти; тадбиркорликнинг суғурта кўмаги билан таъминланиши; тадбиркорлик соҳасида ишловчи кадрларни тайёрлаш, қайта ихтисослаштириш, кадрлар малакасини ошириш; ташқи иқтисодий фаолиятда кўмак; ахборот-маслаҳат билан таъминланиши; тадбиркорликни ижтимоий руҳан қўллаб-қувватлашни кўзда тутати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги 3202-сонли “Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2003 йил 24 мартдаги 3226-сонли “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги, 2003 йил 27 октябрдаги 3342-сонли “2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги, 2005 йил 14 июндаги 3618-сонли “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги 2005 йил 24 июндаги 3622-сонли “Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида”ги, Фармонларини; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги 349-сонли “Иқтисодиётни кредитлаш механизми янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2002 йил 4 июндаги 197-сонли “Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланишни тартибга солиш тўғрисида”ги, 2003 йил 20 августдаги 357-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2003 йил 24 декабрдаги 563-сонли “Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайитириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асосиз чекланишига йўл қўймаслик мақсадида 2005 йил 14 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3619-сон Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармон мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот ва иқтисодий-ҳуқуқий майдонда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими мавжудлигини кўрсатиб берди. Шу маънода олганда ушбу фармон иқтисодий қонунчиликни шакллантиришда ҳам методологик аҳамиятга эга бўлмоқда.

Фармонга асосан 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўллаш тартиби жорий этилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари, улар томонидан текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда эса — Ўзбекистон Республикаси

Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ҳамда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаменти томонидан амалга оширилиши; назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгар, ҳатто жиноий жавобгар ҳам бўлиши; фақат кўзғатилган жиноий иш юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки шундай текширувларни ўтказиш тўғрисида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарори мавжуд бўлгандагина қонунда кўзда тутилган ҳолларда тадбиркорлик субъектининг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатларинигина муқобил тарзда текширишга йўл қўйилиши; муқобил текширишларни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилиши белгилаб қўйилди.

2009 йил 15 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1112-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорга кўра, тадбиркорлик субъектларини ортиқча сарсон қилаётган соҳада — кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича хизмат кўрсатиш тарифларини пасайитириш тураржой ва нотурар жойларни текшириш, ўлчаш, баҳолаш, техник инвентаризация қилиш, паспортлаштириш, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш соддалаштирилди, тўланадиган тўловлар ҳажмини қисқартириш чоралари белгиланди.

Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда бозор принциплари ва механизмларини янада чуқурлаштириш, биржа ва ярмарка савдоларининг хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги кооперация алоқаларини ривожлантиришдаги ролини ошириш, шунингдек, маҳаллий хомашё ҳамда саноат кооперацияси негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини шакллантириш чора-тадбирларини амалга оширишда саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори⁴ қабул қилинди. Мазкур Қарорга мувофиқ, тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини шакллантириш ва амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги импорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажмлари ва турларини, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тузилган контрактлар ва шартномаларни чуқур таҳлил қилиш, шунингдек, ташқи бозорлар конъюнктурасини тизимли ўрганиш асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва матери-

алларнинг йўналишлари ҳамда аниқ рўйхатлари бўйича ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши ҳамда уларни Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги 3860-сонли «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартибини «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қарор билан тасдиқланган Низом⁵ белгилаб берди.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, «ҳозирги вақтда яна бир муҳим масала — мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда хусусий тадбиркорликнинг роли ва улуши янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш масаласи биз учун долзарб бўлиб қолмоқда. Ўзбекистоннинг бу йилги ялпи ички маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 50 фоиздан ортиб бораётганига қарамасдан, афсуски, бу соҳа реал иқтисодиётимизда, авваламбор саноатда етакчи ўринни эгаллай олмаяпти. Ушбу вазифани ҳал этиш учун «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш зарур. Бу қонунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўллари соддалаштириш, уларнинг фаолиятга учун кўпроқ эркинликлар беришни кўзда тутиш лозим. Ушбу секторни кредитлаш, ресурслардан фойдаланиш, давлат буюртмаларини олиш, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш учун янги имтиёзлар бериш, халқаро амалиётга мувофиқ даромадларнинг йиллик декларацияси шаклига босқичма-босқич ўтиш, молия ва статистика ҳисоботлари тизимини янада соддалаштириш, жумладан, бундай ҳисоботларни ваколатли давлат органларига электрон шаклда тақдим этиш каби механизмлар ҳисобидан қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам қонунда ўз аксини топиши даркор»⁶.

Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни, уларни қўллаб-қувватлашни кафолатловчи қонунчилик мавжуд бўлмасда, бугунги кун нуқтаи назаридан уларнинг айримларини танқидий баҳолаган ҳолда қайта кўриб чиқиш ва янги таҳрирда қабул қилиш вазифаси турибди. Шу маънода олганда, Президент томонидан «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фа-

олияти соҳасида рухсат бериш тартиб қоидалари тўғрисида»ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни танқидий қайта кўриб, янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунни қайта кўриб чиқиш ва янги таҳрирда қабул қилиш, шунингдек, «Кредит бюролари фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида», «Таров реестри тўғрисида», «Риэлторлик фаолияти тўғрисида», «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида», «Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида»ги ва бошқа янги қонунлар қабул қилиниши лозимлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаш вазифаси турибди. Мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг мазкур шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келишини таъкидлаш ўринли бўлади. Қонунчилик базаси яратилгандан сўнг, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилади. Ҳақиқатан ҳам оилавий бизнес тадбиркорликнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида келажакда аҳолининг иқтисодий турмуш тарзининг янада юқори бўлишини таъминлайди.

Юқорида баён этилган ҳуқуқий хужжатларнинг қабул қилиниши биринчидан, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган ва унинг жадал ривожланишини таъминлайдиган, уларнинг қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини тўла кафолатлайдиган ҳуқуқий замин яратишни назарда тутса, иккинчидан, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, улар фаолиятини ривожлантиришга давлатимиз жиддий эътибор бериб келаятигандан далолат беради. Учинчидан, тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун тенг имкониятлар яратиш беради, улар фаолиятининг очиқ-ошқора бўлишига, қонунчиликда мавжуд имкониятлардан фаол фойдаланишга имкон беради. Бу эса, тадбиркорлик субъектларининг эмин-эркин, қонунда белгиланган доирада фаолият олиб боришларини кафолатлайди ва уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади⁷.

Ўзбекистоннинг Конституцияси хусусий тадбиркорликни ишончли тарзда ҳимоя қилади, хусусий мулкчиликнинг дахлсизлигига қатъий кафолат беради⁸. Ҳуқуқий кафолатларнинг ўрнатилиши маъмулларнинг тадбиркорлар хўжалик тижорат фаолиятига аралашувини чегаралайди, хусусий мулкчилик ҳуқуқи ва дахлсизлигини, шу жумладан, талон-торож қилишлик ва зўравонликлардан ҳимояланишини таъминлайди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида 2011 йилни мамлакатимизда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиб, «Бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратмасдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келажagini таъминлай олмаймиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали биз мамлакатимизда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва унинг тобора мустақкам бўлиб боришига эришмоқдамиз ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда¹⁰, деб таъкидлади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқий ҳимояси кафолатларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорида¹¹ мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида янада қулай бизнес-муҳит яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустақкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бу борада ишончли кафолатларни таъминлаш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг бош-

қарув функциялари ва рухсат берувчи нормаларни қисқартириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хомашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишини таъминлайдиган бозор воқеалари ва механизмларини татбиқ этиш, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш масалалари белгилаб қўйилди.

Мазкур қарор ижроси доирасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида кўра: -кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлларидаги ортикча бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш, янада кўпроқ эркинлик яратиш, давлат органлари томонидан рухсат бериш меъёр ва чеклашларни кескин камайтириш; -тадбиркорлик субъектлари ҳамда давлати бошқарув ва назорат органлари билан муносабатларда очиклик ва шаффофликни таъминлаш; -солиқ, божхона ва бошқа тўловлар бўйича янги имтиёз ва преференциялар яратиш; - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари билан ҳамкорликни ривожлантириш ва соддалаштириш; — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ташқи иқтисодий фаолиятда фаол иштирок этиш, қулай шарт-шароитлар яратиш асосий вазифа сифатида белгиланди.



АННОТАЦИЯ

Вышеуказанная статья посвящена государственной политике защиты прав субъектов предпринимательства. Во вводной части данной статьи автор осуществляет обзор фундаментальных основ развития предпринимательства в нашей стране. В основной части данной статьи проводится подробный научно-правовой анализ основных направлений государственной политики в сфере защиты прав субъектов предпринимательства, законодательной базы защиты прав предпринимателей. В заключительной части автор осуществляет подробный обзор места и важности развития законодательства о малом бизнесе и частном предпринимательстве.

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси, Давлат солиқ кўмитаси, Давлат статистика кўмитаси, “Давархитеккурилиш” кўмитаси, “Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг Кўшма қарори “Тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш ҳақида”. –Т.: 2011 йил, 24 февраль, **10-27-11-сон**.

² И.А.Каримов. Эришган марраларимизни мустақкамлаб, ислохотлар йўлида изчил бориш — асосий вазифамиз // Халқ сўзи. 2004 йил 10 февраль.

³ Р.М.Ғайбуллоев. Тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. –Т.: “ФАН”, 2004, 89 бет.

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 49-сон, 522-модда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 15 февралда 1688-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 6-7-сон, 56-модда.

⁶ И.А.Каримов Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси (12 ноябрь 2010 йил).

⁷ Бабакулов С.Б.Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари. “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар ижроси самарадорлигини ошириш масалалари” мавзусидани илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: 2011

⁸ Каримов Р.К., Каримов Т.А.Миллий модел муаммолари. Тошкент: Ўзбекистон 1993. 9-бет.

⁹ И.А.Каримов Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилidir. –Т.: / Халқ сўзи газетаси, 2010 йил 8 декабрь.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастури тўғрисидаги Қарори. –Т.: / Халқ сўзи, 2011 йил, 7 февраль.

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Бугун мамлакатимиз мустақиллигининг тарихан қисқа даврига назар солсак, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қўлга киритилган улкан ютуқларнинг гувоҳи бўламиз. Юрт равнақи, эл фаровонлигини кўзлаб олиб борилаётган изчил ислохотлар шубҳа йўқки, барча соҳани кенг қамраб олди. Биргина ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналиши борасида амалга оширилаётган ишлар бу борадаги фикрларимизнинг исботидир.

Тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароит яратиш, уларга яқиндан кўмаклашиш ва ҳуқуқий эркинлигини таъминлаш мақсадида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналиши иқтисодиётимизнинг мустақил ва муҳим сектори сифатида шаклланди. Мазкур ислохотлар самараси ўлароқ, солиқ тизими тубдан ўзгарди. Ортиқча ҳужжатбозлик, кети йўқ текширишларга барҳам берилди. Ислохотлар натижасида охириги беш йилликда кичик бизнес субъектлари сони 145 мингтага ошиб, ҳозирги вақтда 454 мингтани ташкил этмоқда. Ялпи ички маҳсулотда уларнинг улуши 38 фоиздан 52,5 фоизга ошди.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида хусусий тадбиркорликка оид қонунчиликни такомиллаштириш, бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш кўзда тутилди. Шунга кўра, жорий йилнинг 4 апрелида қабул қилинган Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан бир қатор янги меъёрлар киритилди. Фармонга мувофиқ, жорий йилнинг апрель-декабрь ойларида солиқ идоралари томонидан текширилиши мўлжалланган 3780 та кичик бизнес субъектларидан 798 таси ёки 21

фоизи режадан чиқарилди. Шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларининг 30 календарь кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмаслигини белгилловчи тартиб ўрнатилди.

Юқорида яратилган қулайликлардан ташқари, Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан тадбиркорлик субъектларига қўшимча енгилликлар яратилди. Қарорга биноан, 1 июндан бошлаб пластмасса, лак-бўёқ, маиший-кимё, пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби, жами 44 та фаолият тури бўйича кичик корхоналарда ўртача йиллик ҳодимлар сонининг амалдаги 21 тадан 50 тагача чегаравий миқдори 21 тадан 100 тагача кўпайтирилди. Бу ўзгариш, биринчидан, ушбу фаолият турлари билан шуғулланиб келаётган кичик корхоналарда ишчилар сонини кўпайтириш эвазига ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишга имкон яратса, иккинчидан, ҳодимлар сони бўйича шу вақтгача йирик корхоналар сифатида фаолият кўрсатиб келаётган хўжалик юритувчи субъектларга солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини танлаш ҳуқуқини беради.

Амалиётга жорий этилган бу янгилликларнинг афзалликлари шундан иборатки, қарорда кўрсатилган фаолият турлари билан шуғулланувчи корхоналар олдин ҳар ойда тақдим этиб келаётган 12 та ҳисобот ўрнига эндиликда ҳар чорак якуни билан 4 та ҳисобот тақдим этадилар. Бу аввалги ҳолатлардан бир неча баробар соддалашганидан далолат беради.

Солиқ тўловчи ҳар ойда тўлаб келаётган 9 та тўлов ўрнига, энди кичик бизнес субъекти сифатида ҳар чорак якуни билан фақат бир мартаба ягона солиқ тўловини амалга ошириши ҳамда ҳар ойда тўланаётган маблағларини чорак давомида айланма маблағлар сифатида ишлатиш имконияти яратилди.

Қарорга мувофиқ, 2011 йилнинг 1 июнидан янги ташкил этилаётган масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун ус-

тав жамғармасининг миқдори амалдаги энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан қирқ бараварига туширилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда давлат божи ставкаси олдинги энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари ўрнига бир баравари миқдорида белгиланиши, йилига ўртача давлат рўйхатидан ўтаётган 41 мингта янги корхоналар ихтиёрида 2 млрд. сўм қолдирилишига олиб келади. Бундан ташқари, намунавий таъсис ҳужжатлари асосида амалга ошириш мумкинлиги белгиланди. Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга тақдим этиладиган таъсис ҳужжатлари бўлиб, устав ёки таъсис шартномаси ва устав ёки фақат таъсис шартномаси, бунда масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун — таъсис шартномаси ва устав, акциядорлик жамиятлари, хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари ҳамда юридик шахс бўлган деҳқон хўжаликлари учун — фақат устав ҳисобланади. Шу билан бирга, таъсис ҳужжатларини нотариал тасдиқланган ҳолда тақдим қилиш талаблари бекор қилинди. Аввалги, яъни амалдаги тартибга кўра, тадбиркорлик субъектлари юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтиш жараёнида рўйхатдан ўтказувчи органга шахсан келиб ёки почта орқали ариза тақдим этиши ва унга давлат тилидаги таъсис ҳужжатларининг белгиланган тартибда нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси тақдим этилиши лозим эди. Эндиликда, ҳужжатларни нотариусдан тасдиқлатиш учун ортиқча вақт ва маблағ сарфлаш зарурати қолмайди.

Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида қабул қилинган ҳужжатлардан яна бири Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қароридир. Бунинг натижасида Давлат солиқ хизмати тизимида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётир. Натижада, барча ҳудудий Давлат солиқ бошқармалари ва туман (шаҳар) Давлат солиқ инспекцияларида оптик толали алоқа жиҳозлари ўрнатилиб, ишга туширилди. Қарорнинг асосий моҳияти шундан иборатки, унда Давлат солиқ хизмати органларининг маълумотлар базасини ягона маълумотлар базасига бирлаштириш, Давлат солиқ хизмати органларига маълумотлар тақдим этувчи идоралар билан маълумотларни фақат электрон шаклда айирбошга ҳамда солиқ тўловчиларга

солиқ мажбуриятларини ўз вақтида, тўлиқ бажаришларига кўмаклашиш, уларга ахборот хизмати кўрсатишни янада такомиллаштиришнинг кенг кўламли чора-тадбирлари белгиланган. Мазкур қарорга мувофиқ, 2011-2012 йилларда Давлат солиқ хизмати органларининг ягона маълумотлар базасини яратиш кўзда тутилган бўлиб, унинг техник асосини Давлат солиқ қўмитасининг маълумотларни қайта ишлаш маркази ташкил этади.

Маълумотларни қайта ишлаш маркази ташкил этилиши билан тегишли идоралар томонидан Давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборотларни фақат телекоммуникация каналлари орқали тақдим этиш тартибига босқичма-босқич ўтиш имконияти яратилади. Масалан, лицензия ёки бошқа рухсат этувчи ҳужжатлар берадиган органлар томонидан лицензия ёки бошқа рухсат этувчи ҳужжатлар, шунингдек, мазкур ҳужжатлар бекор қилинганлиги, уларнинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги ёки тугатилганлиги тўғрисида маълумотлар.

"Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси томонидан кўчмас мулк ва унинг мулкдорлари (эгалари) тўғрисида мазкур кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотлар;

Адлия вазирлиги, давлат нотариал идоралари томонидан кўчмас мулк ижараси шартномаси тасдиқланганлиги ва ижара ҳақи миқдори, шунингдек, мерос қилиб олиш ёки ҳадя тарзида фуқароларнинг мулкига ўтаётган мол-мулк қиймати тўғрисида маълумотлар;

Давлат божхона қўмитаси томонидан экспорт-импорт операциялари, шунингдек, товарлар ҳаракати ҳақидаги маълумотлар тақдим этилиши белгиланган.

Давлат солиқ қўмитасининг ташкил этилаётган ягона маълумотлар базаси солиққа тортиш ва солиқ маъмурчилиги масалаларига оид ахборот алмашувини тезлаштириш ҳамда уни қайта ишлаш билан биргаликда солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган интерфаол хизматлар кўламини янада кенгайтириш, тадбиркор ўз офисида ўтирган ҳолда:

солиқларни банкка бормаган ҳолда электрон каналлар орқали тўлаш имконияти яратилади ва ундан фойдаланиш учун электрон рақамли имзо олиниши кифоя бўлади;

солиқларни тўлаш муддатлари, солиққа оид мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки ўз вақтида бажарилмаганлиги учун жавобгарлик чора-

ларидан солиқ тўловчиларни электрон шаклда хабардор қилиш механизми амалиётга жорий этилади;

тўланган солиқлар, мажбурий тўловлар, молиявий жарималар ва пенялар, ортиқча тўлов суммалари ҳамда солиқ қарзи ҳақидаги маълумотни олиш имконияти яратилади.

Солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятлари, шунингдек, солиққа оид мажбуриятларини бажармаганлиги ёки ўз вақтида бажармаганлиги учун жавобгарлик чораларидан телекоммуникация каналлари орқали хабардор қилиш механизми амалиётга жорий этилади.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш ва тадбиркорлик учун қулай шароитларни яратиш ҳамisha биринчи даражали устувор вазифа бўлиб келган. Шунини

алоҳида таъкидлаш лозимки, бугун исталган фаолиятни амалга ошириш учун барча имкониятлар мавжуд. Шу билан бирга, амалдаги қонунларимиз қонунга итоаткор, солиқларни ўз вақтида тўлаб келаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлайди.

Давлатимиз томонидан яратилаётган бундай имкониятлардан барча тадбиркорларимиз унумли фойдалансинлар. Аксинча, солиқлардан қочиб, ноқонуний фаолият билан шуғулланишни кўзлаган "тадбиркорлар" эса белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, яратилаётган барча қулайлик ва шароитлардан оқилона фойдаланиб, барқарор ривожланишга эришиб, жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаб, ҳалқимизнинг турмуш даражасини янада оширишга хизмат қилишларингизга ишонамиз.



АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается защита прав и законных интересов предпринимателей в Республике Узбекистан, анализируются льготы и преференции, предоставляемые субъектам предпринимательской деятельности. Указывается проделанная работа и роль органов прокуратуры в данной сфере, приводятся статистические данные и конкретные примеры. Автор особое внимание уделяет вопросам реформирования нормативных актов о защите прав предпринимателей в нашей стране.

Нодир МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти
бош илмий ходими, ю.ф.н.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЎЗАРО ТОРТИШУВ ПРИНЦИПНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Мустақиллигимизнинг ўтган қарийб йигирма йиллик қисқа тарихий даврида, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамият барпо этишдаги ролини кучайтириш ҳамда жиноят процессида ўзаро тортишув принципини янада самарали таъминлашга қаратилган муҳим ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд алоҳида ҳокимият эканлиги, суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши қатъий белгилаб қўйилди.

Мазкур конституциявий нормаларни изчил амалга ошириш мақсадида суд-ҳуқуқ тизимини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари тўла қайтадан кўриб чиқилиб, миллий аънасаларимиз, илғор демократик давлатларнинг тажрибаси ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар талабларига мос "Судлар тўғрисида"ги, "Прокуратура тўғрисида"ги, "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунлар ҳамда Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар қабул қилинди. Уларда айбсизлик презумпцияси, ҳар бир инсоннинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи, суд жараёнидаги тортишув ва ошкоралик каби умумэтироф этилган принциплар белгилаб қўйилди.

Судларнинг жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилиши қонунан мустаҳкамлаб қўйилди. Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилди ва кассация инстанцияси ислох қилинди. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш прокуратура органларидан судларга

ўтказилди. Амнистия актини қўллаш тўлалигича судлар ваколатига берилди. Шунингдек, судларнинг уларга хос бўлмаган вазифалардан сезиларли даражада халос қилиш ва бутун диққат-эътиборини ўзларининг асосий бурчи бўлмиш одил судловни амалга ошириш учун имконият яратишга қаратилган тизимли ислохотлар амалга оширилди.

Жиноят процессида ўзаро тортишув принципини таъминлаш борасидаги изчил чора-тадбирлар натижасида суд процессида айблов билан ҳимоянинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар яратилди. Хусусан, ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилиши белгилаб қўйилди. Ҳимоячига Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаш ва тақдим этиш ваколати берилди.

Айни пайтда суд мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, одил судлов тамойилларини ривожлантириш ва энг муҳими, жиноят процессида ўзаро тортишув принципини самарали қўллашни кенгайтиришга қаратилган ислохотларнинг бугунги босқичи талабларидан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритиш ва унга мувофиқ биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган норма ўрнатиш таклиф этилди. Чунки, амалдаги Жиноят-процессуал кодексига давлат айбловчиси, яъни прокурорнинг суд терговида айблов хулосасини ўқиб эшиттириш бўйича мажбурияти аниқ белгиланмаган.

Қолаверса, Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасида суд тергови айблов хулосасини ўқиб

эшиттиришдан бошланади, деган умумий ва мавхум норма белгиланганлиги боис, бугунги кунда айблов хулосасини кўпинча судьялар томонидан ўқиб эшиттириш каби номувофиқ амалиёт шаклланган. Бу эса суднинг вазифа ва мақсадларига мутлақо мос келмайди ҳамда жиноят процессида ўзаро тортишув принципини амалга оширишга тўсқинлик қилади. Зеро, ўзаро тортишув принципига кўра, суд айблов ёки ҳимоя тарафида турмайди ҳамда уларнинг бирон-бир манфаатларини ифодаламайди.

Ваҳоланки, судлар Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддаси талабларига, яъни ишлар суд мажлисида тарафларнинг ўзаро тортишуви принципи асосида кўрилиши шартлиги ҳақидаги қоидага сўзсиз амал қилинишини таъминлашлари керак.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини фақат прокурор томонидан ўқиб эшиттириш лозимлиги ҳақидаги таклиф ҳам айнан суд процессида тортишувни янада кучайтиришга қаратилгандир. Зеро, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги ўзаро тортишув, баҳс ва мунозаралар ишни кўришда ҳақиқатни аниқлаш, пировардида инсон тақдири юзасидан адолатли қарор қабул қилишнинг етакчи омилларидан бири ҳисобланади.

Жиноят-процессуал кодексида белгиланган нормаларга мувофиқ, айблов хулосаси терговчи томонидан тузилади ва имзоланади. Терговчи айблов хулосасини имзолаганидан кейин жиноят ишини дарҳол прокурорга юборади. Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириб, ўз ваколати доирасида айблов хулосасини тасдиқлайди ва ишни судга юборди.

Бу ўринда, табиий савол туғилади: нима сабабдан терговчи томонидан тузилган ва прокурор томонидан тасдиқланган айблов хулосасини суд тергови вақтида прокурорнинг ўзи бевосита иштирок этиб турган ҳолатда судья томонидан ўқиб эшиттирилиши керак? Шунинг учун ҳам прокурор томонидан тасдиқланган ва унинг нуқтаи назарини ўзида ифода этган айблов хулосаси фақат прокурор томонидан ўқиб эшиттирилиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, амалиётда ўзаро тортишув суд мажлисида прокурор ва ҳимоячининг узлуксиз иштироки таъминланган ҳолдагина тўла рўёбга чиқади. Шу боис судлардан ўз фаолиятларида мазкур вазифага жиддий эътибор қаратишлари лозим бўлади.

Шу ўринда хорижий давлатлар жиноят процессуал қонунчилигини кузатадиган бўлсак, Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 273-моддаси ҳамда Беларусь Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 324-моддасига мувофиқ, суд тергови давлат айбловчиси томонидан айблов хулосасини ўқиб эшиттириш билан бошланади. Германия қонунчилигига кўра, суд тергови судланувчини тергов қилишдан бошланиши боис айблов хулосаси суд томонидан ўқиб эшиттирилиши мустаҳкамланган. Украина Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 297-моддаси ҳамда Озарбайжон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 324-моддасида айблов хулосаси прокурор (давлат айбловчиси) томонидан эълон қилиниши ва айблов хулосасининг резолютив қисми прокурор томонидан ўқиб эшиттирилиши билан бошланиши белгиланган.

Шу маънода жиноят-процессуал қонунчилигида айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган норманинг белгиланиши:

биринчидан, Конституция ва қонунларда белгиланган суднинг мустақиллигини, ишни кўришда ҳолислиги ва адолатли қарор қабул қилиниши, пировардида одил судлов тамойилларининг янада ривожланишини;

иккинчидан, жиноят процессида муҳим аҳамиятга эга ўзаро тортишув принципини амалда, яъни суд тергови вақтида тортишув айнан айблов томонда турувчи прокурор билан ҳимоя томонда турувчи адвокат ўртасида бошланишини;

учинчидан, Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддасида белгиланган судда кўриладиганда айблов, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки айнан бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас, деган қонданинг тўлиқ рўёбга чиқишини таъминлайди.



АННОТАЦИЯ

Автором раскрыта суть принципа состязательности в суде, а также состояния законотворчества и особенности его применения в судебном процессе.

ЖАЗОНИ ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАРНИ ТАСНИФЛАШ

Жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг ҳар бирини моҳияти ва мазмунини аниқлаб, уларни тўғри таснифлаш талаб қилинади. Уларни таснифлаш орқали ҳар бирининг аниқ аҳамиятини, содир этилган жиноятни ва жиноят содир қилган киши шахсининг ижтимоий хавфлилигига таъсир қилиш даражасини аниқлаш мумкин бўлади.

Юридик адабиётларда ҳар бир ҳолатнинг жиноят таркибини қайси элементига тааллуқли эканлигига қараб таснифлаш кенг тарқалган ва бундай ҳолат енгиллаштирувчи ҳолатларга ҳам оғирлаштирувчи ҳолатларга ҳам тааллуқлидир¹.

Г.И.Чечель² ва В.С.Минская³ ҳам озгина фарқи билан худди шундай таснифлаш усулини таклиф қилганлар. Бизнингча, бундай таснифлаш ҳар бири ҳақиқатан ҳам жиноят таркибининг зарурий белгиси ҳисобланган жазони оғирлаштирувчи ҳолатларга татбиқан тўғридир. Енгиллаштирувчи ҳолатларнинг кўпчилиги эса, жиноят таркиби доирасидан ташқарида бўлган ҳолатлар бўлгани сабабли бошқачароқ хусусиятга эга. Улар орасида жиноят содир этилганидан кейин субъектнинг хулқини ифодаловчи ҳолатлар кўпроқдир.

М.И.Бабаев енгиллаштирувчи ҳолатларни учта туркумга бўлиб таснифлайди:

- а) қилмишнинг объектив ва субъектив хусусиятларига тегишли ҳолатлар;
- б) субъектнинг шахсига тегишли ҳолатлар;
- в) жиноят содир этишга таъсир қилувчи сабаб ва шароитларга тегишли ҳолатлар⁴.

Ушбу таснифлаш унинг мезонлари ҳар хил бўлганлиги учун ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Чунки уларнинг дастлабки иккитаси жиноят-ҳуқуқий белгиларга, учинчиси эса криминологик белгиларга оиддир.

Айрим муаллифлар енгиллаштирувчи ҳолатларни бошқача асосларга кўра таснифлайдилар. Жумладан, Н.С.Лейкина уларни икки гуруҳга бўлади: жиноятчининг шахсини ифодаловчи ҳолатлар ва қилмишнинг объектив ва субъектив белгиларига тааллуқли ҳолатлар⁵. Л.Л.Кругликов ҳам уларни икки гуруҳга бўлади, аммо бошқачароқ таснифлайди. Биринчи гуруҳга, қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги даражаси ва жиноятнинг ўзига

ҳамда айбдорнинг шахсига тегишли кўрсаткичларини киритади. Иккинчи гуруҳга, фақат айбдорнинг шахсига тегишли кўрсаткичларни киритади⁶.

М.А.Скрябин жазо тайинлашда қонун кўпроқ ҳуқуққа хилоф қилмишни характерловчи ёки (ва) жиноятчининг шахсига кўпроқ аҳамият беришига ҳавола қилиб, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни уч гуруҳга бўлиб таснифлаш таклиф қилади: а) фақат жиноятни; б) фақат айбдорнинг шахсига; в) бир вақтнинг ўзида жиноятга ва айбдорнинг шахсига тегишли ҳолатлар⁷.

Нихоят, Г.З.Анашкин енгиллаштирувчи ҳолатларни айбдорнинг шахсига, қилмишнинг тавсифига, жиноятни содир этиш шароит ва сабабларига ҳамда бошқа енгиллаштирувчи ҳолатларга қараб таснифлайди⁸. Бизнинг фикримизча, бундай таснифлашда қилмишни ифодаловчи ҳолатлар билан жиноят содир этиш сабаблари ва шароитларига тегишли ҳолатлар ўртасидаги фарқларни аниқлаш мумкин бўлмайди. Бу тарифда «бошқа ҳолатлар» деган сўзларнинг мавжудлиги бундай таснифлашнинг аҳамиятини деярли йўққа чиқаради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таснифлаш ни у ёки бу гуруҳга киритиш маълум даражада шартли хусусиятга эга. Масалан, В.Ткаченко айбдорнинг шахсига тегишли бўлган ҳолатга оғир ҳаётий шароитлар туфайли ва ҳамдарадликдан жиноят содир этишни, айбни бўйнига олиб келиш, жиноятни очишга фаол ёрдам бериш, етказилган зарарни ўз ихтиёри билан қоплашни киритади⁹. Тўғри, бу санаб ўтилган ҳолатлар у ёки бу даражада айбдорнинг шахсини ифодалайди, асосан эса улар, жиноят содир этиш мотивига, жиноят содир этганидан кейинги қилмишига пуршаймон бўлиш ва тузалиш йўлига ўтишдек шахсининг хулқига тегишли ҳолатлардир. Бундай фикрни юқорида назарда тутилган бошқа таснифлар тўғрисида ҳам айтиш мумкин.

Жиноят қонунчилиги доктринаси ва суд амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, енгиллаштирувчи ҳолатларни уларнинг ҳар бирининг со-

дир этилган қилмишнинг оғирлиги даражасини аниқлашдаги ҳамда жиноят содир қилган кишининг шахсини ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлашдаги аҳамиятига қараб таснифлаш, бизнинг фикримизча, анча қулай ва мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бизнингча, у ёки бу ҳолатни енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисобга олиш, маълум даражада субъектни у ёки бу жазони субъектив қабул қилиши билан ҳам боғлиқдир. Масалан, вояга етмаган шахс ёки ҳомиладор аёл ёки ёш боласи бор аёл у ёки бу жазони бошқаларга нисбатан оғирроқ қабул қилади.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни қуйидаги учта асосий гуруҳга бўлишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Жиноят субъектининг шахсини ифодаловчи ҳолатлар;

2. Жиноятнинг мотиви ва унинг шаклланишига тегишли бўлган ҳолатлар;

3. Шахснинг жиноят содир этгандан кейинги хулқ-атворини тавсифловчи ҳолатлар.

Биринчи гуруҳга энг аввало, шахснинг айрим биологик сифатларини киритиш керак, яъни вояга етмаган ёки ҳомиладор аёл томонидан жиноят содир этиш. Булар ЖКнинг 55-моддаси 1-қисми «ж» ва «з» бандларида назарда тутилган.

Бу гуруҳга яна 55-моддада кўрсатилмаган, аммо шу модданинг 2-қисмига мувофиқ, суднинг ўзи енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаши мумкин бўлган ҳолатларни ҳам киритиш керак. Масалан, айбдорнинг қарилиги, касаллиги, унинг қарамоғида ёш болаларининг борлиги, қарамоғида боқимандаларнинг кўплиги ва ҳоказолар. Бундай ҳолатларни енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисобга олишнинг боиси шундаки, улар ўзларига нисбатан тайинланган жазони оғир қабул қиладилар ва шунга кўра, уларга енгилроқ жазо тайинлаш самарали таъсир қилиши мумкин.

Шундай қилиб, кишининг шахсига тегишли бўлган енгиллаштирувчи ҳолатлар туркумига, шахснинг биологик ва ижтимоий сифатларига оид бўлган сифатларини, яъни айбдорнинг жамият учун хавфлигининг нисбатан кам эканлигини кўрсатувчи ҳолатлар ёхуд тайинланган жазо шахс ёки унинг яқинлари томонидан анча оғир қабул қилиниши ва ҳоказоларни айтиш мумкин.

Жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг иккинчи гуруҳига жиноятнинг мотиви ва уни шаклланишига сабаб бўлган ҳолатларни айтиш мумкин. Улар жумласига, ЎзР ЖКнинг 55-моддаси 1-қисмида назарда тутилган қуйидаги ҳолатларни киритиш мумкин: оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиш; жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари

туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиш; мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли жиноят содир этиш; зарурий мудофаанинг, охири заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказиш; жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиш (ЎзР ЖК 55-моддасининг «в», «г», «д», «е», «и»-бандлари).

Ушбу гуруҳга 55-модданинг 1-қисмида назарда тутилмаган, аммо судларнинг ўзлари ҳисобга олиши мумкин бўлган енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳамдардлик, хайрихоҳлик мотивидаги ҳолатларни ҳам киритиш мумкин.

Юқорида эслатиб ўтилган ҳолатларнинг мотиви ҳар хил: қасд олиш, ғазаб, ғазабланиш, рашк, хафа бўлиш, хайрихоҳлик, қонунга хилоф йўллар орқали ижобий натижага эришишга ҳаракат қилиш, иш пайтидаги муваффақияти, яқинларига ғамхўрлик қилиш, моддий муҳтожлик ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Бу ерда кўп ҳолларда енгиллаштирувчи ҳолат сифатида жиноят мотивининг ўзи эмас, шу мотивларни шаклланишида сабаб бўлган ташқи шароит ҳисобланиб, улар кўп ҳолларда кечиримли хусусиятга эга бўлган ҳодисадир. В.С.Минская айбдорнинг иродасига боғлиқ бўлмаган, субъектда жиноят содир қилиш истагини кўзғатган ҳолатларни, шу туркумдаги ҳолатларга киритиш кераклигини таъкидлайди¹⁰. Бу фикрга биз қўшила олмаймиз. Юқорида санаб ўтилган енгиллаштирувчи ҳолатларни таҳлил қилишдан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бу ерда фақат қасддан содир этиладиган жиноятлар тўғрисида гап боради ва шунга кўра, айбдорнинг иродасидан ташқари жиноят содир қилиш нияти пайдо бўлиши ҳақидаги фикрига қўшила олмадик. Чунки шахснинг иродаси, нияти, мотивининг шаклланиши, муайян ташқи шароит билан боғлиқдир.

Учинчи гуруҳга кирувчи енгиллаштирувчи ҳолатлар шахснинг жиноят содир этгандан кейинги хулқ-атворини тавсифловчи махсус ҳолатлардир: айбни бўйнига олиб келиш; қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиш; жиноятни очишга фаол ёрдам бериш; келтирилган зарарни ўз ихтиёри билан қоплаш (ЎзР ЖКнинг 55-моддаси «а» ва «б» бандлари).

Судлар кўпинча айбдор томонидан жиноят жойида жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатишни ва айбдорнинг айбини бўйнига олишини енгиллаштирувчи ҳолат ҳисоблайдилар. Юқорида таъкидланганидек, судлар кўп ҳолларда катта иж-

тимой хавф туғдирмайдиган жиноятларни ҳам энгиллаштирувчи ҳолат ҳисоблайдилар. Ваҳоланки, жиноятларнинг ижтимоий хавфининг камлиги ушбу тоифадаги жиноятларни ЖК Махсус қисми моддаларида санкциясини белгилашда қонун чиқарувчи орган томонидан ҳисобга олинган ва яна қўшимча равишда уларни энгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаш тўғри бўлмайди. Суд у ёки бу энгиллаштирувчи ҳолатнинг бор ёки йўқлигидан қатъи назар ЎзР ЖКнинг 54-моддаси 2-қисмига мувофиқ содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини эътиборга олган ҳолда жазо тайинлайди.

Жиноят содир этилганидан кейинги хулқига тегишли бўлган энгиллаштирувчи ҳолатларга,

судлар кўпинча етказилган зарарни бартараф қилганлиги, гуруҳнинг бошқа аъзоларини фош қилганлигини ҳам киритадилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бу туркумдаги энгиллаштирувчи ҳолатлар, шахс томонидан ўз қилмишининг ғайриқонуний эканлигини англаганини, жиноятнинг салбий оқибатларини бартараф қилишга бўлган хоҳишини, тергов органлари ва судга жиноятни очиш ва жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни фош қилишда ёрдам берганлигини ифода этиши керак. Умуман олганда, улар шахс ҳали жазо тайинламасдан тузалиш йўлига ўтиб олганлигини ифодалаши керак, деб ўйлаймиз.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена классификации обстоятельствам, смягчающие наказание. Автором анализируется обстоятельство смягчающие наказание, рассматриваются правовые основы, приводится классификация данных обстоятельств. Особое внимание уделено теоретическим основам и правоприменительной практике в области уголовного наказания в нашей стране.

¹ Карпец И.И. Индивидуализация наказания. –М., 1961. –С. 38-103; Кадыров А.А. Обстоятельства, отягчающие наказание. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. –Т., 1997. –С. 12; Иванов А.Г. Смягчающие ответственность обстоятельства в советском уголовном праве. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. –Москва, –С. 12; Карпец И.И. Учет обстоятельств, смягчающих ответственность // Журнал. Социалистическая законность. –Москва, 1974. –№1. –С. 64-65.

² Чечель Г.И. Смягчающие ответственность обстоятельства и их значение в индивидуализации наказания. –Саратов: Изд. Саратовского ун-та, 1978. –С. 39-40.

³ Минская В.С. Роль смягчающих ответственность обстоятельств в индивидуализации уголовной ответственности // Проблемы совершенствования уголовного законодательства и практика его применения. Сб.науч.трудов. –М., 1981. –С. 39-40.

⁴ Бабаев М.М. Индивидуализация наказания несовершеннолетних. –М., 1968. –С. 50-55; Флоряк К.Н. Назначение наказания с учетом причин совершенного преступления. –Кишинев, 1980. –С. 99-102.

⁵ Лейкина Н.С. Личность преступника и уголовная ответственность. –Ленинград: Изд. ЛГУ, 1968. –С. 107-112; Долиненко Л.А. Влияние смягчающих обстоятельств на индивидуализацию наказания и на освобождение от уголовной ответственности с применением мер общественного или административного воздействия. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. –Томск, 1980. –С. 10-11; Ткаченко В. Общие начала назначения наказания // Журнал. Российская юстиция. –Москва, 1997. –№2. –С. 10-11.

⁶ Кругликов Л.Л. Смягчающие и отягчающие ответственность обстоятельства в советском уголовном праве. Часть Особенная. –Ярославль: ЯрГУ. –С. 4..

⁷ Скрябин М.А. Общие начала назначения наказания и их применение к несовершеннолетним. – Казань: Изд. Казанского ун-та, 1988. –С. 76-77.

⁸ Уголовный закон. Опыт теоретического моделирования. – М.: Наука, 1987. –С. 161.

⁹ Ткаченко В.С. Общие начала назначения наказания // Журнал. Российская юстиция. –Москва, 1997. –№2. –С. 10-11.

¹⁰ Минская В.С. О совершенствовании института смягчающих ответственность обстоятельств в советском уголовном праве // Проблемы уголовного права. –М., 1983. –С. 94.

Зокиржон ИБРАГИМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
бўлим бошлиғи, ю.ф.д.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛДАГИ ТАМОЙИЛЛАРИ

Мустақил Ўзбекистонда истиқлол йилларида демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида изчил ва тизимли қадамлар қўйилмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ва у таклиф этган концепция асосида ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти барпо этишнинг «ўзбек модели» ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, «Жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ва мустаҳкам ўрнига эга бўлган — Ўзбекистон деб аталган янги демократик давлат барпо этилди. Бугун ана шу мустаҳкам пойдевор асосида мамлакатимизни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври изчил давом этмоқда»¹.

Барчамизнинг бу йўлдаги бош орзуимиз ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришдир. Маълумки, бундай жамиятнинг асосий мақсади — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишининг узлуксиз механизмини яратишга қаратилади. Бугун юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ҳам айнан шу мақсадлар учун йўналтирилган. Албатта, мана шундай эзгу ниятлар сари етакловчи қонун ҳужжатларига риоя қилиш, уларнинг ижросини аниқ ва бир хилда таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Табиийки, қонун устуворлигини таъминламай туриб, кўзланган мақсадларга эришиш мумкин эмас. Мазкур вазифаларни бажариш эса, авваламбор, прокуратура органлари зиммасига юклатилган. «Негаки, прокуратура қонунни, унинг талабларини қатъий ҳимоя қилувчи идора ҳисобланади. У ҳуқуқий ислохотларни ўтказишда, ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш ишида ҳал қилувчи ўрин тутади»².

Мана, қарийб йигирма йилдирки, прокуратура органлари томонидан ушбу вазифалар муваффақиятли бажариб келинмоқда. «Сўнгги йилларда юртимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш борасида жиддий ишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда, прокуратура фаолиятини ислоҳ этиш, уни собиқ тузум даврида бўлгандек партиявий элита қўлидаги жазолаш қуроли эмас, балки қонунларнинг қатъий ижро этилишини, мамлакатимизда демократик ислохотларнинг изчил ривожланишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган органга айланти-

риш бўйича салмоқли ишлар қилинди»³. Бу даврда прокуратура органлари фаолияти амалга оширилишининг нафақат услуб ва кўринишлари кескин ўзгарди, балки унинг ҳуқуқий асослари ҳам суверен ўзбек давлати манфаатларига мос равишда қайта ташкил этилди ва замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантирилди.

Чунончи, «Демократлаштириш жараёнлари прокуратура фаолиятини ҳам жиддий ислоҳ қилишни тақозо этди. Прокуратура органлари фаолиятини белгилловчи ҳуқуқий асослар такомиллаштирилди. Прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоялаш ваколатлари кучайтирилишига устувор аҳамият берилди. Натижада «қораловчилик» вазифаларини бажариб келган прокуратура органлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимоячиси сифатида эътироф этилди»⁴.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида суд-ҳуқуқ ислохотларини тадрижий, тизимли ва изчил давом эттириш давр талабидир. Бу борадаги устувор вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли дастуриламал маърузасида кўрсатиб берилган. Суд-ҳуқуқ ислохотларининг марказий йўналишини жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида, яъни иқтисодий, сиёсий, маънавий жабҳаларда Конституция ва қонун устуворлигини мутлақ таъминлаш ташкил этади. Ваҳоланки, қонун устуворлиги муҳим конституциявий-ҳуқуқий тамойил бўлиб, уни таъминлашда барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар баҳамжихат иштирок этишлари керак. Бунда, айниқса, мавжуд қонунларни ҳаётга сўзсиз татиқ этиш ва қўллаш жуда муҳимдир.

Зеро, «қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмас, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди»⁵.

Қонун устуворлиги — жамиятимиз демократик тараққиётининг муҳим шarti бўлиб, прокуратура органлари фаолиятининг пировард мақсадидир. Шу боис, қонунийликни таъминлаш борасидаги прокуратура фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда бошқа

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш функциясини такомиллаштириш зарур.

Президент Концепциясида прокуратура органларининг ана шу йўналишдаги ҳуқуқий мақомининг истиқболдаги қўйидаги асосий тамойиллари белгилаб берилган:

Биринчидан, прокуратура фаолиятига оид ҳуқуқий ислохотлар судлар фаолиятини ислоҳ қилиш билан чамбарчас боғланган ҳолда давом эттирилади. Бу ислохотлар, биринчи навбатда, аслида судлар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган, аммо маълум объектив сабабларга кўра прокуратура органлари томонидан бажариб келинаётган қатор функцияларни судлар зиммасига ўтказиш билан боғлиқдир. Маълумки, кейинги пайтда бу борада жиддий ўзгаришлар амалга оширилди. Булар орасида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилишини алоҳида таъкидлаш лозим. Шундан сўнг амнистия актини қўллаш ҳуқуқининг ҳам судларга берилиши бу соҳада қўйилган кейинги демократик қадамлар сирасига кирди.

Ушбу концептуал ҳужжатда суд-ҳуқуқ ислохотларининг навбатдаги босқичида амалга оширилиши мўлжалланган асосий йўналишлар белгилаб берилди. Унга мувофиқ, судгача бўлган жараёнларда лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини ҳам фақат судларнинг розилиги билан амалга ошириш таклиф этилган.

Шунингдек, шу кунга қадар қонунчиликдаги мавжуд ҳуқуқий бўшлиқ тўғрисида суднинг вазифа ва мақсадларига зид равишда кўпинча судлар томонидан айблов хулосаларини ўқиб эшиттириш ҳолатларига чек қўйиш мақсадида, бу мажбуриятни фақат прокурорларнинг зиммасига юклатилишини назарда тутувчи процессуал нормани ўрнатиш ғояси ҳам илгари сурилган.

Бундан ташқари, судлар томонидан жиноят иши қўзғатиш амалиётига барҳам берилишининг таклиф қилиниши ҳам суд жараёнининг одил судловни амалга ошириш тамойилларига мос бўлишига хизмат қилади.

Шак-шубҳасиз, бундай ўзгаришлар суднинг мустақиллиги, холислиги ва беғаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришга хизмат қилади. Энг асосийси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэтироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишини таъминлайди.

Иккинчидан, прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий такомиллашуви бошқа қонунчилик асосларини қайта кўриб чиқиш ва яратиш билан бирга амалга оширилади. Чунончи, Концепцияда қатор қонун ҳужжатларини, жумладан, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунни, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳрирда қабул қилиш, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш заруриятлари асосланганлиги билан берилган.

Маълумки, ҳозирги кунда тегишли қонунлар мавжуд эмаслиги сабабли, ички ишлар вазирлиги тизимида тезкор-қидирув фаолияти муайян идоравий буй-

руқлар ва йўриқномалар асосида олиб борилади. Шунинг учун ҳам ушбу соҳа устидан прокурор назоратининг олиб борилишида прокурорлар аслида ички ишлар вазирининг ушбу йўналишдаги ишини ташкил этиш тартибини белгиловчи махсус идоравий ҳужжатлар ижросини текширадидлар. Худди шу ҳолатни ички ишлар идораларининг ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик профилактикасида оид фаолияти устидан прокурор назорати мисолида ҳам кузатиш мумкин. Бу билан эса ушбу тоифадаги прокурорлик текширувлари ўз моҳиятига кўра идоравий назорат даражасига тушиб қолади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонун қабул қилишни таклиф этилишининг асосий мақсади, тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишга йўналтирилганлиги билан бир вақтда, бу соҳадаги прокурор назоратини унинг конституциявий моҳиятига мослаштиришга ҳам хизмат қилади.

Учинчидан, прокуратура органларининг иш фаолияти устидан самарали, биринчи галда, жамоатчилик томонидан назорат ўрнатилишини таъминловчи механизмни яратиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, прокуратура фаолиятида ошкораликни таъминлаш орқали кенг халқ оmmasини жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, уларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш жараёнига жалб қилишга йўналтирилиши муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботларини эшитиб бориш амалиётининг йўлга қўйилганлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг прокуратура органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурлиги ҳақидаги тавсиялари⁶ ҳаётга амалий татбиқ этилганлигининг яққол ифодаси бўлмоқда. Ўз моҳиятига кўра, бундай назорат жамоатчилик назоратининг энг таъсирчан ва юқори даражадаги кўринишга эга услуби эканлиги билан ажралиб туради.

Аммо давр бу фаолиятни янада жадаллаштириш ҳамда унинг янги услуб ва кўринишларда олиб борилишини тақозо этмоқда.

Шу боис ҳам давлатимиз Раҳбари томонидан «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинишини таклиф этилиши алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини белгилаб қўйиш зарурлиги ҳақидаги тавсиялар замирида барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, прокуратура органлари томонидан ҳам қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият ва фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали механизмини яратиш моҳияти ётибди.

Тўртинчидан, Концепцияда таъкидланганидек, адлия органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини ўтказиш-

даги ролини кучайтириш учун уларга зарур бўлган тегишли ваколатларни бериш, мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини яратиш имконини беради ҳамда ушбу органлар фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бешинчидан, мазкур ҳужжатда мамлакатда Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастури ишлаб чиқиш фикри баён этилган. Ушбу дастур, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши керак. Шу боис ҳам прокуратуранинг инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги ваколатлари даставвал ана шу дастурий тавсиялар асосида такомиллаштирилиши зарур. Бунда фундаментал ҳуқуқий база сифтида Юртбошимизнинг прокуратура «...биринчи навбатда фуқаролар манфаатини, жумладан, уларни давлат тазйиқидан ҳам ҳимоя қиладиган орган бўлиши керак»⁷ лиги ҳақидаги кўрсатмаларига таяниш ва уларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Асосийси, прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функциясини давлат миқёсида ҳуқуқни муҳофаза этиш механизмнинг етакчи бўғини эканлигини эътибордан қочирмасликдадир.

Олтинчидан, Концепцияда бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ҳам таклиф этилган. Президентимизнинг таъбирича, ушбу дастурни амалга ошириш аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга **итоаткорлик туйғусининг** янада ортишини таъминлайди.

Президентимиз ўринли таъкидлаганларидек, жами-

ятни демократия йўлидан жадал ривожлантириш ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Шу боис ҳам бу вазифаларни амалга ошириш барча давлат ва жамоат ташкилотларининг устувор вазифаси бўлиши керак. Айниқса, бу борадаги фаолият прокуратура органларининг иш фаолиятида алоҳида аҳамият касб этади. Чунки прокуратуранинг асосий вазифаси охир-оқибатда кенг халқ оммаси томонидан қонунларга тўлиқ риоя қилинишига эришишдир. Шунинг учун ҳам мазкур дастур прокуратура органлари учун дустуриламал ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, қонунлар моҳиятини яхши тушунган шахслар орасида, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий тафаккури юқори бўлган инсонлар ўртасида қонунбузилиши ҳолатлари кам учрайди. Зеро, Президентимиз томонидан прокуратура органларининг асосий вазифаси, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ўз ҳуқуқларини, қонунларни яхши билишларига эришиш⁸ эканлиги бежиз белгилаб берилмаган. Қолаверса, «прокуратура ходимларининг фаолиятини баҳолаш мезонлари сифатида тегишли ҳудудда қонунийликнинг ҳолати, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш даражаси белгиланди»⁹.

Мухтасар қилиб айтганда, Концепция моҳиятидан прокуратура органлари ҳуқуқий мақомининг такомиллашуви муқаррар эканлиги, аммо бу йўналишдаги ҳар қандай ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилиши ва энг асосийси, улар бу идорани демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти моҳиятига мос органга айлантириш манфаатларига хизмат қилиши зарурлиги ҳақидаги хулосалар келиб чиқади.

Бинобарин, мамлакатимиз раҳбарининг «Жамиятни янгилашнинг инқилобий усулларига биз мутлақо қаршимиз. Биз тадрижий-эволюцион ислохотлар йўли тарафдоримиз ва бунга қатъий амал қиламиз»¹⁰, деган мулоҳазалари прокуратура органларини ислоҳ қилиш жараёнларига ҳам тўлиқ дахлдордир.



АННОТАЦИЯ

В статье исследуются особенности реформирования системы органов прокуратуры в сфере защиты прав и свобод граждан и интересов общества и государства, а также закономерности развития органов прокуратуры в контексте дальнейшего реформирования судебной власти Республики Узбекистан.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир. Т. 16. — Т.: «Ўзбекистон», 2008. — Б. 36.

² Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. — Т.: «Ўзбекистон», 2002. — Б. 45.

³ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т.: «Ўзбекистон», 2010. — Б. 23.

⁴ Қодиров Р.Х. Инсон манфаатлари йўлида // Халқ сўзи, 2007 йил 21 декабрь.

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. — Б. 45.

⁶ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. — Т.: Ўзбекистон, 2002. — Б. 48.

⁷ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. — Т.: «Ўзбекистон», 2005. — Б. 143.

⁸ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. — Т.: «Ўзбекистон», 2002. — Б. 51

⁹ Қодиров Р.Х. Адолат ва қонунийлик йўлида // Қонун ҳимоясида, 2003. — №7. — Б. 3.

¹⁰ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т. 7. — Т.: «Ўзбекистон», 1999. — Б. 379.

**Абдумухтор ҲАСАНОВ,
2-Тошкент юридик
коллежи директори, ю.ф.н.**

ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА ҲУҚУҚШУНОС КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон давлати истиқлолга эришган вақтдан бошлаб, давлат ва унинг фуқаролари ҳаёти бутун қурилаётган ҳуқуқий базани ислоҳ қилиш талабини вужудга келтирди. Бу борада кўп ишлар амалга оширилди: давлат бошқарувига, иқтисодиётга, ташқи сиёсатга, жамоа-сиёсий ҳаётга, маданиятга, аҳоли ижтимоий ҳимоясига, табиатни ҳимоя қилишга ва ҳуқуқий тартибни ҳимоя қилишга қаратилган бир мунча қонун ва фармонлар ишлаб чиқилди. Мазкур қонунчилик актлари халқаро ташкилотларнинг ва чет эл мутахассисларининг мустақил нуфузли экспертизасидан ўтди. Энг муҳими эса — 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир.

Шу билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ўстирмасдан, жамият ва давлат олдидаги ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирмасдан, жамиятни бошқарувчи қонунларни билмасдан туриб, демократик ҳуқуқий давлатни қуриш, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва озодликларига риоя этишга эришиш мумкин эмас. Шунинг учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган масала — ҳуқуқий таълим, юридик билимларни тарғибот қилиш ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг 20 йил давомидаги мустақил ривожланишида демократиялаштириш ва жамиятни янгилашнинг жараёни тўлиқ амалга оширилмоқда, янги қонунлар қабул қилинмоқда, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида демократик институтлар барпо этилмоқда.

Ҳуқуқий таълим ва тарбия тўғрисидаги масала жуда муҳимдир, чунки ҳуқуқий давлатни қуриш учун жамият ҳаётини либераллаштириш ва демократлаштиришга, таққирлашларнинг турли шакллари йўқ қилишга қаратилган янги ҳуқуқий тизимни шакллантириш керак.

Халқ фаровонлиги бир томондан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солинганлигининг даражасига, мулкчиликнинг турли шакллари тузиш ва уларнинг қонун олдидаги тенглигини тан олиш билан боғлиқ, иккинчи томондан эса — жамият аъзоларининг ҳуқуқий билими ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ. Айнан шунинг учун фуқаролар-

нинг ҳуқуқий даражасини кўтариш давлат сиёсатининг энг муҳим соҳасидан бири деб тан олинган, бу эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги "Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини яхшилаш ва юридик кадрларни тайёрлаш изчил тизимини барпо этиш, жамоа фикрини ўрганиш услубларини такомиллаштириш тўғрисидаги" Фармонида ўз аксини топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатларини таъминлаш зарурияти, жамият ҳаётини демократлаштириш учун шароитлар яратиш, ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш муносабати билан 1997 йил 29 августда жамият ҳуқуқий маданиятини юксалтириш Миллий дастурини тасдиқлади. Бу билан масаланинг муҳимлиги яна бир бор таъкидланди.

Миллий дастурнинг мақсади аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эга бўлиши, ҳуқуқини билишнинг юқори даражага етиши, кундалик ҳаётда ҳуқуқий билимлардан фойдалана олиши учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдаги доимий фаолият кўрсатадиган тизимни яратишдир.

Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий билимларни ошириш, фуқаролар ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаб етиши — умуман жамият ривожланишининг аҳамиятли шартидир. Бунда ҳуқуқий маданият даражаси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки барча даражаларда мазкур қонунларнинг бажарилиши даражасида белгиланади. Бу муҳим ишда ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини таъминлаш ва инсонларда қонунларга ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга бўлган чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этади.

Биз яшайётган XXI аср — бу ақлий қийматлар, билим ва таълимнинг юқори даражаси талаб этиладиган ва ҳукмронлик қиладиган замондир. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг аҳамиятли омили бу замонавий билимлар ва талаб этиладиган касбларга эга бўлаётган, зиммасига мамлакат келажагининг

жавобгарлигини олишга қодир янги ўсаётган ва ҳаётга қадам босаётган ёш инсонлар авлодидир.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни оширишнинг йўналишларидан бири бу изчил, узлуксиз, ўзаро боғлиқ, ҳуқуқий таълим тизимининг замонавий талаб даражасидаги юридик таълим тизимини яратишдир. Кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши бу таълимнинг барча поғоналарини ўз ичига олиши керак бўлган таълим мажмуаларини яратишдир.

Ўзбекистон ривожланишининг муҳим шarti бу кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини, халқнинг заковатли, бой мероси ва умуминсоний қийматлари, замонавий маданият, иқтисод, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида шакллантиришдир. Шу муносабат билан Ўзбекистонда касб-хунар коллежларини яратиш ва оқилона жойлаштиришда ўқувчиларни оиладан ажратмай, максимал жалб этилишига эътибор қаратилган, бунда керакли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжлар, демографик ва географик шароитлар инобатга олинган.

Юридик таълимни мукамаллаштириш таълим жараёнини ислоҳ қилишни объектив даражада — юридик кадрларни тайёрлаш жараёнида тараққий этган виситалар ва услублардан кенг фойдаланишни, таълим жараёнининг амалиёт билан алоқасини кучайтиришни талаб этади. Юрист нафақат маълум даражадаги билимлар мажмуига эга бўлиши, балки мазкур билимларни амалиётда қўллашни керак.

Таълим жараёнида муҳим диққат-эътибор инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмига, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни яратиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, иқтисодий ислохотларни таъминлаш масалаларига қаратилиши керак. Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар малакали юристларнинг, жумладан, ўрта бўғин юристларнинг ҳуқуқий тайёргарлик даражасига талабчанликни кучайтиради.

Мамлакатимизда ўрта бўғин юристларни, жумладан, ижтимоий-ҳуқуқий масалалар бўйича ҳуқуқшунослар, нафақа ва ёрдам пулини тайинлаш ва тўлаш бўйича инспекторлар, хўжалик масалалари бўйича, меҳнат ҳуқуқи бўйича инспекторлар, юристконсуль ёрдамчилари, адвокатлар ёрдамчилари, суд ижрочилари, нотариал идораларининг иш юритувчилари, фуқаролик ҳолати ёзувини қайд этиш бўйича инспекторларни тайёрлаш билан 7 та юридик коллежлар, жумладан, Тошкент шаҳрида иккита ва Наманган, Бухоро, Фарғона, Жиззах, Самарқанд шаҳарларида биттадан коллеж фаолият кўрсатади.

Юқори даражадаги умумий ва профессионал маданиятга эга бўлган кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга қаратилган ва ўз ишида Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги, "Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури тўғрисида"ги Қонунлари талабларига таянган ҳолда, мазкур коллежлар таъ-

лимнинг ушбу тури мақсад ва вазифаларини амалга оширишда керакли ташкилий, ўқув-услубий, моддий-техника ва психологик-педагогик шароитларни таъминлайди.

Ўқувчиларнинг касб-хунар коллежларида таълим олиши замонавий педагогик ва инфорацион технологиялардан фойдаланилган ҳолда олиб борилади. Технологиялар чуқур умумтаълимотга, ижодий англаб етишга, таълим материалини битта машғулотда эркин ўзлаштиришга йўналтирилган. Ўқувчиларда танқидий, мантиқий фикр юритиш, хотирани ривожлантиришга, фикрларни баён этиш кўникмаларини, ғояларни, аргументларни ёзма ва оғзаки шаклда ифодалашнинг ривожланишига кўмаклашади. Бошқа педагогик технологиялар эса кўп жиҳатдан мавзуларни ўрганишга қаратилган. Мазкур технологияларнинг моҳияти турли аспекти мавзулар билан бир вақтда тузилиб, ҳар бири турли вазиятларда кўриб чиқилади, масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзалликлари, мавқеи ва камчиликлари белгилаб берилади.

Ўқувчиларнинг ўқув жараёнида фаол иштирокини таъминлаш, тасаввур қилиш, фикрлаш ва мантиқни ривожлантириш мақсадида муаммоли таълим, иш ўйинлари ва ҳ.к. каби усуллар қўлланилади.

XXI аср — ақл-идрок асри. Шу муносабат билан ёшларнинг юксак идрокини таълимнинг барча соҳаларида кучайтиришга кўмаклашадиган интерфаол таълимотга катта аҳамият қаратилади. Замонавий босқичда ноанъанавий интерфаол таълимоти педагогик жараёнга фаол кириб бормоқда, бундан мақсад ўқитувчининг олдида пайдо бўлган муаммони ўқувчилар билан биргаликда ҳал этиш йўллариини излаб топишдир. Буларнинг барчаси ўқувчида фикр юритиш қобилиятининг ривожланишига кўмаклашади ва бир қатор тарбиявий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишга имкон беради: раҳбар сифатларини шакллантириш ва фаол ҳаётий ўрнини, ўзгалар фикрига сабр ва ҳурмат билан қарашни, гуруҳда ишлай олиш ва муросали келишувни топиш, фаолияти натижа беришида жавобгарлик ва манфаатдорлик, туйғуларидан фойдаланиш керак.

Кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг асосий таркибий қисмларидан бири ишлаб чиқаришдир, бу давлат ва жамият узлуксиз таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг очиқ ва эгилувчан ишлашини таъминлайди. Касб-хунар коллежларида кадрларни тайёрлаш таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро ҳаракати асосида амалга оширилади. Шу муносабат билан ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган ҳуқуқий билимлар амалий машғулотларга ҳамда ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётига бириктирилади.

2010 йилда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг натижалари ва 2011 йил учун энг муҳим устунликлар бўйича ўтказилган ҳукумат йиғилишидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Исллом Каримовнинг маърузасига мувофиқ коллежда

"корхона-коллеж" доимий фаолият қилувчи боғлиқ яратилди.

Бу коллежлар Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти хўжалик судлари, Ўзбекистон Республикаси адвокатлар Палатаси, суд қарорларининг ижросини амалга ошириш Тошкент шаҳар Департаменти, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги судлар фаолиятини моддий-техника ва молия таъминоти, ички ишлар бош бошқармаси, Тошкент, Бухоро, Фарғона, Наманган, Жиззах, Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги бюджетдан ташқари нафақа жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда ҳокимликлар ўртасида ўқувчилар амалиётини дарсдан ташқари вақтда ўтиши тўғрисида шартномалар тузилишини ва уларни муассаса ташкилотларида ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишни англатади.

Амалга оширилган чоралар бугуннинг ўзида ҳар бир коллеж битирувчисининг иш жойини белгилаш имконини беради. Ўрта бўғин мутахассисларни "Юриспруденция" йўналиши бўйича тайёрлаш сифатининг аҳамиятли шартларидан бири бу коллеж ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини тўғри ташкиллаштириш ва ўтказиш ҳамда коллежда "корхона-коллеж" доимий фаолият қилувчи тизимдир.

2011 йилда ва яқин келажакда мамлакатимиз ривожланишининг энг муҳим устунлиги ва шартли аҳолини иш билан таъминлаш ва иш жойларини яратиш борасидаги муаммони ҳал қилишдир.

Қўлланилаётган чоралар туфайли мамлакатда 2009 йилда 940 мингдан ортиқ иш жойлари яратилди, улардан 500 мингга яқини қишлоқ ҳудудларида яратилди. 390дан ортиқ иш жойлари кичик бизнес соҳасида яратилди, қолган 270 минги — маънавий хизмат соҳасида. Ҳанузгача аҳолини иш билан таъминлашдаги муҳим йўналиш бу ишлаб чиқариш корхоналари билан бирлашиб, уйда иш билан таъминлаш ва пудрат шартномаси асосида уйда ишни бажариш раббатлантирувчи омил бўлиб қоляпти, бунинг ҳисобига 130 мингга яқин иш жойлари яратилди.

2011 йилда мамлакатимизда 950 мингга яқин янги иш жойлари яратилди. Улардан 604 мингдан ортиқ жойлар ёки янги туширилган иш жойларнинг 65 фоизи кичик бизнес ва фермерлик соҳаси бўйи-

ча яратилди. 210 мингдан ортиқ одамлар асосан кўп болали аёллар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий заиф қатлами таркибидаги одамлар уй ишининг турли шаклларида жалб қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган Давлат дастурида 2010 йил соҳалар кесимида иш билан таъминлаш, янги иш жойларини яратиш ва уларни мамлакатнинг барча ҳудудларида амалга ошириш борасида тизимли назоратни йўлга қўйиш чоралари ўзининг аксини топди. Дастурда назарда тутилган чоралар мажмуини бажариш учун 2010 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобига 8 триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

2011 йилда қабул қилинган ва мамлакат парламенти томонидан маъқулланган республика Дастурига мувофиқ 950 мингдан ортиқ янги иш жойларини яратиш асосан қишлоқ ҳудудларида назарда тутилмоқда. Улардан 600 мингдан ортигини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида очиш кўзда тутилмоқда. 73 мингдан ортиқ иш жойлари транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тезкор ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш натижасида яратилади. Бандликни таъминлашнинг муҳим йўналиши уй ишини ривожлантириш, аввало, корхоналар билан бирлашган ҳолда меҳнат шартномалари асосида иш билан таъминлаш ҳамда оилавий тадбиркорлик, 220 мингга яқин одамларнинг ишга жойлашишига ёрдам беради. Шуни айтиш лозимки, миллий аъёналарга ва хўжалик фаолиятининг объектив реаллигига асосланган оилавий бизнес тадбиркорлигининг шаклланиб бориши бизнинг мамлакатимизга тўлиқ мос келади.

"Авлоднинг уйғун ривожланган йили" Давлат дастурининг муҳим йўналишларидан бири касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг олган замонавий билим ва кўникмалари асосида уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этишдир. Бу йўналишдаги муҳим қадам бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим муассасаси битирувчиларини тадбиркорлик соҳасига жалб этиш бўйича қўшимча чоралар тўғрисидаги" Фаромонининг қабул қилинишидир.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи доимий равишда ҳукумат диққат-марказидан жой олган.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена процессу подготовки юридических кадров в системе средне-специального образования. В ней освещается нынешняя ситуация в сфере подготовки юридических кадров. Кроме того, осуществляется обзор основных требований к процессу подготовки юридических кадров, а также, требования предъявляемые к молодым специалистам. В заключении автор обосновывает высокую степень и эффективности государственной политики по подготовке юридических кадров в системе средне-специального образования.

Музаффар ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси
Махсус фанлар цикли бошлиғи в.б., майор, ю.ф.н.

МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИ НЕГИЗИДА ИЧКИ ИШЛАР ИДОРЛАРИНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ: ТАҲЛИЛ, ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР

Ўзбекистон ўз мустақиллиги ва суверенитетини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб жамиятимизда барқарорликни таъминлаш, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини асраш ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди. Ана шундай юксак мақсад-муддаоларга эришиш учун истиқлол йилларида юртимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғини бўлган ички ишлар идоралари тизимини чуқур ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли, мазмун-моҳиятига кўра улкан ишлар амалга оширилди¹. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг роли ва мавқеини кўтариш, кенг жамоатчилик ва аҳоли билан бўлган алоқасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар бир маҳалла ва бошқа аҳоли турар жойларида милиция таянч пунктларининг фаолияти йўлга қўйилди.

Республикада амалга оширилган кенг кўламли ишлар самараси ўлароқ, бугунги кунда мамлакатимизнинг 10180 та маҳалласига хизмат кўрсатиб келаётган 3551 та милиция таянч пунктларининг негизида ички ишлар идоралари ходимлари, хусусан, профилактика инспекторларининг маҳалла фуқаролар йиғинлари ва уларнинг ҳузуридаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, яраштириш комиссиялари, маҳалла посбонлари, ёшлар билан ишлаш комиссиялари каби жамоат тузилмалари билан ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Ўзаро ҳамкорликни янада самарали ташкил этиш учун милиция таянч пунктларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан битта бинода жойлаштиришга эътибор берилмоқда. Жумладан, 2002 йилда мавжуд жами милиция таянч пунктларининг 56,8 фоизи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан битта бинода жойлашган бўлса, 2010 йилнинг охирига келиб бу кўрсаткич 82,6 фоизга ошганлигини қузатиш мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Қонунбузарликнинг олдини олиш, тартиббузарликка қарши курашни кучай-

тириш, ҳозирги иқтисодий ислохотларни амалга ошириш даврида қонун устуворлигини таъминлаш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининггина эмас, балки ҳар бир маҳалланинг, жамоатчиликнинг ҳам муҳим вазифасига айланиши керак²», деган сўзларининг моҳиятини англаб етиб, милиция таянч пунктлари негизида ички ишлар идоралари ходимлари, хусусан, профилактика инспекторларининг жамоатчилик билан кенг кўламли ҳамкорлигининг йўлга қўйилиши натижасида аҳоли турар жойларида жиноятлар содир этилишининг олдини олиш борасидаги кўрсаткичлар йилдан-йилга яхшиланишига эришилмоқда. Жумладан, 2002 йилда мамлакатимиздаги мавжуд маҳаллаларнинг 11,6 фоизда, 2003 йилда 18,6 фоизда, 2004 йилда 20,1 фоизда, 2005 йилда 23,9 фоизда, 2006 йилда 26,1 фоизда, 2007 йилда 26,7 фоизда, 2008 йилда 26,6 фоизда, 2009 йилда 27,1 фоизда ва 2010 йилда 22,1 фоизда умуман жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Бундан ташқари, милиция таянч пунктлари негизида ички ишлар идоралари ходимлари, хусусан, профилактика инспекторларининг маҳаллалардаги ҳар бир жамоат тузилмаси билан ўзаро ҳамкорлиги жамиятнинг муайян соҳасида ўзининг самарасини бермоқда. Чунончи, бугунги кунда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари профилактика инспекторлари ва ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари ходимларига маъмурий ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш; мулкни кўриқлаш; ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш; содир этилган жиноятларни очиш; ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш; паспорт тизими, санитария, экология қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш; болалар қаровсизлиги ва назоратсизлигининг олдини олиш; вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш; аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда ички ишлар идораларига яқиндан ёрдам кўрсатиб келишмоқда.

Жиноятчилик устидан ижтимоий-ҳуқуқий назоратни таъминлаш амалиёти натижалари ҳақидаги статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, 2010 йилга келиб маҳалла посбонлари ёрдамида очилган жиноятлар 2001 йилга нисбатан 132,8 фоизга, бевосита улар томонидан очилган жиноятлар 14,5 фоизга ўсган. Қолаверса, маҳалла посбонлари томонидан 2001-2003 йилларга қараганда 2004-2008 йилларда бир баравар кўпроқ ҳуқуқбузарликлар аниқланган бўлса, маҳалла посбонлари томонидан аниқланган жами ҳуқуқбузарликлар сони 2008 йилга нисбатан 2009 йилда 20 фоизга, 2010 йилда 28,4 фоизга ошган.

Шунга қарамай, маҳалла посбонларининг фаоллигини янада ошириш, улар томонидан амалга оширилаётган ишларни муносиб баҳолаш мақсадида фуқаролар тинчлигини сақлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда бошқаларга ибрат бўлиб келаётган маҳалла посбонлари рағбатлантирилиб келинмоқда. Ўтган йиллар ичида бир қанча энг намунали маҳалла посбонларига ички ишлар идораларида хизмат қилишга йўлланма берилиб, мингдан ортиғи ишга қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан мамлакатимизда фаолияти йўлга қўйилган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳам милиция таянч пунктлари негизда ички ишлар идоралари ходимлари, жумладан, профилактика инспекторлари билан самарали ҳамкорлик қилиб, хизмат ҳудудида диний маърифат ва ахлоқий тарбияни тарғиб этиш, аҳолининг, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшларнинг бу борадаги билимларини ошириш; вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш ишларини амалга ошириш; аёллар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, хизмат ҳудудида уларнинг келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш чораларини кўриш; хизмат ҳудудида аҳолининг диний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, диний экстремизм ҳамда ақидапарастликнинг сабаблари ва уларни келтириб чиқарувчи шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини амалга оширишда ички ишлар идоралари ходимларига яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқдалар.

Ҳамкорликда бажарилган чора-тадбирлар натижасида ўтган (2006-2010) йиллар мобайнида ўрганилган диний-экстремистик оқимга мансуб шахслар оилаларининг ўртача 17,2 фоизига иж-

тимоий-моддий масалаларда ёрдам кўрсатилди. Кўрсатилган маънавий-ахлоқий тарбия таъсир чоралари натижасида 2007 йилда 2006 йилга нисбатан 13,4 фоиз, 2008 йилда 14,1 фоиз, 2009 йилда 53,7 фоиз, 2010 йилда 29,4 фоиз кўпроқ шахс ўз радикал қарашларидан воз кечиб, ижобий ҳаёт тарзига ўтган.

Бугунги кунда республикамиздаги мавжуд барча фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида фаолият юритаётган яраштирув комиссиялари милиция таянч пунктлари негизда профилактика инспекторлари ва ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари ходимлари билан ҳамкорликда ҳудудда маиший турмуш соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, жиноятларни аниқлаш, уларнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш ва муҳокама қилиш, шунингдек, ушбу соҳада жиноят содир этилиши мумкин бўлган, тез-тез жанжал бўлиб турадиган низоли оилаларни аниқлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш, тарафларни яраштириш ва бошқа тарбиявий-профилактик ишларни амалга ошириш; маҳаллалар, кўчалар ва бошқа жамоат жойларида спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилиш ҳолларининг олдини олиш, инсон қадр-қимматини таҳқирлаб кўчаларда маст ҳолда юрвчи шахсларга жамоатчилик таъсирини ўтказиш мақсадида уларни оила аъзолари, маҳалла фаоллари иштирокида муҳокама қилиш чораларини кўриш; муқаддам судланганлар, оила ва турмушда мунтазам равишда ҳуқуқбузарлик содир этувчилар, миллий кадриятларимизга зид ҳолда ахлоқ-одоб доирасида ножўя хатти-ҳаракатларга йўл қўётганлар, айниқса, аёллар билан профилактик ишларни олиб бориш; жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг оилаларига ўз вақтида қайтишини назорат қилиш, уларга яқин қариндошлари билан тез фурсатда муносабатларини қайта тиклаш ва жамиятда ўз ўрнини топишда ёрдам кўрсатиш борасида самарали иш олиб бормоқдалар.

Айтиш жоизки, ҳамкорликдаги ишлар натижасида ўтган йиллар мобайнида оила-турмуш соҳасидаги минглаб можароли масалалар кўриб чиқилиб, муҳокама натижасида улардаги нотинчликка барҳам берилган. Ҳамкорлик самараси ўлароқ, 2007 йилда 2006 йилга нисбатан оила-турмуш доирасидаги можароли масалаларни кўриб чиқиш 12,4 фоиз кўпроқ амалга оширилган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 35,9 фоизни, 2009 йилда 29,9 фоизни ва 2010 йилда 43,2 фоизни ташкил қилган. Бунинг натижасида оилаларда нотинчликка барҳам бериш 2007 йилда 2006 йилга нисбатан 6,1 фоизга, 2008 йилда 14,7 фоизга, 2009 йилда 57,5 фоизга ва 2010 йилда 69,3 фоизга ошиб боришига эришилган. Шунингдек, ажралиб кетишининг олди олин-

ган оилалар сони 2006 йилга нисбатан 2007 йилда 19,1 фоизга, 2008 йилда 26,6 фоизга, 2009 йилда 47,1 фоизга ва 2010 йилда 47,4 фоизга ошишига эришилган.

Бугунги кунда республикамиздаги милиция таянч пунктларининг 84,7 фоизда спорт майдончалари, 70,4 фоизда турли факультатив тўғараклар, 68,4 фоизда эса кичик бизнес шахобчалари ташкил этилгани улар негизда вояга етмаганлар жиноятларининг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ички ишлар идораларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини самарали ташкил этиш имконини бермоқда.

Бугунги кунда милиция таянч пунктлари негизда ички ишлар идораларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини самарали ташкил этишнинг афзалликлари қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

биринчидан, милиция таянч пунктлари негизда ички ишлар идораларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини ташкил этиш ички ишлар идораларини имкон қадар аҳолига яқинлаштириш, юзага келган муаммони шу ернинг ўзида зудлик билан биргаликда бартараф этиш имконини беради;

иккинчидан, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шу жумладан, уларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш, жиноятчиликка қарши кураш учун нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, қолаверса кенг жамоатчиликнинг масъуллигини оширишга, ҳар қандай қонунбузарликка қарши аҳолининг ички қаршилигини шакллантиришга хизмат қилади;

учинчидан, демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий белгиларидан бири — ички ишлар идоралари ходимларининг устидан жамоатчилик назоратини таъминлайди. Бинобарин, Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, фуқаролик жамияти институтларининг обрўси ошиб, мустақамланиб боргани сари уларнинг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли жамиятимизда тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда³.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда ички ишлар органларининг жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини ташкил этишда милиция таянч пунктларининг имкониятларидан барча жойларида тўлиқ фойдаланилаёпти деб бўлмайди, қолаверса, айрим ҳудудларда мазкур ҳамкорликни самарали ташкил этишга тўсқинлик қилаётган муаммолар учрамоқда.

Бизнингча, мазкур муаммоларни мазмуни ва

хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда шартли равишда учга ажратиш мумкин:

а) ҳамкорликни ҳуқуқий таъминлаш соҳасидаги муаммолар;

б) ҳамкорликни бошқариш ва мувофиқлаштириш билан боғлиқ муаммолар;

в) ҳамкорликда иштирок этувчи субъектлар касбий тайёргарлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар.

Ҳамкорликни ҳуқуқий таъминлаш соҳасидаги муаммолар. Ички ишлар идораларининг энг қуйи бўғини бўлган милиция таянч пунктларининг фаолиятини, уларнинг негизда ҳамкорликни ташкил этиш масалалари долзарблиги боис мукамал қонунларга эҳтиёжли соҳадир. Бирок, бугунги кунда ички ишлар идораларининг милиция таянч пунктлари негизда жамоатчилик билан ҳамкорлиги қонунлар эмас, балки қонун ости, аниқроқ қилиб айтганда эса, ИИВнинг идоравий норматив ҳужжатлари билан ташкил этилиб, тартибга солинмоқда. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатлари, хусусан, 1991 йил 15 февралдаги Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва бошқаларда эса сўз бораётган ҳамкорлик масалаларини ҳуқуқий тартибга солувчи нормалар мавжуд эмас.

Бу эса ички ишлар идораларининг милиция таянч пунктлари негизда жамоатчилик билан ҳамкорлигини самарали ташкил этишга тўсқинлик қилиб, бир қатор муаммолар ва зиддиятларни келтириб чиқармоқда. Бунини: *биринчидан*, идоравий норматив ҳужжатларнинг маълум бир идора, жамоат тузилмалари ва ташкилотлар томонидан ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда ишлаб чиқилиши ҳамда ички субъектларга тааллуқли бўлиб, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган бошқа хизмат ходимлари ва жамоат тузилмаларининг аъзоларига мажбурият юкловчи ёки ваколат берувчи характерга эга бўлмаслигида, *иккинчидан*, бугунги кунда ишлаб чиқилаётган ҳамда татбиқ этилаётган идоравий норматив ҳужжатлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш ёки уни бузишга шароит яратиб берувчи нормаларга ҳам эгалигида⁴ кўриш мумкин.

Шундай экан, фуқароларнинг жамиятда ҳуқуқ тартиботни таъминлашдаги иштирокини ҳуқуқий тартибга солиш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири эканлигини инобатга олиб, милиция таянч пунктлари негизда ички ишлар идораларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини самарали ташкил этиш, бу борадаги муаммоларни бартараф қилиш учун Ўзбекистон Республикаси-

нинг «Фуқароларнинг ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги иштироки тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур қонунда: *биринчидан*, жамоатчиликнинг ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш чоралари; *иккинчидан*, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда иштирок этувчи фуқароларга ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлар; *учинчидан*, жамоат тузилмалари аъзоларининг ҳуқуқий ҳолати; *тўртинчидан*, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш тартиби; *бешинчидан*, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда жамоат тузилмаларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлигининг механизмини белгилаб бериш лозим.

Ҳамкорликни бошқариш ва мувофиқлаштириш билан боғлиқ муаммолар. Ички ишлар органларининг жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигининг самарадорлиги уни бошқариш ва мувофиқлаштиришга бевосита боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2002 йил 22 мартдаги буйруғи билан тасдиқланган «Милиция таянч пунктида ички ишлар идоралари ходимлари ва жамоат тузилмалари вакиллариининг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкиллаштириш бўйича» услубий қўлланмада профилактика катта инспектори ҳудудга бириктирилган профилактика инспекторлари, йўл патруль хизмати, патруль-пост нарядлари ва ички ишлар идораларининг бошқа хизмат ходимлари, шунингдек, маҳалла посбонлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ҳамкорликдаги ишини ташкил қилади, деб кўрсатилган. Лекин, профилактика катта инспекторининг ушбу ҳамкорликни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича ваколатлари ушбу услубий қўлланмада ва бошқа бирор-бир норматив ҳужжатда аниқ белгилаб берилмаган.

Бундан ташқари, ички ишлар органларининг милиция таянч пунктлари негизда ҳамкорликни ташкил этишда бу борада масъул ҳисобланган профилактика катта инспектори, ички ишлар органларининг бошқа хизмат раҳбарлари, жамоат тузилмалари масъул ходимларининг ўз вазифаларига расмиётчилик асосида юзаки қарашлари, ҳамкорликда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларда фаол иштирок этмасликлари ёки эгаллаб турган жамоатчилик лавозимларидан факатгина ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилиш ҳолатлари ҳам кўпга учрамоқда.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим ички ишлар органларида жамоат тузилмалари билан ҳамкорликни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш масалаларига эътиборсизлик билан қаралмоқда. Айрим ҳолларда ҳамкорлик бўйи-

ча амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотлар чуқур таҳлил қилинмайди, бу соҳадаги муаммолар етарли даражада муҳокама қилинмайди, қарорлар эса, юзаки, ҳисобот учунгина тайёрланади. Ушбу муаммо бўйича сўровга жалб қилинган ички ишлар органлари ходимларининг факатгина 30 фоизи жамоат бирлашмалари билан мунтазам алоқада эркинликларини, 50 фоиздан ортиғи эса, амалда умуман ҳамкорлик қилмасликларини билдиришган⁵. Қолаверса, ўтказилган социологик сўровларда «Жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлашда аҳолининг ички ишлар идоралари билан ўзаро ҳамкорлигини қай даражада деб ҳисоблайсиз?», деган саволга сўровда иштирок этган фуқароларнинг 48,6 фоизи «ўртача», 40 фоизи «паст даражада» ва 5,7 фоизи «бу сезилмаяпти» дея жавоб беришгани⁶ ички ишлар идораларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигидан фуқароларнинг ҳам кўнгли тўлмаётганлигидан далолат беради.

Фикримизча, кўрсатилган муаммони ижобий ҳал қилиш учун милиция таянч пунктлари негизда ички ишлар идораларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигига масъул бўлган профилактика катта инспекторининг хизмат мавқеини ошириш лозим. Бунинг учун эса, *авваламбор*, «профилактика» атамаси бевосита олдини олиш (жиноятлар, ҳуқуқбузарликларнинг) маъносини беришини, профилактика катта инспектори эса, бевосита МТПларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, бошқариш билан шуғулланишини инобатга олиб, «профилактика катта инспектори» атамасини «милиция таянч пунктининг бошлиғи»га ўзгартириш; *иккинчидан*, «милиция таянч пунктининг бошлиғи»нинг милиция таянч пунктлари негиздаги кенг қўламли ҳамкорликни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича ҳуқуқ ва ваколатларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб бериш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, ўтказилган социологик сўровларда иштирок этган амалиёт ходимларининг 64,0 фоизи ҳам фикримизга қўшилишган.

Ҳамкорликда иштирок этувчи субъектлар касбий тайёргарлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар. Ички ишлар органларининг жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини самарали ташкил этиш биринчи навбатда ушбу жараён иштирокчиларининг, айниқса, ҳамкорлик учун масъул ходимларнинг касбий тайёргарлигига боғлиқдир.

Таянч пунктлари негизда ички ишлар органларининг жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини ташкил этиш учун бевосита масъул бўлган профилактика инспекторларининг айримларида раҳбарлик, ташкилотчилик, юксак профессионализм, ташаббускорлик, киришимлилиқ каби касбий хислатлар етарли даражада эмас. Бугунги кунда таянч пунктларида фаолият олиб бораётган профилактика инспекторларининг 82,3 фои-

зи олий маълумотли бўлса-да, уларнинг 21,3 фоизигина юридик маълумотга эга. Бунинг устига амалиётда профилактика инспектори лавозими-га бошқа хизматларда интизом бузганлиги, вази-фасини бажара олмаганлиги, касбий нолайқли-ги туфайли лавозимидан бўшатишган шахслар тайинланаётганлиги натижасида ушбу тизимда кадрлар қўнимсизлигининг юзга келаётганлиги ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, ички ишлар органлари би-лан ҳамкорликда фаолият олиб бориши керак бўлган жамоат тузилмалари ходимларининг бун-дай жараёнда иштирок этишга касбий, айниқса, ҳуқуқий жиҳатдан тайёр эмаслиги, айримларининг билим ва тажрибаси камлиги уларнинг ҳамкор-ликда фаол иш олиб боришларига тўсқинлик қил-моқда. Бугунги кунда диний маърифат ва маъна-вий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича масла-ҳатчиларининг 44,8 фоизи олий, 40,3 фоизи ди-ний маълумотга, уларнинг 1,48 фоизигина мах-сус диний билимга эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ички ишлар органлари билан ҳамкорликда фао-лият олиб борувчи жамоат тузилмаларининг аъзо-ларини, айниқса, ҳамкорлик учун масъул бўлган ходимларини ҳуқуқий жиҳатдан тайёрлаш, улар-

да жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш бўйича ҳамкорликда фаолиятини олиб бориш учун за-рур бўлган кўникмаларни шакллантириш бора-сида махсус машғулотларнинг ташкил этилмаган-лиги ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бугун-ги кунда милиция ички ишлар идораларининг ми-лиция таянч пунктлари негизда жамоатчилик билан ҳамкорлигини ташкил этиш соҳасида ютуқ-лар билан бирга бир қатор муаммолар ҳам мав-жуд. Мазкур муаммоларни бартараф қилиш ҳамда ички ишлар идораларини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ишончли гаровига айлантириш учун Президентимиз Ис-лом Каримов таъкидлаганларидек, мамлакатимиз-да жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш-га қаратилган ички ишлар идоралари фаолияти-ни янада такомиллаштириш бўйича бошланган тизимли ишларни изчил давом эттириш ва чуқур-лаштириш лозим. Ушбу жараёнда эса, Ватан ке-лажаги учун ўзини масъул ҳисоблаган ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, айниқса ёшлар ушбу ис-лоҳотларнинг бевосита иштирокчиси бўлишга ҳаракат қилмоғи, бу йўлда бор куч ва билимини сарфламоғи лозим.



АННОТАЦИЯ

В статье анализируется деятельность опорных пунктов органов внутренних дел, пути улучшения эффективности сотрудничества с институтами гражданского общества, а также, нормативно-правовая база, регулирующая деятельность данных подразделений органов внутренних дел. Также, в статье приводятся статистические данные и конкретные примеры правоприменительной практики на местах.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги / Постада. — 2007. — 25 окт.

² Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т. 5. — Т.: Ўзбекистон, 1997. — Б. 205–206.

³ Қаранг: Каримов И.А. «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлан-тириш концепцияси» // Халқ сўзи. — 2010. — 13 нояб.

⁴ Мухторов Ж. С. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш муаммолари // Ўзбекистон Республика-сида қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари. Респ. илмий-амалий конф. матер.. — Т.: Ўзбекистон Республи-каси ИИВ Академияси, 2005. — Б. 324-326.

⁵ Қаранг: Пўлатов Ю. С. Фуқароларнинг милиция ва унинг фаолияти муаммоларига оид фикрларини ўрганиш // Ҳуқуқ-Право-Лав. 2003. № 2. — Б. 24.

⁶ Махарамов Р. А. Предупреждение преступности в России и Узбекистане: Учебное пособие. — М.: Былина, 2003. — С. 92.

Матлуба АМИНЖАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари кафедра бошлиғи, ю.ф.н.

СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

Бозор муносабатлари авж олиб бораётган шароитда инсон манфаатларини бозор стихиясининг салбий таъсиридан самарали муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг кўрилиши биз барпо қилаётган янги жамиятнинг инсон ва унинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари энг олий қадрият деган юксак инсонпарвар тамойилга мос келади. Бозор муносабатлари тақомилига етган илғор мамлакатларда бундай воситалар ишлаб чиқилган ва кенг жорий қилинган бўлиб, бизнинг бугунги вазифамиз ушбу ривожланган мамлакатлар қонунчилиги тажрибасини танқидий ўрганиш асосида миллий хусусиятларимиз ҳамда таркиб топган тарихий шарт-шароитимизни ҳисобга олган ҳолда улардан фойдаланишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек: “Дунёда кўпгина тараққий топган, бугунги кунда барқарор ва бадавлат яшаб келаётган давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, аввало ўзининг хусусий мулкига эга бўлган шахс ва бундай шахслардан иборат бўлган тоифа, бу бойликни янада кўпайтиришга, ўзини ва оиласини боқишга, шу билан бирга, давлат ва жамият зиммасида бўлган кўпгина вазифаларни амалга оширишда ўз ҳиссасини кўшади. Ва энг муҳими, ўз юртида тинчлик ва осойишталикни сақлаш ва ҳимоялашда астойдил жон куйдиради”¹.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг соғлиги, ҳаёти ва мол-мулкига етказилган зарарларни қоплашга доир қонунчилик тизими фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқларини ҳимоялашга тўла хизмат қилиб келмоқда. Айниқса, Республикамизда суғурта хизмати кўрсатиш фаолияти босқичма-босқич тақомиллашиб бориши жараёнида фуқароларнинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида айрим жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз фаолиятларини амалга ошириш жараёнида етказган зарари учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлигини мажбурий суғурталаш муҳим аҳамиятга эгадир. Суғурта қонунчилигида бундай мажбурий суғурталашни жорий этиш ўзининг фаолияти жараёнида учинчи шахсларга етказилган зарарни ўз вақтида қоплашни таъминлашдан иборатдир. Суғуртанинг бундай тури жиноят натижасида

етказилган зарарларни қоплашда ҳам ўзининг афзаллик томонларини кўрсатади. Чунки, фуқаролик жавобгарлиги суғурталанган шахс томонидан зарар етказилганда суғурта шартномасида зарар келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолат суғурта ҳодисаси деб белгиланганда зарар миқдорини қоплаш суғурта идоралари томонидан амалга оширилади. Бу эса жавобгарнинг етказилган зарарни қоплаш бўйича етарли маблағи бўлмаганда зарарни қоплаш бўйича келиб чиқадиган муаммоларини олдини олади. Суғурта ва суғурта муносабатлари бозор инфратузилмасининг энг муҳим таркибий унсурларидан бири бўлиб, бозор шароитида таваккалчиликка асосланган тадбиркорликнинг ишончли юритилишида ва унинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Суғурталаш фаолияти ёзма равишдаги шартномага асосланган бўлиб, бу шартнома суғурта тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ифодаловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Ҳ.Раҳмонқулов таъкидлаганидек, шартнома нафақат томонлар ўртасидаги мулкий муносабатларни тартибга солади, балки хизматлар бозоридаги реал эҳтиёжларни аниқлашда ҳам муҳим воситадир. Зеро, шартнома нафақат юридик факт, балки тартибга солишга қаратилган юридик ҳужжат ҳам бўлиб ҳисобланади.¹ Суғурталаш фаолиятининг самарадорлиги ҳам суғурта шартномаси мажбуриятларининг ҳар томонлама тўлиқ ва сифатли бажарилишига боғлиқдир.

Мажбурият субъектлари муайян ҳуқуқларга эга бўлган ва зиммасига мажбурият олган шахслардир. Ҳар бир мажбуриятда, албатта, икки тараф иштирок этади. Муайян бир ҳаракатнинг қилинишини ёки муайян ҳаракатни қилишдан сақланишни талаб этишга ҳақли бўлган тараф — кредитор деб аталади. Муайян ҳаракатни қилишга ёки ҳаракат қилишдан сақланишга мажбур.² Суғурта шартномасида ҳам бир тараф суғурталовчи ташкилот бўлса, иккинчи томон фуқаро ёки юридик шахс бўлиши мумкин. Албатта, бундай шартномаларда бир тараф фуқаро бўлган ҳолларда низо келиб чиқадиган бўлса, бу турдаги низолар фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларга тегишли бўлади. Бу турдаги низолар асосан

тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажармаганликларидан, яъни суғурта шартномаси мажбуриятларининг бузилишидан келиб чиқади.

Суғурта шартномаси мажбуриятларини бузилишининг олдини олиш ҳамда бартараф этишнинг асосий йўлларида, яъни воситаларидан бири ҳуқуқий жавобгарлик нормаларини қўллаш, шунингдек, бу хилдаги ҳуқуқбузарликлар учун жазо чораларидан фойдаланишдир.

«Жавобгарлик, — деб ёзади таниқли назарийчи олим С.Братусь, — шартномага обрў кучини беради, унда кўрсатилган санкцияларни қўллаш хавфи билан шартнома томонларини керакли ҳаракатларни қилишга мажбурлайди».³

Ҳ.Раҳмонқулов бу фикрни такомиллаштириб таъкидлаган ҳолда, «шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари ташкилот, корхоналар мулкий манфаатлари ҳимоясини таъминлайди, бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун имконият яратади, бу ҳуқуқни бузганларга қонуний талаблар билдириш имкониятини беради»¹ — деган фикрни билдиради.

Ф.Шодмонов эса юқоридаги муаллифларнинг фикрига тўла қўшилган ҳолда, «ҳуқуқий жавобгарлик чораларини аниқ ва тўғри қўллаш шартнома муносабатлари иштирокчиларининг қонун нормалари ҳамда шартнома шартларининг мажбурий бажарилишини таъмин этишга, у ёки бу томоннинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга имкон беради»² — деган хулосага келади.

Биз ҳам юқоридаги муаллифларнинг фикрига тўла қўшилган ҳолда суғурта шартномаларида шартномаларини бажармаганлик учун жавобгарликнинг белгиланиши шартнома субъектларининг шартнома бўйича олган мажбуриятларини ўз вақтида сифатли қилиб бажаришларига ундовчи асосий восита деб ҳисоблаш мумкин.

Маълумки, суғурта шартномаларига биноан томонлар ўзларига бир қатор мажбуриятларни оладилар. Булар суғурта тўловларини ўз вақтида тўлаш, суғурта полисини беришни кечиктирмаслик, суғурта бадалларини ўз вақтида тўлаш, суғурта объектини асраш, суғурта ҳодисаси рўй берганда вақтида хабар бериш ва суғурта билан боғлиқ бошқа шартлар бўлиши мумкин. Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган ушбу талаб ва шартларга риоя қилмаслик, уларни қўпол равишда бузиш ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун тўла асос бўлиб ҳисобланади.

Демак, суғурта шартномалари муносабатларига оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик фақат қонун нормаларига риоя қилмасликдангина келиб чиқмасдан, балки шартнома қоидаларига итоат этмаслик, уларни бузиш орқали ҳам вужудга келар экан. «Янги ҳўжалик юритиш шароитида, — деб ёзади Ҳ.Раҳмонқулов, — жавобгарликни шартномада белгиланган санкция юритиш шароитида (жавобгарликни шартномада белгиланган санкция таъсирида) шартнома томонлари мажбуриятларини бажаришга ўзаро мажбур этадиган ҳолат сифатида қараш керак. Демак мажбуриятни бузганлик учун жавобгарликни юклаш

орқали нафақат қонунда ўрнатилган балки шартномадаги санкциялар ҳам амалда бўлади».³

Юқоридагиларга кўра, суғурта шартномаларини бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб, биринчидан, шартномага оид ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши, иккинчидан, шу хилдаги ҳуқуқбузарликлар учун қонунда белгиланган чоралари бўлиши ҳисобланади.

Тарафлардан бирортаси мажбуриятни бузмагунча у ўз мазмунига кўра аниқ бажарилиб борилиши лозим. Бунда реал бажарилиш тегишлича бажарилишини англатади. Реал бажарилиш тамойили бу босқичда икки тарафлама мажбурийдир: нафақат қарздор бу мажбуриятни тегишлича бажариши лозим, балки кредитор ҳам қарздор бажараётган мажбуриятни қабул қилишдан бош тортишга ҳақли эмас. Мажбуриятдан бир тарафлама бош тортиш ва унинг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди (ФК 237-моддаси).

Бирок, қарздор ўз мажбуриятларидан бирортасини бузиши биланоқ вазият кескин ўзгаради. Мажбурият бузилдими — демак, унинг тўлақонли бажарилишига имкон йўқ. Энди аввалги муддатларга тўла риоя қилишнинг иложи ҳам йўқ. Лекин мажбуриятнинг асосий мақсадини ташкил этувчи ҳаракатларни амалга ошириш имконияти ҳали сақланиб қолади. Қарздор неустойка тўлаганлиги ёки ўзи мажбуриятни бузганлиги туфайли етказган зарарни тўлаган бўлса ҳам, кредитор ундан шу ҳаракатларни бажаришни талаб қилишга ҳақли. Бундан келиб чиқадики, реал бажарилиш тамойили аввало асл ҳолда, фақат асл ҳолда эмас, балки лозим даражада бажарилиш шартларига риоя этган ҳолда бажарилишда акс этади.¹

Суғурта шартномаларини бузганлик учун энг асосий жавобгарлик турларидан бири фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик бўлиб, у шартнома иштирокчиларига мулкий зарар етиши натижасида келиб чиқади.

Суғурта шартномаларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик жазо чоралари сифатида зарарни тўлаш ва неустойка қўлланилиши билан ифодланади.

Маълумки, фуқаролик қонунчилиги бўйича жавобгарлик тўғридан-тўғри етказилган зарар учун ҳам, шунингдек, зарар оқибатида олиниши мумкин бўлган, лекин олинмай қолган даромад учун ҳам келиб чиқади. Демак, суғурта шартномаларини бузиш оқибатида келиб чиқадиган зарарни икки гуруҳга бўлишимиз мумкин:

1) Томонларга мулкий зарар етказилиши, суғурта шартномасининг лозим даражада тузилмаганлиги сабабли суғурта шартномасида белгиланган суғурта товонини ололмаслик натижасида суғурталанувчига мулкий зарар етказилиши. Лекин бу зарар айнан суғурталанувчининг ўз айби билан етказилган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, суғурталанаётган мол-мулкнинг ўғирланганлигини яширган ҳолда суғурта шартномаси тузиши натижасида белгиланган суғурта товонини тўлашни рад этиш натижасида мулкий зарар кўриши.

2) Кўзда тутилган даромаднинг олинмай қолишидан келиб чиқадиган зарар (шартнома шартлари бажарилмаганлиги сабабли олинмай қолинган).

Мулкий жавобгарликнинг шакллари сифатида зарарни ундириш ва неустойкага хос хусусиятларни Ҳ.Раҳмонқулов қуйидагича характерлайди: биринчидан, гарчи зарарни ундириш қонунда жавобгарлик чораси сифатида кўрсатилсада, уларнинг миқдори қоидага кўра етказилган зарарнинг миқдорига боғлаб ҳисобланади ва улар исботланиши керак. Зарарни ундириш шартномада олдиндан назарда тутилган бўлса-да, унинг суммаси мажбурият бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарнинг миқдорига боғлаб ҳисобланади ва улар исботланиши керак. Зарарни ундириш олдиндан назарда тутилган бўлса-да, унинг суммаси мажбурият бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарнинг миқдори билан белгиланади.

У ёки бу ҳуқуқбузарлик тури учун неустойка (пеня ва жарима) қўллаш ва унинг миқдори ҳар қандай ҳолатда олдиндан қонун ва шартнома билан белгиланади: иккинчидан, зарарни ундириш учун умумий даъво муддати ҳаракатда бўлади, неустойка (пеня, жарима) учун қискартирилган даъво муддати: учинчидан, зарарни ундириш учун жавобгарлик асосларининг тўла таркиби, яъни ҳуқуққа қарши ҳаракат, зарар, ҳуқуққа қарши ҳаракат билан зарар ўртасидаги сабабий боғланиш, зарар етказганнинг айби бўлиши талаб этилади. Неустойка ундиришда зарар ва сабабий боғланиш тўғрисидаги исбот талаб этилмайди, қонунга қарши ҳаракат ва қарздорнинг айби бўлса, етарли бўлади.¹

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жавобгарлик масалалари фақат қонунда кўрсатилган шарт-шароит вужудга келгандагина келиб чиқиши мумкин. Бу шарт-шароитлар фуқаролик ҳуқуқбузарлигининг таркибини ташкил қилиб, шу хилдаги ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Булар қуйидагилардир:

а) зарарнинг мавжудлиги;

б) ҳуқуққа зид ҳулқ-атвор (мажбуриятни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик);

в) ҳуқуққа зид ҳулқ-атвор билан зарар ўртасидаги сабабий боғланиш;

г) айбнинг мавжудлиги;

Мана шу элементлар мавжуд бўлгандагина фуқаролик — ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун тўла асос бўлади.

Суғурта шартномаси мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарликни қўллашда ҳам айнан шу тўртта асос мавжудлигига аҳамият қаратиш лозим.

Суғурта шартномаси мажбуриятлари бажарилмаганлиги учун жавобгарлик қўллаш бўйича амалиётга назар солсак, жавобгарликни белгиловчи аниқ қонун нормалари мавжуд эмаслиги сабабли, бу борада фуқаролик қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш тақозо этилади. Шу билан бир қаторда, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар таркибидан бундай турдаги фуқаролик низоларини кўришга ихтисослашган судьяларни тайёрлашга алоҳида аҳамият қаратиш лозим. Чунки суғурта муносабатлари мураккаб муносабат бўлиб, низоларни ҳал этишда судьялардан бу соҳага доир юқори билим талаб этилади. Хорижий давлатларнинг тажрибасига назар соладиган бўлсак ҳам, бу турдаги низолар шу соҳага ихтисослашган судьялар томонидан ҳал этилишини кузатишимиз мумкин.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб, Республикамызда суғурта қонунчилигини ривожлантириш билан бир қаторда бу турдаги низоларни ҳал этишга доир судьяларнинг ихтисослашуви алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки, суғурта ҳимояси остида ҳар қандай товар ишлаб чиқарувчиларга бозорда фаол иштирок этишлари, ўз имкониятларини кенгайтиришлари, чет эллик шериклар билан ҳамкорликни ривожлантириш кафолатини таъминланиши зарур. Бунинг учун, албатта, қонунчиликда кўрсатилган юқоридаги муаммоларга барҳам бериш энг долзарб масалалар.



АННОТАЦИЯ

В современных условиях рыночных отношений правильное и полноценное функционирование договора страхования, а также постоянное его усовершенствование является важным фактором обеспечения прав и свобод граждан, подчеркивает автор статьи.

¹ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийетимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Асарлар тўплами. 16-жилд, -Т.: "Ўзбекистон", 2008., 95-б.

² Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). Дарслик-Тошкент: ТДҶОИ. 2005. -222- б.

³ И.Б.Зокиров. Фуқаролик ҳуқуқи. - Т.Адолат. 2006. 271-б.

⁴ Братусь С.Н. О роли права в развитии производственных отношений. - М., Знание, № 36. 1954, 9-стр.

⁵ Раҳмонқулов Х.Р. Договорные отношения в агропромышленном комплексе. - И., Фан, 1989, 90 - стр.

⁶ Ф.Шодмонов. Шартнома бўйича жавобгарлик. Т., 2001 й 14 -бет.

⁷ Раҳмонқулов Х.Р. Договорные отношения в агропромышленном комплексе. - Т., «Фан», 1989, С-202.

⁸ Тадбиркорлик ҳуқуқи. Дарслик.-Т. 2002 йил. 230-б.

⁹ Раҳмонқулов Х.Р. Договорные отношения в агропромышленном комплексе, Фан. 1989, 208-бет.

Наргиза ЭГАМБЕРДИЕВА,
ЎзМУ ҳуқуқшунослик факультети докторанти

ДЕЛИКТ МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Деликт мажбуриятларнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар сифатида вужудга келишида қонун билан ҳимоя қилинадиган қадриятлар (фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, ишчанлик обрўси ва ҳ.к)га зарар етказилиши сабаб бўлади. Иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ушбу мажбуриятлар моддий неъматларни қайта тақсимлашнинг ҳуқуқий муносабатлар шаклини англатади, яъни бир тараф (зарар етказган шахс ёхуд у учун масъул шахс) бошқа тарафга (жабрланувчига) мулкӣ, жисмонӣ ва маънавий зарар етказганлиги оқибатида вужудга келган зарарни қоплаш учун мулк (пул)ни топширади. Мазкур мажбуриятларнинг ижтимоӣ жиҳати эса жабрланувчига унинг субъектив ҳуқуқларининг бузилиши натижасида келиб чиққан салбий оқибатларни бартараф этиш учун талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Талаб қилиш ҳуқуқининг пайдо бўлиши бошқа мажбурий ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келишига ҳам асос бўлди. Шунинг учун ҳам бу мажбуриятлар шартномавий ҳамда шартномадан ташқари мажбуриятлар билан ўзвий боғлиқ бўлиб фуқаролик ҳуқуқида алоҳида мустақил мажбурият ҳуқуқи қисмини ташкил этади. Шу билан биргалликда, деликт мажбуриятлар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг алоҳида тури бўлиб ўзининг вазифаси, функцияси ҳамда бошқа алоҳида хусусиятларига эга.

Деликт тушунчаси ва деликт мажбуриятлар тушунчасига олимларимиз томонидан бир қанча таърифлар берилган бўлиб, хусусан: “Жабрланувчининг шахсига ёхуд мол-мулкига қандайдир муайян шартнома билан боғлиқ бўлмаган ҳолда зиён етказиш деликт ҳисобланади. Деликтлар бош ва махсус деликтларга бўлинади. Бош деликт стандарт қоидаларга киритилган ҳар қандай зиённи қоплаш учун асос бўладиган умумий қоидалардан иборат. Махсус деликтлар зиённинг алоҳида характери (мулкӣ зиён, маънавий зиён, шахсга етказилган зиён, соғлиққа етказилган зиён), зарар етказиш манбаи (оширилган хавф манбаи), айби (айбли ёхуд айбсиз жавобгарлик), зарар етказувчининг шахси (масалан, ёлланма ходим,

давлат хизматчиси) ва бошқа ҳолатлар бўйича ўз хусусиятига эга¹.” Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг фикрига кўра, зарар етказишдан келиб чиқувчи мажбурият — бу шундай фуқаролик ҳуқуқий мажбуриятки, унга кўра бир шахс (жабрланувчи — кредитор) бошқа шахсдан (зарар етказувчи — қарздордан) жабрланувчига компенсация тўлаш ва зарар ўрнини қоплаш йўли билан ҳуқуққа зид равишда етказилган зарар тўлиқ қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади².

Мутахассисларнинг фикрича, шартномавий ҳамда деликт мажбурият ҳуқуқи фуқароларнинг манфаатларига зарар етказилишидаги оқилонга тўланадиган компенсация тўлови деб тушунилади³. Улар ўртасидаги фарқ эса шартномавий ҳуқуқда жавобгарлик доираси чегараланган бўлса (шартнома бўйича зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганликда келиб чиққан зарар қопланади), деликт ҳуқуқида бир қатор манфаатларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

Манбаларга суюнган ҳолда деликт мажбуриятларнинг шартномавий мажбуриятлардан фарқли белгиларини⁴ кўриб чиқсак:

Биринчидан, деликт мажбуриятларнинг ҳарқат доираси шартномавийдан фарқли ўлароқ фақатгина моддий муносабатларнигина эмас, балки номулкий муносабатларга ҳам таъсир этади.

Иккинчидан, мутлоқ характерга эга бўлган ҳуқуқларни бузишдан келиб чиқади: шахсий номоддий бойликларни (ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадри, ишчанлик обрўси ва ҳ.к), ҳамда мулкӣ ҳуқуқларни (мулкӣ ҳуқуқ, умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи, хўжалик ва оператив бошқариш ҳуқуқи ва бош.). Уларнинг мутлоқлиги шундаки, ҳар бир фуқаро шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқларнинг эгаси ҳисобланади ва фуқаролар ҳам, юридик шахслар ҳам уларни ҳурмат қилиш мажбуриятига эга.

Учинчидан, деликт мажбуриятлар шартномадан ташқари мажбуриятлар характерига эга бўлиб, жабрланувчининг ҳуқуқлари айбдор шахснинг белгиланган мажбуриятни бузиши натижасида эмас балки мутлоқ ҳуқуқнинг бузилиши натижасида рўй беради.

Тўртинчидан, деликт мажбуриятлар кимга зарар етказилиши ва қай кўринишда зарар қопланишидан қатъи назар, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қопланишига қаратилган бўлади.

Бешинчидан, зарарни қоплаш нафақат айбдор шахсга юклатилиши балки учинчи шахсларга (ота-онаси, васий ҳамда кимнинг фойдасини кўзлаб ҳаракат қилган бўлса шу шахс) ҳам юклатилиши мумкин.

Олтинчидан, деликт мажбуриятлар ҳар доим ҳам ҳуқуқбузарлик оқибатида келиб чиқмайди. Охирги имконият ҳамда асосли таваккалчилик бунга мисол бўлиши мумкин.

Деликт мажбуриятлар шартномавий муносабатлар доирасидан келиб чиқадиган мажбуриятлар билан ўхшашлик жойлари бўлиб, хусусан, фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаб қолиш учун етказилган зарарда, мулкка зарар етказилишининг олдини олиш учун қилинган ҳаракат натижасида етказилган зарарни қоплаш (топшириқсиз бошқа шахс манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиш). ФКнинг 830-моддасида, “Бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб қилинган ҳаракатлар туфайли манфаатдор шахсга ёки учинчи шахсга етказилган зарарни қоплаш соҳасидаги муносабатлар ушбу Кодекс 57-бобининг қоидаларига мувофиқ тартибга солинади”, деб белгиланган.

Шу билан биргаликда, ушбу ҳуқуқий муносабатлар ўзининг алоҳида белгиларига эга бўлиб, бегона шахснинг манфаатларини кўзлаб топшириқсиз ҳаракат қилиш оқибатида келиб чиққан зарар жабрланувчининг қонуний фаолияти натижаси ҳисобланади, шунингдек, манфаатдор шахснинг фойдасига ижобий натижа келиб чиқса, ҳаракат қилган шахс мукофот олиш ҳуқуқига эга бўлади. Мазкур мажбуриятлар ФКнинг 47-бобида ўз ифодасини топган. Ўзаро ўхшашликка қарамай фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғини қутқариш жараёнида етказилган зарар, мулкка ёхуд бошқа манфаатларини ҳимоя қилиш оқибатида зарар етказилганда деликт доирасида эмас, балки бегона шахснинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиш мажбуриятлари билан тартибга солинади, ФКнинг 57-боби қоидалари қўлланилса ҳам⁵.

Ашёвий ҳуқуқни ҳимоя қилиш усулларида бири мулкдорнинг ўз мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиши (виндикацион даъво) ҳуқуқи билан ҳам ўхшашлик томони бор. Асосий фарқли жиҳати виндикацион даъво муайян бир нарсани бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиш олиш бўлса, зарарни қоплаш даъвоси эса мулк йўқотилганда (ўғирланганда), шикаст етказилганда ёхуд топиб бўлмаликда қўлланилади. Агар ноқонуний мулкдорда мулк сақланган бўлса-ю, бироқ унга зарар етказилган бўлса, у ҳолда мулк қайтариб берилди (виндикацион даъво асосида), ҳамда етказилган зарар қопланади⁶.

Деликт мажбуриятлар — бу фуқаролик ҳуқуқининг аънанавий институти ҳисобланади.

Ушбу институтнинг ҳуқуқий табиатини ёритишда фуқаролик ҳуқуқи объектлари, фуқаролик ҳуқуқи ҳимояси, фуқаролик ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик каби ўхшаш институтлари билан қиёслаган ҳолда амалга ошириш мумкин.

Қайд этилган институтлар фундамент вазифасини бажариб, деликт мажбуриятларнинг мазмуни ҳамда шакли унга асосланади. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида деликт мажбуриятлар мажбурият ҳуқуқи муносабатларининг турларидан бири бўлган ҳолда синов девори бўлиб қайд этилган институтларнинг у ёки бу тури текширилади (синовдан ўтади).

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқининг барча институтларини қайта кўриб чиқиш жараёнида бир томондан деликт мажбуриятларни ўрганишда фуқаролик ҳуқуқининг аъналарини ҳисобга олиш ҳамда эскириб қолган назария ва тизимлардан воз кечишга тўғри келмоқда. Мустақиллик йилларида фуқаролик ҳуқуқи тизимини шакллантириш ва уни ривожлантириш борасида ўзбек олимлари томонидан анча излашлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда деликт муносабатларнинг ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олиб, зарарни тўлиқ қоплаш тамойилини амалга ошириш масаласи фуқаролик қонунчилигида долзарб муаммолардан бири бўлиб турганлигини таъкидлаш лозим. Гарчи фуқаролик қонунчилиги зарар етказишдан вужудга келадиган мажбуриятларнинг умумий қоидаларини ўзига хос аниқликда ифода этса-да, зарар етказишдан вужудга келадиган мажбуриятларнинг алоҳида турлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи нормаларни етарли даражада такомиллашган деб бўлмайди. Масалан, ФКда ошиқча хавф манбаи билан етказилган зарарни қоплашга бағишланган фақатгина битта (ФКнинг 999-моддаси) модда мавжуд. Бироқ ошиқча хавф манбаининг турлари кўп эканлигини ҳисобга олиб мазкур моддани вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишда етарли деб бўлмайди⁷.

Деликт мажбуриятлар — моддий ҳуқуқ институти бўлиб, фуқаролик ҳуқуқи норма ва тамойилларига асосланган ҳолда шартномадан ташқари мулккий муносабатларни тартибга солади. Шу билан биргаликда, ушбу хусусий ҳуқуқ институти маъмурий ёхуд жиноий хатти-ҳаракат оқибатида жабрланувчига зарар етказилиши билан бошқа ҳуқуқ институтига боғланиб кетувчи ҳуқуқий жараён ичига кириб кетади. Натижада мажбуриятларнинг йўналиш бўйича тақсимооти борасида музокараларга сабаб бўлиб, жиноят оқибатида зарар етказилиши ёхуд прокуратура, тергов, суд, суриштирув органларининг ноқонуний ҳаракат-

лари натижасида зарар етказилиши Жиноят кодекси ҳамда Жиноят-процессуал кодекси томонидан ҳам ушбу ҳаракатларни тартибга солишда махсус нормалар мавжуд.

Муаммо шундаки, бир йўналишдаги ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқнинг бошқа соҳаларига чуқур ҳамда атрофлича изланишларни ҳар доим ҳам олиб бормайдилар. Мисол учун жиноят ёки жиноят жараёни ҳуқуқи олимлари фуқаролик ҳуқуқи соҳасига, цивилист олимлар жиноят ҳуқуқи институтига мурожаат этмайдилар.

Шундай қилиб, деликт мажбуриятлар — бу фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг ало-

ҳида тури бўлиб, шартномадан ташқари ҳамда шартномавий мажбуриятлар билан кўп жиҳатдан ўхшаш бўлгани билан фарқли томонлари бор. Ушбу фарқ мутлоқ фуқаролик ҳуқуқи ҳимоясини таъминлайди. Деликт мажбуриятлар шартнома предмети бўлмаган бойликларга зарар етказилиши билан вужудга келади. Ҳозирги кунда деликт мажбуриятлар жавобгарликнинг доирасидан чиқиб, нафақат ҳуқуққа хилоф ҳаракат, балки ҳуқуққа хилоф бўлмаган ҳаракат оқибатида жабрланувчига етказилган зарарни ундиришни мулкӣ ҳуқуқни ҳимоя этишни белгилайди.



АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена правовой природе деликтных обязательств. Анализируются международное и национальное законодательства в сфере деликтных обязательств, теоретические и правоприменительные проблемы деликтов и их правовое регулирование. В заключении автор формирует понятие деликтного обязательства.

¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм. -Т.: ТДҶОИ. 2006. –42-43 б.

² Раҳмонкулов Ҳ. Зарар етказиш оқибатида келиб чиқувчи мажбуриятлар ҳақида умумий тушунча.//Хўжалик ва ҳуқуқ.1998.№1.-Б.22.

³ Цвайгерт К., Кётц Х. Введение в сравнительное правоведение в сфере частного права: В 2-х т. Т. 2. Пер. с нем. — М.: Международные отношения, 1998.-с. 360

⁴ Смирнов В.Т., Собчак А.А. Общее учение о деликтных обязательствах в советском гражданском праве. Изд. ЛГУ, 1983.с.7-9; Гражданское право: Учебник. Ч. II / Под ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. — М.: «Проспект», 1998. с.695-696; Поляков И.Н. Ответственность по обязательствам вследствие причинения вреда. — М.: Юридическое бюро «Городец», 1998. с.16

⁵ Поляков И.Н. Ответственность по обязательствам вследствие причинения вреда. — М.: Юридическое бюро «Городец», 1998. с.124-132; Иоффе О.С. Обязательственное право. М.: Юрид. лит., 1975. с.846-856

⁶ Калмыков Ю. Возмещение вреда, причиненного имуществу. — Саратов: Изд-во Саратовского ун-та, 1965. — с.8-9

⁷ Гайбуллаев А.И «Автотранспорт воситалари билан етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш муаммолари» ном.диссертацияси. 2008. 28-29 Б.

Хуршид КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ҚИЙНОҚҚА СОЛГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Маълумки, қадимда қийноқ давлат томонидан қўлланиб келинган бўлиб, жиноят процессида далил тўплашнинг асосий усулларида бири бўлган.

Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги ғояларнинг кенг тарғиб қилиниши, инсон ҳуқуқлари олий қадрият деб эътироф этилиши давлатлар ўз миллий қонунчилигида қийноқни расман бекор қилишига олиб келди.

Францияда 1670 йилги “Катта жиноят Ордонанси” қийноқнинг қидирув фаолиятидаги далилларнинг ҳамда айблов далиллар етишмаган тақдирда уларни тўплашнинг бир тури сифатида сақлаб қолган бўлса, 1788 йилги қийноқни қўллашни тақиқловчи Эдикт билан бекор қилинди.

XVIII-XIX асрлардаги Германия кодекслари (1756 йилги Пруссия, 1776 йилги Австрия, 1806 йилги Бавария кодекслари) қидирув жараёни тизимини янгилади: қийнаш далилларни қўлга киритиш воситаси сифатида рад этилди ҳамда айбланувчини ҳимоя қилиш бўйича қатор ҳуқуқлар тақдим этилди. Бироқ, шундай бўлса-да, қатор кодексларда айбланувчи кўрсатувларини олишга йўналтирилган мажбурлов чоралари сақлаб қолинган эди.

Европада қийноқни қўллашни чеклаш фақатгина XVII асрга келиб, инсонпарварлик ғояларининг тарғиб этилиши билан кузатилади. XVIII асрнинг 2-ярмига келиб Европанинг қатор давлатларида (масалан, Австрия, Пруссияда) қийноқни қўллаш бутунлай тақиқланди.

Юқоридаги ҳолатдан кўриниб турибдики, давлат дастлаб қийноқни расман ўз қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйган бўлса, кейинчалик бекор қилган.

Маълумки, инсон ҳуқуқлари ҳақидаги ғояларни кенг тарғиб қилиши, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлатларнинг асосий вазифаларидан бири эканлигини инobatга олиб, ўз миллий қонунларида инсон ҳуқуқларига оид нормаларни мустаҳкамлаб қўядилар. Инсон ҳуқуқлари ғояси дунё мамлакатларини муштарак вазифаси бўлганлиги учун турли соҳаларга оид халқаро шартнома, конвенция каби ҳужжатларга қўшилишади ёки ратификация қилишади.

Бугунги кунга келиб инсон ҳуқуқлари бутун дунёда олий қадрият сифатида тан олинди, уларни

муҳофаза қилиш бўйича давлатлар томонидан қатор ижобий тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Албатта, бу жараёнда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўрни катта.

Жумладан, БМТ томонидан қабул қилинган қатор халқаро конвенцияларда инсон ҳуқуқлари ғояси асосий ўринда туради.

Қийноқларга қарши кураш ҳам БМТнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

1948 йил 10 декабрда халқаро ҳамжамият Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясини қабул қилиш орқали қийноқ ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазо турларини қўллашни тақиқлади.

Декларациянинг 5-моддаси, “ҳеч ким азоб-уқубатга ёки ваҳшийларча, инсонликка иснод бўлган ёки кадр-қимматни хўрлайдиган муомала ва жазога мустаҳкам бўлмаслиги керак”¹ – деб мустаҳкамланди.

“Касал ва ярадорларнинг ҳаракатдаги армияда иштирокини яхшилаш тўғрисида” 1949 йил 12 августдаги Женева Конвенциясининг 3-моддасида қуролли можора вақтида ярадор ва касалларга жисмоний таъсир ва ҳаётга тажовуз қилиш, турли усулда ҳаётдан маҳрум қилиш, майиб қилиш, шавқатсиз муомала, қийноқ ва қийнаш тақиқланган. Конвенциянинг 12-моддасида ҳам қийноқни қўллаш тақиқланган. Мазкур конвенцияга асосан иштирокчи давлатлар томонидан ҳарбий можаролар даврида қийноқни қўллаш конвенциянинг 50-моддасига асосан, конвенция талабларини кўпол бузиш сифатида баҳоланган.

Денгиз қуролли кучлари таркибида кема ҳалокатига учраган ярадор ва касалларнинг иштирокини яхшилаш тўғрисидаги 1949 йил 12 августдаги Женева конвенцияси 3,12,51-моддаларида ҳам қийноқни қўллаш қаттиқ қораланган.

Ҳарбий асирлар билан муомала қилиш ҳақидаги 1949 йил 12 августдаги Женева конвенцияси 3, 17, 87, 132-моддалари қийноқни қўллашни тақиқлайди.

“Уруш даври тинч аҳолини ҳимояси ҳақида”ги 1949 йил 12 августдаги Женева Конвенцияси 3, 32, 147-моддалари билан қийноқ тақиқланган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Конвенцияси 1950 йилда қабул қилинган бўлиб, унда

хам ҳеч кимнинг қийноққа солиниши, ғайриинсоний ёки унинг шаънини таҳқирловчи муомалага ёки жазога дучор этилиши мумкин эмаслиги ўз аксини топган.

1966 йил 19 декабрда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида¹ги халқаро Пактнинг 7-моддасида “Ҳеч ким қийноққа солиниши, ғайриинсоний ёки унинг шаънини таҳқирловчи муомалага ёки жазога дучор этилиши мумкин эмас. Хусусан, ҳеч кимнинг устидан унинг ихтиёрий розилигисиз тиббий ёки бошқа илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас”лиги белгиланган.

1975 йилда ноҳуқумат ташкилотларнинг фаолиятига жавобан БМТ Бош Ассамблеяси “Барча шахсларни қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазо турларидан муҳофаза қилиш тўғрисидаги Декларация”ни қабул қилди. 80-90-йиллар мобайнида қийноқни тақиқлаш бўйича аниқ чоралар кўришда, шунингдек, бу борада ҳуқуқий норма ва ҳужжатлар ишлаб чиқишда қатор салмоқли ишлар амалга оширилди. 1981 йилда Бош Ассамблея томонидан қийноқ жабрланувчилари ва уларнинг оилаларига ёрдам кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини молиялаштириш мақсадида Қийноқ жабрланувчилари учун ихтиёрий жамғарма таъсис этилди.

“Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисида”ги 1995 йил 26 майдаги Минск конвенциясининг 3-моддасида, “Ҳеч ким қийноққа солинмаслиги ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки ўзининг кадр-қимматини камситувчи муомалага ёки жазога дучор этилмаслиги керак. Ҳеч ким ўзининг эркин розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибага дучор этилиши мумкин эмас”, — деб мустаҳкамланган.

Шунингдек 1975 йил 9 декабрда Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган декларацияда назарда тутилган қоидаларга асосан “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр қимматни камситувчи турларига қарши” конвенция БМТ томонидан 1984 йил 10 декабрда қабул қилинган. Конвенцияга бугунги кунда 127 давлат қўшилган. Ўзбекистон Республикаси мазкур конвенцияга 1995 йил 31 августда қўшилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2003 йил 30 августда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, унга муво-

фиқ Жиноят кодексининг 235-моддаси янги таҳрирда қабул қилинди. Ушбу моддага асосан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан жиноят процесси иштирокчиларига ва жазони ўтаётган маҳкумларга нисбатан қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

1998 йил 17 июлда қабул қилинган Халқаро жиноят суди Рим Статутининг 7-моддаси f) бандига асосан, “қийноқ” инсонийликка қарши қаратилган жиноятлар тоифасига киритилган.

Сўнги йилларда эса, қийнашга қарши курашда жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларининг кучайтирилиши тенденцияси кузатилмоқда.

Жумладан, Беларуссия Жиноят кодексининг 128-моддасида қийноқни содир этганлик учун 7 йилдан 25 йилгача озодликдан маҳрум этиш, умрбод озодликдан маҳрум этиш ҳаттоки ўлим жазоси, Украина Жиноят кодексининг 127-моддасида қийноқни қўллаганлик учун 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилади. Шунингдек, Озарбайжон, Молдавия Россия Федерацияси Жиноят кодексларида ҳам қийноқни содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазолар қўлланилади.

2001 йилдан кейин АҚШнинг МҚБ томонидан чет элликлар учун ташкил этилган ҳамда терроризм билан алоқадорликда гумон қилинаётганларни сақлаш учун мўлжалланган махфий қамоқхоналарида МҚБ ходимлари томонидан сўроқ қилишнинг шафқатсиз усулларида фойдаланилаётганлиги дунё ҳамжамияти эътиборини тортди. Шунингдек, Ироқнинг Абу-Грейб турмасида ҳам америкалик ҳарбийлар томонидан маҳбусларнинг қийноққа солиниши тўғрисидаги маълумотлар мавжуд². Бу каби методлардан фойдаланишни бекор қилиш мақсадида АҚШда 2005 йилда махсус “Ушлаб турилганлар билан муомала қилиш тўғрисида”ги Қонун (Detainee Treatment Act of 2005) қабул қилинди. Бирок, шундай бўлсада АҚШ МҚБ ходимларининг қийноқни қўллаш бўйича ваколатлари сақлаб қолинган эди. Аммо 2009 йил 22 январда сўроқ жараёнида қийноқни қўллаш бекор қилинди³. Демак, юқоридагилардан кўришиб турибдики, халқаро ҳуқуқ нормаларида қийноқ босқичма-босқич бекор қилиниб, бунинг олдини олишда энг замонавий ҳуқуқ нормалари қабул қилинган ва дунёнинг кўплаб давлатлари қийноққа чек қўйиш борасида курашиб келмоқда.

АННОТАЦИЯ

В статье раскрываются сущность международной Конвенции против пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания, и вопросы её имплементации в национальное законодательство.

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига шарҳлар. Тошкент “Адолат” 1999 йил

² Новиков М., Чиркин С. Пытливая сущность Америки. Российская газета. 2005. - №3931.22 ноябрь.

³ www.minnpost.com. Executive order - Ensuring Lawful Interrogations.

Улугбек МАМАДЖАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари бўлим етакчи мутахассиси

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА АСОСЛАНГАН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Барчамизга маълумки, 2010 йилнинг 12 ноябрь куни Президентимиз Исом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида мамлакатимиз тараққиётини кучайтириш ва халқимиз фаровонлигини янада оширишда ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”** тўғрисида маъруза қилдилар. Ушбу Концепциянинг мақсади ва аҳамиятини муҳтарам Президентимизнинг **“Маълумки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис авваламбор рўй бериши мумкин бўлган турли фалокатлар, жаҳон иқтисодиётининг юксалиши ва инқирозини олдиндан кўриш имконини берадиган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат ва халқ пировард натижада муваффақиятга эришади”¹** деб таъкидлаган сўзларидан ҳам яққол тасаввур этиш мумкин.

Концепцияда юртбошимиз томонидан давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган қатор йўна-

лишлар бўйича қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди. Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг дастлабки босқичида, яъни 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда асосий эътибор марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиётининг қонунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратишга қаратилганлиги бежиз эмас. Маъмурий-буйруқбозликка асосланган тизимнинг фаолияти даврида унинг самарасиз эканлигини ҳаётнинг ўзи яққол тасдиқлади, унинг асосий қоида ва тамойилларининг амал қилиши натижасида инсонларда боқимандалик, бепарволик, лоқайдлик каби салбий хислатлар пайдо бўлди.

Маълумки, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш, яъни бир ижтимоий-иқтисодий тизим ўрнига мазмун ва сифат жиҳатидан фарқланувчи бутунлай янги тизимнинг шакллантирилиши жамиятдаги мавжуд иқтисодий манфатлар ва муносабатлар мувозанатининг бузилишига, кўплаб ташкилий-иқтисодий ва хўжалик юритиш шакллариининг барҳам топиши ёки ўзгаришига, янгиларининг пайдо бўлишига олиб келади.

Шунга кўра, иқтисодий ислохотларнинг дастлабки палласиданоқ мамлакатимизда Фуқаролик, Ер, Солиқ ва Божхона кодекслари, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонунларнинг қабул қилиниши муҳим қадам бўлди.

Бозор иқтисодиётини барпо этишга қаратил-

ган ислохотларнинг мустаҳкам асоси ва унинг келгуси истиқболлари қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ва замон талабларига жавоб бериши билан чамбарчас боғлиқ. Президентимиз таъкидлаганларидек, ислохотларнинг кейинги босқичида умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва жорий этилди. Уларнинг барчаси иқтисодийликни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислохотларининг ортга қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг “Кичик бизнес ва тадбиркорлик йили”, деб эълон қилинганлиги мазкур соҳани такомиллаштиришни ва аҳолини тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун муносиб ҳуқуқий замин яратилишини талаб қилади. Маълумки, кичик бизнеснинг ихчамлиги, ҳаракатчанлиги, иқтисодий манфаатларни нисбатан тўлароқ намоён эта олиши, бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олиши каби хусусиятлари унинг иқтисодий тубдан ўзгартиришда энг самарали ва қулай воситалардан бирига айлантиради.

Статистик маълумотларга кўра, 1992 йилда рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналарининг сони атиги 16,5 мингтани ташкил этган бўлса, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич (фермер хўжаликларидан ташқари) 224,2 мингтага етди, яъни деярли 14 баравар ўсди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2009 йилда 50,1 фоизга етди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич мустақилликнинг дастлабки йилларида 1,5 фоизни, 2000 йилда эса 31 фоизни ташкил этган эди. Демак, шу даражада жадаллик билан ривожланаётган хусусий бизнес ва кичик тадбиркорликнинг келгусидаги истиқболларини белгилаб берувчи қонун ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши муваффақиятларимиз калитидир. Шу ўринда, сўнги йилларда тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга Қаратилган қонунларнинг мазмун – моҳиятига эътибор қаратсак.

Жумладан, юридик ва жисмоний шахсларнинг шартнома асосида кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар хусусидаги битимларни тузиш билан боғлиқ риэлторлик хизматлари кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи “Риэлторлик фаолияти” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафо-

латлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган яна бир қадам бўлди. Мазкур ўзгартиришга қўйидагилар асос бўлиб хизмат қилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги 1271-сон Қарори билан тасдиқланган “Баркамол авлод йили” Давлат дастурининг 51-бандига мувофиқ, кичик корхоналарга ишга жойлаштирилган касб-хўнаро коллежалари, академик лицейлар, олий таълим муассасалари битирувчилари ўқув юртларини битиргандан кейин 3 йил мобайнида кичик корхоналар учун белгиланган ходимларнинг чекланган сонини белгилашда ҳисобга олинмаслигини жорий этишни, лекин ушбу миқдор қонун ҳужжатларида белгиланган кичик корхоналар ходимлари чекланган сонининг 20 фоиздан кўп бўлмаслиги тўғрисида республика қонунчилигига тегишли меъёр киритиш назарда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1112-сонли Қарорининг 3-бандида кичик корхона ўз уйларида ишлаётган (қасаначилик билан шуғулланаётган) фуқаролар билан, қонун ҳужжатларида белгиланган ходимлар сонининг чекланган меъёридан кўпи билан 30 фоиз ошган миқдорда меҳнат шартномалари тузганда, кичик корхоналар учун назарда тутилган кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар мазкур корхона учун сақланиб қолиниши белгиланган.

Шу билан бирга, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасида микрофирма ва кичик корхона ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сонини ошириб юборган тақдирда, ошириб юборишга йўл қўйилган давр учун ва кейинги уч ойга улар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум этилиши кўрсатилган.

Шунга мувофиқ, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 5-моддасининг кўрсатилган меъёрига Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари билан белгиланган истисно ҳоллари тўғрисида изоҳ киритилишини назарда тутадиган тегишли Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Мазкур қўшимчанинг киритилиши «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғри-

сида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 5-моддасининг меъёрини юқорида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ва Фармони лойиҳасига мослаштириш имконини берди ва норматив — ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги турли номувофиқликларни бирхиллаштиришга ҳам замин бўлиб хизмат қилди.

Мазкур қонунлардан ташқари, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15 ва 18-моддаларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳам тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиб, суғурта фаолиятида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Президентимиз юқорида таъкидлаб ўтилган маърузаларида бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги, шунингдек, бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадига “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”ги

Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим аҳамият касб этиши, бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-қоидаларининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаб қўйиш, қонунда назарда тутилмаган ортиқча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан кескин тақиқлаш зарурлиги таъкидланди².

Юқоридагига кўра, мамлакатимизда тадбиркорлар фаолиятини эркинлаштириш ва улар манфаатларини имкон қадар максимал даражада қонун йўли билан ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни таъминлаш учун етарли ҳуқуқий база шакллантирилмоқда. Шулардан келиб чиқиб, бугун айта оламизки, бозор иқтисодиётининг асосий таянчи — тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонуний ҳимоя қилиш ва уларга кафолатли шарт-шароитлар яратишга истиқлолнинг илк кунлариданоқ устувор масала сифатида қаралди.

Пировардида, бугунги кунда амалдаги қонунчиликда фуқаролар учун кичик тадбиркорлик, яқка тартибдаги тадбиркорлик ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги тадбиркорлик билан машғул бўлишларига жуда катта имкониятлар, рағбатлар, имтиёзлар яратиб берилди.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена государственной политике в области защиты прав субъектов предпринимательства. Особый акцент уделяется изучению, систематизации нормативно-правовых актов, принимающихся в нашем государстве в сфере предпринимательства. В заключительной части автор попытался проанализировать эффективность механизмов защиты прав предпринимательства и дальнейшее расширение правопринимательской практики в этой сфере.

¹ И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь/ — Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. — 56 б.

² И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь/ — Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. — 56 б.

Лилия АЧИЛОВА,
Стажер-соискатель Института философии и права
им. И.Муминова АН Республики Узбекистан

ПОНЯТИЕ И ИСТОЧНИКИ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ОТНОШЕНИЙ ПО ОКАЗАНИЮ ГОСТИНИЧНЫХ УСЛУГ

Индустрия гостиничного сервиса — важная составная часть всей сферы услуг, представляющая собой совокупность видов деятельности, направленных на обслуживание населения. Гостиничное предприятие предлагает своей клиентуре продукт в виде услуг.

Гостиничная услуга — это результат деятельности специально обученного и подготовленного к работе (в средствах размещения различного назначения и категории) обслуживающего персонала по созданию полезного эффекта в удовлетворении потребностей клиентуры.

Оказание гостиничных услуг настолько уникальная производственная деятельность, что объективно нуждается в урегулировании ее со стороны государства. Специальный субъектный состав, особый объект, по поводу которого возникают правоотношения, а также юридические факты их порождающие предопределили потребность закрепить в правовых актах обязательные для участников гостиничных отношений правила поведения.

Развитая инфраструктура гостиничного хозяйства обеспечивает привлечение приезжих, которые реализуют свою покупательную способность, тратя деньги в месте нахождения гостиницы. Благодаря тому, что приезжие тратят свои деньги, находясь вне дома, гостиницы нередко вносят значительный вклад в местную экономику как непосредственно, так и косвенно, благодаря последующему перераспределению средств приезжих в пользу других¹.

Для осуществления деятельности по оказанию гостиничных услуг требуется рабочая сила. В этом смысле значение сферы услуг трудно переоценить. В гостиничном хозяйстве задействованы десятки тысяч специалистов. В этой отрасли трудятся также люди, которые ведут собственный гостиничный бизнес. Все это вносит большой

вклад в развитие регионов, которые не обладают серьезным промышленным потенциалом и запасами полезных ископаемых.

В тех районах, куда прибывают иностранцы, гостиницы очень часто выступают источниками получения иностранной валюты и таким образом могут вносить значительный вклад в платежные балансы своих стран. В странах с ограниченными возможностями экспорта гостиницы могут быть одним из немногих источников поступления иностранной валюты².

Гостиницы являются важными точками розничной купли-продажи продукции предприятий различных отраслей. «В процессе строительства и модернизации гостиниц обеспечивается поле деятельности строительной промышленности и связанных с ней отраслей. Оборудование, мебель и все возможные принадлежности поставляются гостиницам широким кругом производителей. Продукты питания, напитки и другие подобные предметы потребления входят в число наиболее значительных ежедневных закупок, которые гостиницы осуществляют у фермеров, рыбаков, поставщиков продуктов питания и напитков и у компаний, поставляющих газ, электроэнергию и воду. Помимо того, что гостиницы создают непосредственную занятость для своих сотрудников, они порождают значительную косвенную занятость для тех, кто работает в поставляющих отраслях»³

Высокая социальная значимость и разноплановый характер деятельности предприятий гостиничного хозяйства предопределили особый подход государства к правовому воздействию на нее.

Известно, что правовое регулятивное воздействие может осуществляться в нескольких формах.

К таковым, в частности, относятся информационное, ценностно-ориентационное воздействие и правовое регулирование.

Правовое регулирование, как одна из форм правового воздействия представляет собой главное, решающее выражение правовой действительности, рассматриваемой в динамике, с активно-действенной стороны. Оно есть осуществляемое при помощи правовых средств (юридических норм, индивидуальных предписаний, правоотношений и др.) результативное, нормативно-организационное воздействие на общественные отношения.⁴

Правовое регулирование имеет свой предмет, каковым являются разнообразные социальные отношения, объективно способные к урегулированию их правом.

Предметом правового регулирования оказания гостиничных услуг, являются общественные отношения, складывающиеся между исполнителем и заказчиком гостиничных услуг. Эти отношения направлены на предоставление и потребление гостиничной услуги.

Организационное, результативное воздействие на отношения по оказанию гостиничных услуг осуществляется посредством правовой регламентации гостиничных услуг в правовых актах, которые в теории права получили наименование источники правового регулирования.

Под источниками права принято понимать исходящие от государства или признаваемые им официально документальные способы выражения и закрепления норм права, придания им юридического, общеобязательного значения.⁵ Это определение справедливо и для понимания источников правового регулирования отношений по оказанию гостиничных услуг.

Иерархия источников правового регулирования деятельности по оказанию гостиничных услуг, в зависимости от юридической силы, может быть представлена следующим образом.

1. Конституция РУ имеет высшую юридическую силу на территории Республики Узбекистан. Правовое регулирование услуг и гостиничных услуг в частности, начинается с Конституции РУ.

2. Гражданский кодекс Республики Узбекистан. ГК РУ в ст.ст. 1, 2, 81 определил услуги, как самостоятельный объект гражданских прав, наряду с имуществом, работами и другими объектами. Регулированию договорных отношений по оказанию услуг посвящена гл. 38 ГК РУ «Возмездное оказание услуг». Пять статей названной главы ГК РУ регламентируют отношения по возмездному оказанию услуг. В соответствии с п. 1 ст. 703 ГК РУ по договору возмездного оказания услуг исполнитель обязуется по заданию заказчика оказать услуги (совершить определенные действия или осуществить определенную деятель-

ность), а заказчик обязуется оплатить эти услуги.

Значимость гл. 38 ГК РУ состоит в том, что в ней заложен фундамент для здания тех гражданских правоотношений, которые прямо не названы в ней. К их числу относятся отношения по оказанию гостиничных услуг. В п. 2 ст. 779 ГК РУ содержащей перечень услуг нет указания на гостиничные услуги. Однако это не означает, что правила гл. 38 ГК РУ не применяются к таким отношениям, так как содержащийся в ней перечень услуг является примерным. Согласно ст. 783 ГК РУ к договору возмездного оказания услуг применяются общие положения о подряде (ст.ст. 702, 729 ГК РУ) и положения о бытовом подряде (ст.ст. 730, 739 ГК РУ), если это не противоречит гл. 38 ГК РУ, а также особенностям предмета договора возмездного оказания услуг.

3. Законы. Особое место в системе источников правового регулирования гостиничных услуг занимает Закон РУ от 26 марта 1996 г. № «О защите прав потребителей».⁶ Названный закон регулирует отношения, возникающие между потребителями и исполнителями при оказании услуг, устанавливает права потребителей на приобретение услуг надлежащего качества, получение информации об услугах и об их исполнителях, а также определяет механизм реализации этих прав. Закон РУ от 20 августа 1999 г. № 830-1 «О туризме»⁷ регулирует отношения, возникающие при реализации прав граждан на отдых, свободу передвижения и иных прав при совершении путешествий, которые в конечном счете сопряжены с расположением туристов в гостиницах и других средствах размещения. Последние в совокупности с объектами и средствами делового, спортивного и иного назначения образуют туристскую индустрию.

4. Иные нормативные правовые акты Республики Узбекистан. К ним, в частности, относятся:

Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан. Так, по распоряжению Кабинета Министров РУ разработаны Правила предоставления гостиничных услуг в Республики Узбекистан⁸ (далее - Правила предоставления гостиничных услуг в РУ, Правила), которые содержат нормы регулирующие оказание гостиничных услуг потребителям.

Правила предоставления гостиничных услуг в Узбекистане предопределено тем, что на отношения по возмездному оказанию услуг распространяются правила о бытовом подряде. Соответственно, если данные отношения в какой-либо части не урегулированы ГК РУ, то применяются законы о защите прав потребителей и иные правовые акты, принятые в соответствии с

ними (п. 3 ст. 656 ГК РУ). Следовательно, отношения по возмездному оказанию гостиничных услуг могут регулироваться не только ГК РУ и другими законами, но и иными правовыми актами. Правила предоставления гостиничных услуг в РУ содержат нормы регламентирующие порядок предоставления информации об услугах, порядок оформления проживания в гостинице и оплаты услуг, порядок предоставления услуг и ответственность исполнителя и потребителя за предоставление услуг. Данные Правила регулируют ключевые моменты в отношениях по предоставлению гостиничных услуг, однако рассчитаны на узкую область отношений, к которым относятся только отношения с участием граждан-потребителей на стороне получателя услуги.

Нормативно-правовые акты органов исполнительной власти. К подзаконным нормативным правовым актам, регулирующим деятельность в сфере оказания гостиничных услуг можно отнести Правила сертификации туристических услуг от 18.03.2000 г. № 911⁹. Утвержден Узбекским Государственным центром Стандартизации, Метрологии и сертификации с 18 марта 2000 года ГОСТ 28681.2-95 «Туристские услуги. Средства размещения. Общие требования». Данный документ признан национальным стандартом со дня вступления в силу Закона от 11 ноября 2008 г. №213 (с изменениями от 23 апреля 2009 г.) «О техническом регулировании».¹⁰ Этот документ применяется в добровольном порядке, за исключением обязательных требований, обеспечивающих достижение целей законодательства РУ о техническом регулировании. Таким образом, применение данного документа является обязательным в части требований ст. 3 Закона РУ «О техническом регулировании».

5. В соответствии с Конституцией РУ общепризнанные принципы и нормы международного права и международные договоры Республики Узбекистан являются составной частью ее правовой системы.

Среди международных правовых актов регулирующих отношения в области оказания гостиничных услуг можно выделить Международную гостиничную конвенцию касательно заключения контрактов владельцами гостиниц и турагентами (МГА/ФУААВ).¹¹ Конвенция призвана регулировать подписание и исполнение контрактов, известных как гостиничные контракты, которые заключают турагенты и владельцы гостиниц, взявшие на себя обязательства соблюдать правила данной Конвенции, или которые в своей повседневной практике используют их при заключении

контрактов. Другим актом являются Международные гостиничные правила, одобренные Советом Международной гостиничной ассоциации 02.11.1981 г.¹² Данные правила являются дополнением к положениям, предусмотренным в национальных законодательствах о договорных отношениях.

Они применяются, когда такое законодательство не включает специфических положений, касающихся договора на размещение в гостинице.

Названные международные документы не являются обязательными для России, однако содержащиеся в них правила могут быть использованы сторонами договоров на оказание гостиничных услуг, в качестве согласованных условий договора.

Среди актов, которые могут быть взяты за основу в отношениях сторон гостиничных контрактов может быть назван также Кодекс отношений между гостиницами и турагентствами Всемирной федерации ассоциаций турагентств (УФТАА) и Международной гостиничной ассоциацией (МГА). Кодекс представляет собой документ об основополагающих принципах при взаимоотношениях между гостиницами и турагентствами. Однако в соответствие со ст. 6 Кодекса, если окажется, что какие-либо положения Кодекса противоречат национальным (и в частности, антимонопольным) или международным законам, авторы соглашаются считать их недействительными.

Под источниками правового регулирования деятельности по оказанию гостиничных услуг следует понимать содержащие юридические нормы официальные документы, принятые в установленном порядке и направленные на регулирование отношений по оказанию гостиничных услуг. Источники правового регулирования отношений по оказанию гостиничных услуг образуют целостную систему взаимосвязанных, расположенных в иерархической последовательности нормативно-правовых актов.

Действующие международные правовые акты, регулирующие деятельность по оказанию гостиничных услуг не ратифицированы Республике Узбекистан и потому не имеют для нее обязательной юридической силы. Однако содержащиеся в них правила могут быть использованы сторонами договоров на оказание гостиничных услуг, в качестве согласованных условий договора.

В целом следует отметить, что действующее отечественное правовое регулирование отношений по оказанию гостиничных услуг является не-

полным. Отсутствует легальное определение договора на оказание гостиничных услуг, правовая регламентация существенных сторон взаимоотношений потребителя с лицом, оказывающим гостиничные услуги осуществляется преимущественно на подзаконном уровне. Правила предоставления гостиничных услуг в РУ действительно регулируют ключевые моменты в отношениях по предоставлению гостиничных услуг, однако рассчитаны на узкую область отношений, к которым относятся только отношения с участием граждан-потребителей на стороне получателя услуги.

На сегодняшний день уровень правового регулирования гостиничных услуг очевидно не вы-

сок и недостаточен для успешного развития гостиничного хозяйства в нашей стране. В целях повышения эффективности правовой регламентации отношений по оказанию гостиничных услуг необходима доработка Правил предоставления гостиничных услуг в РУ. Эта доработка должна идти по пути установления специальных норм, посвященных регулированию предпринимательских отношений в сфере оказания гостиничных услуг, так и переработкой существующего нормативного материала, его конкретизация, уточнение и детализация. Только в этом случае уровень названных Правил будет соответствовать значимости данного вида услуг и их все большей распространенности.



АННОТАЦИЯ

Муаллиф мамлакатимизда меҳмонхона хизматлари кўрсатишнинг ҳуқуқий тартибга солиш тушунчаси, манбалари, шунингдек, бугунги кунда бу соҳани ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш муаммолари тўғрисида фикр юритган.

- ¹ Гостиничный бизнес: Учебник для студентов вузов, обучающихся по специальностям сервиса (230000) / С. Медлик, Х. Инграм; (пер. с англ. А.В. Павлов). - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. - С. 3.
- ² Гостиничный бизнес: Учебник для студентов вузов, обучающихся по специальностям сервиса (230000) / С. Медлик, Х. Инграм; (пер. с англ. А.В. Павлов). - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. - С. 3.
- ³ Гостиничный бизнес: Учебник для студентов вузов, обучающихся по специальностям сервиса (230000) / С. Медлик, Х. Инграм; (пер. с англ. А.В. Павлов). - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. - С. 4.
- ⁴ Проблемы теории государства и права: Учебник / Под ред. С.С. Алексеева. - М.: Юрид. лит., 1987.-С. 226.
- ⁵ Алексеев С.С. Право: азбука - теория - философия: Опыт комплексного исследования. -М.: «Статут», 1999. -С. 77.
- ⁶ Закон Республике Узбекистан «О защите прав потребителей» от 26 марта 1996 г. В настоящий Закон внесены изменения в соответствии с Законом РУз от 25.04.2003 г. N 482-II.
- ⁷ Закон Республике Узбекистан «О туризме» от 20 августа 1999 г. №830-1. Введен в действие Постановлением ОМ РУз от 20.08.1999 г. N 831-I.
- ⁸ Правила предоставления гостиничных услуг в Республики Узбекистан зарегистрированы Министерством юстиции Республики Узбекистан от 12.01.1998 г. №389.
- ⁹ Правила сертификации туристических услуг от 18.03.2000 г. № 911 Зарегистрирован Министерством юстиции Республики Узбекистан.
- ¹⁰ Закон Республики Узбекистан «О техническом регулировании». Принят законодательной палатой 11 ноября 2008 года. Одобрен Сенатом 27 марта 2009 года.
- ¹¹ Международная гостиничная конвенция касательно заключения контрактов владельцами гостиниц и турагентами (МГА/ФУААВ) (Принята в 1975 г. Международной гостиничной ассоциацией) // Борисов К.Г. Международный туризм и нраво. - М.: НИМП, 1999.-С. 176-196.
- ¹² Гостиничное и ресторанное дело, туризм: Сборник нормативных документов / Серия «Закон и общество». - Ростов н/Д: «Феникс», 2003. - С. 31-34.

"Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари" мавзусида 12.00.03 - "Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик процесси; халқаро хусусий ҳуқуқ" ихтисослиги бўйича юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тадқиқотчи И.И.Насриев томонидан тайёрланган докторлик диссертация бўйича

ТАҚРИЗ

Тадқиқотчи Илҳом Исмоилович Насриевнинг "Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари" мавзусидаги диссертацияда ҳозирги кундаги долзарб бўлган шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг юридик табиати ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, мавжуд муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини аниқлаш, мазкур институтларнинг такомиллашувига оид асосий тарихий ва назарий хусусиятларни ойдинлаштириш вазифаларини ҳал қилишга ҳаракат қилинган.

Маълумки, фуқароларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини тўғри англаш, бу борада меъёрида бўлган фуқаролик оборотига эришиш ва амалдаги қонунчиликка таянган ҳолда фуқаролик муносабатларида улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ривожланиб бораётган ҳар қандай давлатда қонун нормалари, айниқса, фуқаролик қонунчилиги давр талабларига мос равишда ривожланиб бориши ва вужудга келадиган янги муносабатларни самарали ҳуқуқий тартибга солиши лозим.

Шу муносабат билан номоддий неъматлар, фуқароларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини тартибга солиш, шахсий номулкий ҳуқуқлар классификацияси бўйича ягона тўхтамга келиниши, шахсий номулкий ҳуқуқлар субъектларининг ваколатларини аниқлаш, уларни муҳофаза қилиш усуллари ва воқитларини такомиллаштириш, ҳар бир шахсий номулкий ҳуқуқ тури бўйича тадқиқотлар олиб бориш, фуқароларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилиш даражасини юқорига кўтариш мазкур тадқиқотнинг долзарблигини белгилаб беради.

Муаллиф тадқиқот ишида қонунчилик асосларидан ҳамда мавжуд назарий ва амалий тадқиқотлардан унумли фойдаланган. Ривожланган давлатларнинг бу соҳадаги қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилган.

Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолатини ҳуқуқ тизимидаги юридик табиати ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, мавжуд муаммоларнинг илмий ва

амалий жиҳатларини аниқлаш, унинг такомиллашувининг тарихий ва назарий хусусиятларини ойдинлаштириш тадқиқотга мақсад қилиб олинган. Бу борада муаллиф томонидан илмий иш предметига оид бўлган муаммоларга амалий нуқтаи назардан ёшдашишга асосий урғу берилган.

Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилиш ҳуқуқий ҳолатининг илмий-назарий ва амалий жиҳатлари, мазкур соҳани тартибга солишни такомиллаштириш бўйича илмий асослар, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш, уларни доимий ривожлантириб, мазмунан кенгайтириб бориш, ҳуқуқий ҳимоя тизимини яратиш ва такомиллаштириш кафолатларини мустаҳкамлашнинг замонавий тизими илмий тадқиқ қилинганлиги ишнинг илмий янгилигини белгилаб беради.

Муаллиф амалдаги қонунчиликда шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солиш қандай даражада эканлиги ва уни такомиллаштириш йўналишлари, ижтимоий муносабатларнинг тегишли институтларида тартиб ўрнатишнинг мақбул жиҳатларини излаш, муайян ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг зарур шартлари ва самарали шаклларини аниқлаш, шунингдек, лойиҳалаштирилаётган меъёрларнинг мазкур ҳуқуқий тизимдаги нормалар билан ўзаро алоқаси ва таъсирини қиёслаб ўрганиб, мазкур масаланинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларига оид хулосаларини асослаб берган.

Диссертациянинг аҳамияти шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолати концептуал негизларини танқидий баҳолашга оид хулосалари ва мазкур соҳавий тартибга солишга замонавий илмий ёндашувни такомиллаштиришдаги унинг хизмати билан белгиланади. Илмий иш бўйича қўлга киритилган натижалар кейинги илмий тадқиқотлар ҳамда фуқаролик, иқтисодий, ижтимоий ва оила-ҳуқуқий муносабатларига доир қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш учун хизмат қилади.

Мазкур илмий тадқиқот натижалари асосида амалдаги қонунларга ва норматив ҳужжатларга

ўзгартиришлар киритиш хусусидаги хулосалари ҳамда янги қонунлар қабул қилиш тўғрисидаги таклифлари ушбу илмий изланишнинг қимматини оширади, диссертация бу йўналишдаги тадқиқот ишларига илмий манба бўла олиши билан аҳамият касб этади.

Тадқиқотчи диссертациянинг кириш қисмида илмий изланиш мавзусининг долзарблиги, унинг мақсад ва вазифалари, услубий ва назарий асосларини аниқлаб олган, муаммонинг ўрганилганлик даражасини очиб берган, илмий янгилиги, ҳимояга қўйилаётган асосий ҳолатлар ва хулосаларни баён қилган, амалий аҳамияти ва асосий натижаларнинг синовдан ўтганлигини кўрсатиб берган.

Ишнинг биринчи бобида номоддий неъматлар ва шахсий номулкий ҳуқуқларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатидаги умумий тавсифи, номоддий неъматлар тушунчаси ва турлари, номоддий неъматлар билан боғлиқ муносабатларнинг фуқаролик ҳуқуқи предметида тутган ўрнининг моҳияти ва мазмуни баён қилинган.

Мазкур бобда муаллиф томонидан фуқаролик ҳуқуқида номоддий неъматларнинг хусусиятлари тўғрисида ягона нуқтаи назар мавжуд эмаслигини назарда тутиш, номоддий неъматлар ҳуқуқ объекти сифатида намоеён бўлмаслиги, уларнинг мавжудлигини эътироф этиш ва ҳимоя қилишга тўсқинлик қилмаслиги ҳақида муҳим хулосалар илгари сурилган (ишнинг 32-33-бетлари).

Шунингдек, диссертант А.Ҳасанов ва бошқа қатор олимлар билан илмий мунозарага киришиб, шахсий номулкий ҳуқуқлар субъектларининг барча ваколатлари қонунда санаб ўтилиши ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқларини бир мунча чеклаб қўйишга олиб келиши мумкин. Шу сабабли, фуқаролик ҳуқуқида шахсий ҳуқуқлар доктринасининг таркибий қисми сифатида акси исботланмагунча муайян шахсий ҳуқуқ тури мавжуд - деган презумпция амал қилиши кераклиги тўғрисидаги қонидани илмий жамоатчиликка ҳавола қилади (ишнинг 43-47-бетлари).

Ишнинг иккинчи бобида шахсий номулкий ҳуқуқларнинг айрим турларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари, инсон ҳуқуқлари ва шахсий номулкий ҳуқуқлар нисбати, шахсни индивидуаллаштиришни таъминлашга қаратилган ҳуқуқлар тизими, шаън, кадр-қиммат ва ишбилармонлик обрўсини фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари ҳар томонлама муҳокама қилинган.

Диссертант инсон ҳуқуқларининг таркибий қисми сифатида шахсий номулкий ҳуқуқларни умумҳуқуқий назарий масалалар доирасида таҳлил қилади. Бунда инсон ҳуқуқлари ва шахсий номулкий ҳуқуқлар алоҳида-алоҳида туркумларга, гуруҳларга мансуб ҳуқуқлар деб айтиш ноўрин бўлади, инсон ҳуқуқларининг бир қисми шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳисоб-

ланади - деган ғоя илгари сурилади.

Тадқиқотчи шахсий номулкий ҳуқуқларни ва уларнинг ҳуқуқларини туркумлаш ҳамда уларнинг айримларининг тавсифига тўхталар экан, шахсий номулкий ҳуқуқларни тизимга солиш, бир-биридан фарқлаш шахсий номулкий ҳуқуқларни муҳофаза қилиш усулларини кенгайтириш имконини беришини таъкидлайди (ишнинг 100-104-бетлари).

Муаллиф номоддий неъматлар ичида марказий ўрин тутган шаън ва кадр-қиммат, инсонийлик обрўси муаммоларини таҳлил қилар экан, бу ҳуқуқ субъектларини табақалаштиришни таклиф қилиб, бундай талқин қилиш суд амалиёти учун энгиллик ва қулайликлар вужудга келтиришини исботлашга ҳаракат қилган (ишнинг 121-122-бетлари).

Диссертациянинг учинчи бобида шахсий маълумотларни фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг моҳияти ва зарурати, шахсий маълумотлар тушунчаси ва турлари, шахсий маълумотлар тааллуқли бўлган шахсларнинг, шунингдек, шахсий маълумотлар билан ишловчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шахсий маълумотлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун фуқаролик жавобгарлик чораларини қўллаш масалалари таҳлил этилган.

Мазкур бобда фуқаронинг шахсий дахлсизлигига путур етказганларга юридик таъсир чораларини белгилаш ва жабрланувчига етказилган зарарни ундиришнинг юридик чораларини яратиш учун "Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида" махсус қонун қабул қилиш таклиф этилган (ишнинг 127-128-бетлари).

Муаллиф шахсий маълумотлар тааллуқли бўлган шахсларнинг ва ушбу маълумотлар билан ишловчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини таҳлил қилар экан, шахсий маълумотларни меъёрида бўлган фуқаролик муомаласида бўлишининг муҳим шarti — бу шахсий маълумотлар субъектининг розилик бериши эканлигини ҳақли таъкидлаган (ишнинг 138-140-бетлари).

Тадқиқот ишининг тўртинчи бобида интеллектуал мулк ҳуқуқи субъектларининг шахсий номулкий ҳуқуқлари сифатида фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифлари ва ижрочиларнинг номулкий ҳуқуқлари, муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ, асарни номлаш ва бағишлов ҳуқуқи, асарни эълон қилиш ҳуқуқи, унинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқлари ҳамда ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари ва интеграл микросхемалар муаллифларининг номулкий ҳуқуқлари сифатида, муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик номига яратилган объектни номлашга ва устуворликка бўлган ҳуқуқлари ҳамда уни такомиллаштириш истиқболлари синчковлик билан ўрганилган.

Муаллифлик ҳуқуқи моҳиятини таҳлил қилган диссертант мазкур ҳуқуқ мутлақ ҳуқуқ сифатида фуқа-

ролик ҳуқуқий муносабатининг элементи бўлиб намоён бўлади ва бу ҳуқуқ ҳар қандай шахсга муаллиф ҳуқуқини бузишдан ўзини тийиб туриш мажбуриятини юклайди, деб таъкидлайди (ишнинг 195-196-бетлари).

Илмий ишнинг бешинчи бобида номулкий ҳуқуқларга дахл қилганлик учун жавобгарлик чораларини такомиллаштириш масалалари ва муаммоларини ўрганиш жараёнида шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш амалиётининг ўзига хос хусусиятлари, уларни такомиллаштириш ҳамда маънавий зарарни ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари, шунингдек, фуқаровий жавобгарлик чораларини такомиллаштириш истиқболлари таҳлил қилинган.

Диссертант шахсий номулкий ҳуқуқларга дахл қилинганлик учун жавобгарлик чораларини такомиллаштириш муаммоларини таҳлил қилар экан, келишув битимига дахлдор нормаларни кенгайтириб, уларни шахсий номулкий муносабатлар билан боғлиқ ҳолатларда ҳам қўллашга мослаштириш зарурлигини асослашга ҳаракат қилган (ишнинг 304-306-бетлари).

Ишнинг хулоса қисмида тадқиқотлар давомида ишлаб чиқилган назарий натижалар очиб берилган. Диссертациянинг мазкур қисмида муаллиф шахсий ҳуқуқлар ва мулк ҳуқуқлар ўртасидаги фарқларнинг шартли бўлиши, ташқи қиёфа дахлсизлиги, фуқаровий қонунчиликда диффамацияни тартибга солиш муаммолари, фуқаровий жавобгарлик чораларининг мазмунини белгилаш, ярашиш институтини такомиллаштириш каби масалалар бўйича илмий жамоатчилик учун қимматли бўлган хулосаларни илгари сурган.

Шунинг билан биргаликда, мазкур илмий тадқиқот жараёнида фойдаланилмаган имкониятлар, йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонлар ҳақида айрим фикрларни билдиришни лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Фикримизча, илмий иш мавзуси "Шахсий номулкий ҳуқуқларнинг амалга оширилиши ва кенгайтириш истиқболларининг фуқаровий ҳуқуқий муаммолари" — деб белгиланганида илмий ишнинг мақсади, тадқиқот предмети ва объектига монандроқ бўлар эди.

Биринчидан, докторлик диссертацияси даражасидаги тадқиқот жараёнида ўрганиш предметиға кирувчи ҳуқуқ мазмуни аниқланиши шубҳасиз. Унинг мундарижасида (номоддий неъматлар тушунчаси (1.1), шахсий маълумотлар тушунчаси (3.2) ва б.) айрим ҳуқуқ институтларининг тушунчасининг алоҳида таъкидланиши ишнинг илмийлик даражасини пайсайтиради.

Иккинчидан, шахсий номулкий ҳуқуқлар кимлардир томонидан амалга оширилмайди (давлат, жамият, мансабдор шахслар ва б.), у ижтимоий воқелик бўлиб, у субъектив ҳуқуқ соҳиби томонидан амал-

га оширилади, доимий такомиллашув жараёнида бўлади, ўз-ўзидан кенгайди ва унинг янги турлари ёки кўринишлари вужудга келади. Шундай экан, иш мавзусида "амалга ошириш" бирикмаси ўрнига "амалга оширилиши" сўзларининг қўлланилиши мақсадга мувофиқ кўринад.

2. Иш бўйича тузилган режага ҳам эътироз билдириш ўринли бўлади. Чунончи, ишнинг мавзусидан ўрин олган "шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш", "... уларнинг муҳофаза қилишнинг фуқаровий-ҳуқуқий муаммолари" ишнинг режасида (мундарижасида) акс эттирилмаганлиги туфайли бу масалалар диссертацияда етарли режали илмий таҳлил қилинмаган.

Бу эса илмий иш бўйича танланган мавзунинг тўлиқ ёритилмаслигига, иш предметиға оид муаммоларга доктринал тавсиф беришда қийинчиликлар туғдирган кўринад.

3. Муаллифнинг баёнида баъзи ҳолатларда мавҳумлик мавжуд, фикр ҳар доим ҳам яққол ифодаланган мазмун касб этмайди, қатор ҳолатлар ва фикрларнинг такрорланиши кузатилади, шу сабабли ҳам диссертациянинг баъзи қисмларида илмий таҳлил ўрнига публицистик руҳ сезилади.

Муаммонинг ишланганлик даражаси бўйича қатор чет эл олимларининг муҳим ишлари муаллиф назаридан четда қолган кўринад (ишнинг 8-9-бетлари).

Илмий муаммоларни ўрганишда баҳс-мунозара усулидан етарли фойдаланилмаган, илмий иш предмети бўйича кўп ҳолатларда муаллиф позицияси сезилмайди, бунинг ўрнига бошқа муаллифлар фикрини маъқуллаш ёки кўпинча уларнинг фикрларини баён этиш билан чекланилган (ишнинг 79-80-83-85-86-88 ва бошқа бетларда).

4. Диссертациянинг "Шахсий номулкий ҳуқуқларни туркумлаш ва уларнинг айрим турларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш" - деб номланувчи иккинчи бобида муаллиф томонидан шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг юрисдикцион шакли, низолашилаётган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга ваколатли бўлган давлат идоралари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, ҳимоя қилишнинг маъмурий тартибда амалга оширилиши, давлат-бошқарув идоралари, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг шахсий номулкий ҳуқуқларини амалга оширишда тутган ўрни ва вазибаларининг моҳияти, субъектив ҳуқуқ соҳиби томонидан ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усулларини танлашнинг ўзига хос жиҳатлари, шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш асослари ва хусусиятлари етарли тадқиқ этилмаган (ишнинг 50-123 бетлари).

5. Диссертациянинг айрим параграфларида номлари билан мазмуни ўртасида боғланиш заиф, баъзи ўринларда муаллиф мавзу доирасидан четга чиқиб кетади. Диссертациянинг 3.4. қисми "Шахсий маълум-

мотлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун фуқаролик жавобгарлик чораларини қўллаш" — деб номланса ҳам, мавзунинг мазмунини очиқ берилмаган, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларининг назарий ва амалий жиҳатлари етарли тадқиқ қилинмаган, суд амалиёти таҳлил қилинмаган, мазкур параграф якунида санаб ўтилган фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя усулларининг самарадорлиги ва такомиллаштириш истикболлари ҳақида зарур бўлган хулосалар берилмаган (ишнинг 146-157-бетлари).

Бунинг ўрнига тадқиқотчи изланиш предмети доирасидан чиқиб кетиб, шахсий маълумотларни жинсий-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий усулларда ҳимоя қилиш асосларини таҳлил қилган кўринади.

Фикримизча, фуқаролик ҳуқуқи нормаларининг тизимли жойлашуви нафақат назарий-фундаментал, балки ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти учун ҳам муҳим амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Янги назарий қарашлар илгари сурилаётганда уларнинг мавжуд ҳуқуқий нормалар ҳамда фуқаролик ҳуқуқ институтларининг тизимли жойлашувига қай даражада мос келиши ёки мувофиқ бўлишини пухта аниқлаб олиш зарур бўлади.

Мазкур диссертацияда айрим ҳолатларда нафақат турли ҳуқуқ институтлари, балки бошқа-бошқа ҳуқуқ соҳаларидан ўрин олган ҳуқуқ институтларини асоссиз бирлаштириб ёки аралаштириб юбориш ҳолатларига йўл қўйилган. Жумладан, оммавий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган инсон ҳуқуқлари ва хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган шахсий номулкий ҳуқуқларнинг илмий ишнинг бир параграфи доирасида таҳлил қилиниши, айниқса, шахсий номулкий ҳуқуқларни бошқа фан предметига кирувчи инсон ҳуқуқларининг таркиби деб эълон қилиниши асоссиз кўринади ҳамда илмий ишни тушунишни бирмунча қийинлаштиради (ишнинг 50-79-бетлари).

Тизимли ёндошувга амал қилмаслик муқаррар тарзда бошқа ҳуқуқ соҳаларига заруратсиз кириб кетишга олиб келган. Жумладан, муаллиф шахсий номулкий ҳуқуқлар моҳиятини таҳлил қилиб туриб, яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилишда жиноят қонунининг тутган ўрни масаласини ёритишга киришиб кетиб,

илмий изланиш доирасидан чиқиб кетган кўринади (ишнинг 55-57-бетлари).

6. Илмий ишнинг хулосасида баён этилган айрим ҳолатлар декларатив тавсифга эга бўлиб, ундан қандай назарий ёки амалий-услубий қоидалар илгари сурилаётганлигини англаш ниҳоятда мураккаб (ишнинг 309-313-бетлари).

Фикримизча, ишнинг хулоса қисмида олдинга назарий ва кейин ташкилий-ҳуқуқий тавсифдаги фикрлар баён қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди (ишнинг 309-316-бетлари).

Баён этилганлар, албатта тақризнинг субъектив фикри сифатида эътироф этилиб, илмий ишни такомиллаштириш ва ихчамлаштиришга оид тақризи деб қабул қилиниши лозим бўлади.

Фикримизча, ишда мавжуд бўлган бундай жуъбий камчиликлар унинг илмий, назарий ва амалий аҳамиятига таъсир кўрсатмайди.

Илмий тадқиқотда илгари сурилаётган илмий мулоҳазалар миллий қонунчиликда кутилган самара бермаётган, халқаро хусусий ҳуқуқ қоидаларини такомиллаштиришга, шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий тартибга солишдаги мавжуд камчиликларни тезроқ бартараф этиш усулларини жорий қилиш учун зарур ижтимоий-ҳуқуқий муҳитни барпо қилишга ижобий хизмат қилади.

Тадқиқотчининг диссертация бўйича ишлаб чиққан таклифлари ва хулосалари етарли даражада илмий-назарий жиҳатдан асослантирилган.

Муаллиф томонидан тайёрланган автореферат ҳамда чоп этилган илмий мақолалар диссертация мавзусига тўла мос келади.

Тадқиқотчи И.Насриевнинг "Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари" деб номланган диссертацияси ва автореферати тугалланган тадқиқот деб ҳисобланади. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан докторлик диссертацияларига қўйилган талабларга тўла жавоб беради.

Тадқиқотчи И.И.Насриев 12.00.03 - "Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик процесси; халқаро хусусий ҳуқуқ" ихтисослиги бўйича юридик фанлари доктори илмий даражасини олишга лойиқ.

БОЛА ХУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида 2011 йил 18 май куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил қилинган "Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда давлат бошқаруви органларининг роли" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Тадбирда халқ таълими, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, олий ва ўрта-махсус таълим вазирликлари, шунингдек, бошқа давлат ва нодавлат ташкилотларининг вакиллари, вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий комиссияларнинг масъул котиблари, ҳуқуқшунос олимлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Маълумки, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларида ёш авдоднинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ҳуқуқий манфаатларини ҳар томонлама қамолатлаш давлат фаолиятининг устувор йўналиши эканлиги белгилаб қўйилган. Шу муносабат билан вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, болаларнинг таълим-тарбияси, соғлигини сақлаш, иш билан таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил

этишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси, Ўзбекистон Конституцияси, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги ва "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонунлар ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари ижросининг мутасадди идоралар томонидан таъминланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар ва эришилаётган натижалар ҳам бунга яққол кўрсатиб турибди. Хусусан, болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш тизимини мустаҳкамлаш, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ёш авлод тарбиясидаги масъулиятини ошириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг сезиларли даражада камайиши кузатилмоқда.

Анжуманда мутасадди идоралар томонидан ёшларнинг таълим-тарбияси билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал қилиш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан шуғулланувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бу борада ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР

2011 йил 17 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Бухоро вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда Бухоро шаҳрида "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунларнинг ижроси самарадорлигини ошириш масалалари" мавзусида минтақавий илмий-амалий конференция ўтказилди.

Мазкур конференцияда тадбиркорлар ва хунармандлар, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари тингловчилари, Бухоро ва Навоий вилоятлари прокуратураси ва Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг ушбу вилоят бошқармалари ҳамда банк, солиқ, божхона, ички ишлар органлари, Савдо-саноат палатаси вакиллари ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок этдилар.

Конференцияда қайд этилганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ички бозоримизни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳолини доимий иш ўринлари билан таъминлаш воситаси сифатида улар фаровонлигининг ошишида асосий омил ҳисобланади.

Мамлакатимизда тадбиркорларга янада кенг эркинлик бериш ва учраётган айрим тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, уларнинг эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Конференцияда шу каби тадбиркорлик фаолиятига оид қонунчилик базасининг янада такомиллаштирилиши, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва 2011 йил 12 майдаги "Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг қабул қилиниши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада ривожланишига, уларнинг сони ҳамда иқтисодий тармоқларидаги улушининг тобора ортиб боришига хизмат қилиши қайд қилиб ўтилди.

Конференция иштирокчилари томонидан тадбиркорлик ва хунармандчилик фаолиятига оид қонунчилик ижросининг самарадорлигини ошириш, бу фаолиятни янада эркинлаштириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

РОЛЬ ИНСТИТУТОВ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В РЕАЛИЗАЦИИ ОБЩЕПРИЗНАННЫХ НОРМ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА

22 июня с.г. Институтом по изучению гражданского общества совместно с Высшими учебными курсами Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан в конференц-зале ИИГО организован круглый стол на тему: "Реализация общепризнанных принципов и норм международного права в области защиты прав и свобод граждан".

Основная цель мероприятия - рассмотрение общепризнанных принципов и норм международного права в сфере защиты прав человека, вопросов имплементации международных документов в национальное законодательство и правоприменительную практику, роль институтов гражданского общества в их реализации, а также деятельности правоохранительных органов в соблюдении прав и законных интересов человека.

За годы независимости в Узбекистане осуществлены поэтапные и системные меры, направленные на обеспечение верховенства закона, законности, надежную защиту прав и интересов личности. Последовательная демократизация, либерализация судебно-правовой системы является одним из приоритетных направлений демократического преобразования страны. Реализованы комплексные организационно-правовые мероприятия в данной сфере, в частности, укреплен судебная власть, обеспечены принцип состязательности сторон в судебном процессе, организационная самостоятельность института адвокатуры, усовершенствовано уголовное, уголовно-процессуальное и уголовно-исполнительное законодательства, усилена борьба по противодействию преступности.

Узбекистан присоединился к 70-ти международным документам по вопросам прав человека, имплементировал в национальное законодательство общепризнанные принципы и нормы международного права, принял ряд нормативно-правовых актов, гарантирующих защиту прав и законных интересов гражданина.

Сегодня созданы все необходимые условия для всемерной защиты социальных, экономических прав человека. Создана и активно функционирует система национальных институтов по правам человека, а также подразделения по защите прав человека в правоохранительных

органах республики.

В реализации прав и свобод человека особое место занимают институты гражданского общества. В стране функционируют более 5000 ННО в различных областях общественной жизни. Вместе с этим, в республике активно развивается процесс вовлечения институтов гражданского общества в сферу защиты прав человека, реализация которых лежит не только на государстве, но и на обществе в целом, повышается значение субъектов гражданского общества в данной сфере. Постепенно повышается роль и укрепляется место неправительственных организаций в сфере защиты прав и интересов различных слоев населения.

Защита прав и законных интересов граждан является также основной задачей правоохранительных органов республики. В целях эффективного выполнения данной функции реформирована система органов прокуратуры, приняты нормативно-правовые акты, обеспечивающие защиту социальных, экономических, политических и личных прав граждан.

В ходе мероприятия участники ознакомились с принципами и нормами основополагающих международных документов в сфере прав человека, деятельностью негосударственных некоммерческих организаций, правоохранительных органов республики и отраслевым зарубежным опытом в области обеспечения и реализации прав человека.

Участники круглого стола обсудили вопросы, касающиеся совершенствования правоприменительной деятельности институтов гражданского общества по социальной защите населения, защите прав субъектов предпринимательства и малого бизнеса, а также вопросы укрепления сотрудничества институтов гражданского общества с правоохранительными органами в данной области.

В работе круглого стола приняли участие представители институтов гражданского общества, Высших учебных курсов Генеральной прокуратуры, Исследовательского центра при Верховном суде, Министерства внутренних дел, Палаты адвокатов Республики Узбекистан, а также специалисты ТПП, Ассоциации фермерских хозяйств Узбекистана.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқа муаммоли масалалар бўйича тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда амалий таклифлар, тавсиялар ва қўлланмаларни ишлаб чиқиш борасида илмий-амалий анжуманлар ташкил этиб келинмоқда.

Мазкур йўналишда "Кичик бизнес ва тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг самарадорлигини ошириш масалалари" номли китобнинг чоп этилганлиги муҳим воқеа бўлди. (Масъул муҳаррир: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари бошлиғи, ю.ф.д. Т.А.Умаров, Тўзувчилар ю.ф.д., проф. Б.Х. Пўлатов, Ж.А. Раҳманов, Тақризчилар: юридик фанлари доктори, проф. М.Б.Ус-

монов, юридик фанлари доктори, проф. Р.Ж.Рўзиев) Т.: 2011, 240 бет.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан Жиззах шаҳрида ўтказилган "Кичик бизнес ва тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг самарадорлигини ошириш масалалари" мавзусидаги илмий-амалий семинар материалларини ва мавзуга оид мақолаларни ўзи ичига олади.

Тўпلامдаги мақолалар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг ижроси, бу борадаги давлат органлари, хусусан, прокуратура органларининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан муҳим амалий аҳамиятга молик.

Мазкур нашр назарий-олимлар, амалиёт ходимлари, тадбиркорлар ва олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан ташкил этилган илмий-амалий анжуман материалларини мақолалар тўплами шаклида чоп қилдириш анъанага айланмоқда. Бу борада, "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидаларини миллий қонунчиликка татбиқ қилиш масалалари" номли илмий-амалий қўлланма чоп этилди. Таҳрир ҳайъати: Т.А.Умаров, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари бошлиғи, ю.ф.д., Б.Х.Пўлатов, ОЎК кафедра бошлиғи, ю.ф.д., профессор, Г.Маткаримова, ю.ф.д., профессор, О.З.Муҳаммаджанов, ю.ф.д. Термиз-2011, 191-бет.

Мазкур қўлланмада 2011 йил май ойида Тер-

миз шаҳрида ўтказилган илмий-амалий анжуман иштирокчиларининг маърузалари ҳамда бир қатор ҳуқуқшунос олим ва тадқиқотчиларнинг илмий-амалий мақолалари ўрин олган бўлиб, унда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидаларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига татбиқ қилиш билан боғлиқ бўлган долзарб масалалар таҳлил этиб берилган.

Тўпلامдаги мақолаларда халқаро ҳуқуқнинг илғор нормаларини миллий қонунчиликка татбиқ қилиш масалалари, бу борадаги мавжуд ташкилий-ҳуқуқий муаммолар кўрсатиб берилган.

Тўпلام назарий-олимлар, амалиёт ходимлари ва олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан 2011 йил 17 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказ ва ТДЮИ билан ҳамкорликда ўтказилган илмий-амалий конференция материаллари асосида "Инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳамкорлиги масалалари" номли илмий мақолалар тўплами чоп этилди. Таҳрир ҳайъати: Т.А.Умаров, Олий ўқув курслари бошлиғи, ю.ф.д., Б.Х.Пўла-

тов, ОЎК кафедра бошлиғи, ю.ф.д., проф., Ф.Ю.Шодманов, ОЎК бошлиғи ўринбосари, ю.ф.д., проф., Ф.Х.Раҳимов, ОЎК кафедра бошлиғи, ю.ф.д. Т.: 2011, 140-бет.

Тўпلامда фуқаролик институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамкорлиги масалалари ёритилган.

Тўпلام амалиётчилар, назарий-олимлар, ҳуқуқшунослар ва бошқа мутахассислар учун мўлжалланган.



«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;
- матн такрорлашларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;
- келтириладиган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;
- мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;
- матн ўзбек ва рус тилида, шунингдек, имкониятга қараб инглиз тилидаги таржимаси ҳам тақдим этилиши;
- матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;
- мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;
- мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;
- мақоланинг сўнги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган бўлиши лозим.
- рус тилидаги қисқа аннотация

Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

- статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;
- исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;
- достоверность и корректность приводимой в статье информации;
- к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;
- представление статьи на узбекском и русском языках, по мере возможности на английском языке;
- статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;
- объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;
- на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний и служебный адреса, телефоны автора.
- краткая аннотация статьи на узбекском языке



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари